УЗБЕКСКОЕ АГЕНТСТВО СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ
ЦЕНТР НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИХ И МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

# Русско-узбекский толковый словарь терминов по линиям связи и системам передачи

# Алоқа линиялари ва узатиш тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати

ТАШКЕНТ
2008

www.ziyouz.com kutubxonasi

Под общей редакцией д.т.н., профессора *Мухитдинова М.*
Словарь составлен *Мунаваровым А., Перепада Н.*
переведен и отредактирован *Ахмедовой Ё., Тулягановым Ш.*

Рецензент: Кандидат технических наук, доцент *Абдурахмонов Р.*

Техника фанлари доктори,
профессор *М. Мухитдиновнинг* умумий таҳрири остида.
Луғат *А. Мунаваров, Н. Перепада* томонидан тузилди,
*Ё. Ахмедова, Ш. Тулягановлар* томонидан
таржима ва таҳрир қилинди.

Тақризчи: Техника фанлари номзоди, доцент *Р. Абдурахмонов.*

ISBN 978-9943-356-01-6

© ЦНТМИ, 2008 г.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВВЕДЕНИЕ

Быстрое продвижение на телекоммуникационный рынок волоконно-оптических систем связи, характеризуемых большими пропускными способностями по сравнению с системами на металлических кабелях, позволило решить часть проблем, порождаемых недостатком сетевых ресурсов. Однако развитие в последние годы новых приложений и служб, связанных с генерацией, транспортировкой и обработкой громадных объемов трафика, привело к ситуации, когда проблема нехватки полосы пропускания, причем как в транспортных сетях, так и в сетях доступа, вновь встала с большой остротой.

Необходимость быстрого наращивания пропускной способности сетей связи, обусловленная, в первую очередь, взрывным характером роста суммарного трафика, особенно, трафика данных, порожденная ускоренным развитием Интернет, внедрением мультимедийных услуг, а также ростом всемирного бизнеса предопределила разработку и внедрение сетевых технологий, в первую очередь, в магистральных сетях, способных решить проблему нехватки полосы пропускания. Применение в начале 90-х годов прошлого века волоконно-оптических кабелей и систем передачи SDH позволило получить скорости передачи информации порядка 10 Гбит/с. Однако переход к более высоким скоростям передачи на основе технологии SDH ограничивается определенными физическими явлениями в волокне. Дальнейший рост пропускной способности транспортных сетей стал возможным при применении технологии DWDM, основанной на принципе волнового мультиплексирования или разделения каналов по длине волны и позволяющей получить скорости передачи в несколько сотен Гбит/с и даже нескольких Тбит/с в одном волокне. Возможности новой технологии таковы, что весь сегодняшний мировой телефонный трафик можно передать по одной паре волокон.

Начавшееся внедрение технологии DWDM является одним из важных шагов на пути построения полностью оптических транспортных сетей, получивших название фотонных сетей. Фотонная сеть является сетью связи, в которой информация передается только в форме оптического сигнала. Прогресс в разработке оптических компонентов (регулируемые источники, фильтры, усилители, передатчики, коммутаторы) позволяет построить фотонную магистральную сеть на системах DWDM, оптических мультиплексорах вставки/выделения (Optical ADM, OADM) и оптических кросс-коннекторах (Optical DXS, ODXS).

Революционный сценарий развития сетей предполагает полную замену существующего электронного оборудования оптическими системами в



www.ziyouz.com kutubxonasi

течение относительно короткого временного интервала. Анализ развития систем передачи, составляющих транспортную основу магистральных сетей, показывает, что за прошедшие более чем 80 лет эти системы последовательно эволюционировали в область все более высоких скоростей передачи, становились более надежными, более простыми в эксплуатации, управлении и обеспечении необходимой пропускной способности. Новые транспортные технологии на базе применения волоконно-оптических систем обеспечивают сегодня практически экспоненциальный рост пропускной способности сетей, существенно увеличивая сетевые возможности и уменьшая стоимость передачи информации.

Столь бурное развитие сетевых технологий породило в свою очередь огромное количество научных публикаций как обзорного, так и рекламного характера. В Узбекистане специалисты отрасли при освоении новых технологий пользовались как оригинальными материалами зарубежных компаний, полученных вместе с оборудованием или при обучении этим технологиям в учебных центрах компаний-поставщиков, так и оригинальными материалами рекомендаций и стандартов по данным технологиям МСЭ. Однако, в связи с реализацией концепции NGN, обеспечивающей взаимодействие различных сетей, транспортные технологии заинтересовали большое количество специалистов по компьютерным сетям. Следует также отметить, что широкое использование в транспортных сетях чисто оптических функциональных элементов требует не только от разработчиков, но и от рядовых инженеров, обеспечивающих монтаж и эксплуатацию аппаратуры, знаний в области волоконной оптики и оптических технологий. Все эти факторы и предопределили необходимость создания русско-узбекского толкового словаря по линиям связи и системам передачи.

Словарь терминов и определений по линиям связи и системам передачи издается в республике впервые. Словарь является результатом работы специалистов Службы терминологии и словарей, а также других специалистов. При составлении словаря использованы материалы зарубежной технической литературы и справочников, учебных пособий и материалы Internet.

Словарь включает в себя свыше 1400 терминов, расположенных в алфавитном порядке.

Словарь рассчитан на специалистов сферы связи и информатизации, научных работников, переводчиков, преподавателей, аспирантов и студентов.

Заранее выражаем признательность за замечания и предложения. Они будут учтены при подготовке очередного издания словаря.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

Телекоммуникациялар бозорига металл кабеллардаги тизимларга қараганда, анчагина кенг ўтказиш полосасига эгалиги билан тавсифланувчи оптик-толали алоқа тизимларининг тез кириб бориши, тармоқ ресурслари етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган муаммоларнинг бир қисмини ҳал этиш имконини берди. Бироқ, сўнгги йилларда катта ҳажмдаги трафикни қайта ишлаш, генерациялаш, ташиш билан боғлиқ янги илова (дастурий таъминот) ва хизматларнинг ривожланиши ҳам транспорт, ҳам фойдалана олиш тармоқларида ўтказиш полосасининг етишмаслик муаммоси қайта пайдо бўлишига олиб келди.

Интернетнинг жадал ривожланиши, мультимедиали хизматларнинг жорий қилиниши, шунингдек, бутун дунё бизнесининг ўсиши юзага келтирган жами трафик, айниқса, маълумотлар трафики ўсишининг юқори бўлиши билан боғлиқ бўлган, алоқа тармоқларининг ўтказиш қобилиятини тез ошириш зарурлиги ўтказиш полосаси етишмаслик муаммосини ҳал эта оладиган тармоқ технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни, биринчи навбатда, магистраль тармоқларда, белгилаб берди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида оптик-толали кабеллар ва SDH узатиш тизимларининг қўлланилиши 10 Гбит/с ахборот узатиш тезлигига эришиш имконини берди. Бироқ, SDH технологияси асосида юқори узатиш тезлигига ўтиш толадаги муайян физик ҳодисалар туфайли чекланади. Транспорт тармоқларининг ўтказиш қобилиятини тўлқин мультиплексорлаш ёки каналларни тўлқин узунлиги бўйича ажратиш принципига асосланган, бир толада бир неча юз Гбит/с ва ҳатто, Тбит/с узатиш тезлигини олиш имконини берувчи DWDM технологиясини қўллаш натижасида ошириш мумкин бўлди. Янги технологиянинг имконияти шундайки, бугунги кунда дунё телефон трафикини толаларнинг битта жуфти орқали узатиш мумкин.

DWDM технологиясини жорий қилишнинг бошланиши фотон тармоқлари номини олган тўлиқ оптик транспорт тармоқларини қуриш йўлида муҳим қадам бўлади. Фотон тармоқ ахборот фақат оптик сигнал кўринишида узатиладиган алоқа тармоғи ҳисобланади. Оптик компонентлар (созланадиган манбалар, фильтрлар, кўпайтиргичлар, узаткичлар, коммутаторлар) ни ишлаб чиқишдаги ижобий силжиш DWDM тизимларида, оптик киритиш/ажратиш мультиплексорларида (Optical ADM, OADM), ва оптик кросс-коннекторларда (Optical DXS, ODXS) фотон магистраль тармоқ қуриш имконини беради.

Тармоқларни ривожлантиришнинг бориши, қисқа вақт ичида мавжуд электрон ускуналарнинг оптик тизимлар билан бутунлай алмаштирилишини кўзда тутади. Магистраль тармоқларнинг транспорт асосини таш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кил этадиган узатиш тизимларининг ривожланишини таҳлил қилиш, ўтган 80 йилдан ортиқ вақт ичида, бу тизимлар янада юқори узатиш тезликлари соҳасига изчил ўтганини, эксплуатация қилиш ва бошқаришда, зарур ўтказиш қобилиятини таъминлашда, янада ишончли, янада соддалашганини кўрсатади. Оптик-толали тизимларни қўллаш асосидаги янги транспорт технологиялар бугунги кунда тармоқ имкониятларини анча оширган ва ахборот узатиш қийматини камайтирган ҳолда, амалда тармоқлар ўтказиш қобилиятининг экспоненциал ўсишини таъминлайди.

Тармоқ технологияларининг шиддатли ривожланиши, ўз навбатида, обзор ва реклама характеридаги кўплаб илмий мақолалар пайдо бўлишига туртки берди. Ўзбекистонда тармоқ мутахассислари янги технологияларни ўзлаштиришда хориж компанияларининг ускуна билан бирга ёки етказиб берувчи компанияларнинг ўқув марказларида бу технологияларни ўрганиш мобайнида олинган оригинал материалларидан, шунингдек, халқаро электралоқа иттифоқининг ушбу технологиялар бўйича тавсиялар ва стандартлари материалларидан фойдаландилар. Бироқ, турли тармоқларнинг биргаликда ишлашини таъминловчи NGN концепцияси амалга оширилиши сабабли, транспорт технологиялар компьютер тармоқлари бўйича кўплаб мутахассисларни қизиқтириб қолди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, транспорт тармоқларда соф оптик функционал элементлардан кенг фойдаланиш, нафақат ишлаб чиқувчилардан, балки, аппаратурани монтаж қилиш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган оддий муҳандислардан тола оптикаси ва оптик технологиялар бўйича муайян билим, тушунча бўлишини талаб қилади. Ушбу барча омиллар алоқа линиялари ва узатиш тизимлари бўйича русча-ўзбекча изоҳли луғат яратиш заруратини юзага келтирди.

Алоқа линиялари ва узатиш тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати республикада биринчи марта нашр қилинмоқда. Луғат Атамашунослик ва луғатлар хизмати мутахассисларининг, шунингдек, бошқа мутахассисларнинг меҳнати самарасидир. Луғатни тузишда техникага оид хорижий адабиётлардан, маълумотнома характеридаги нашрлардан, ўқув қўлланмаларидан ҳамда Internet материалларидан фойдаланилди.

Луғат алифбо тартибида жойлашган 1400 дан ортиқ атамани ўз ичига олади.

Луғат алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассисларига, илмий ходимларга, таржимонларга, ўқитувчиларга, аспирантлар ва талабаларга мўлжалланган.

Луғат юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз. Улар луғатнинг кейинги нашрини тайёрлашда ҳисобга олинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

| Термин | Определение |
|---|---|
| | **А** |
| **Абонентская линия**<br>*uz* – абонент линияси<br>*en* – local loop | Линия между абонентской станцией и коммутационным оборудованием узла связи; часто называется «последней милей» телекоммуникационной системы.<br>Абонент станцияси ва алоқа узелининг коммутацион ускунаси ўртасидаги линия; кўпинча телекоммуникация тизимининг «охирги миля»си дейилади. |
| **Автокорреляционная функция**<br>*uz* – автокорреляцион функция<br>*en* – autocorrelation function | Функция, характеризующая автокорреляционные свойства сигнала. Считается, что сигнал обладает хорошими автокорреляционными свойствами, если пик автокорреляционной функции максимальный, а уровень ее боковых лепестков минимален.<br>Сигналнинг автокорреляцион хоссаларини тавсифловчи функция. Автокорреляцион функция чўққиси максимал, япроқларининг сатҳи минимал бўлган сигнал яхши автокорреляцион хоссаларга эга ҳисобланади. |
| **Автоматический запрос повторной передачи**<br>*uz* – такрорий узатишни автоматик сўраш<br>*en* – automatic request for repeat (ARQ) | Протокол, определяющий процедуры обмена сигналами взаимодействия между передатчиком и приемником в линиях связи с повторной передачей данных.<br>Маълумотларни такрор узатиш билан, алоқа линияларидаги узаткич ва қабул қилгич ўртасида ўзаро таъсир сигналлари алмашинуви процедурасини белгиловчи протокол. |
| **Агрегирование каналов**<br>*uz* – каналларни агрегатлаш<br>*en* – channel aggregation | Метод повышения пропускной способности за счет объединения нескольких параллельных каналов в один высокоскоростной поток данных.<br>Бир нечта параллел канални битта юқори тезликли маълумотлар оқимига бирлаштириш ҳисобига ўтказиш қобилиятини ошириш методи. |
| **Адаптер**<br>*uz* – адаптер<br>*en* – adapter | 1. Устройство, позволяющее совместно использовать вилки различных типов и размеров или совмещать их с телекоммуникацион- |



www.ziyouz.com kutubxonasi

ной розеткой/коннектором; большие кабели с многочисленными проводниками разделяеть на группы с меньшим числом проводников; осуществлять контакт между кабелями. 2. Интерфейсное устройство, позволяющее двум или более несовместимым сетевым объектам взаимодействовать друг с другом и обмениваться информацией.

1. Ҳар хил турдаги ва ўлчамдаги вилкалардан биргаликда фойдаланиш ёки уларни телекоммуникация розеткаси/коннектор билан қўшиш имконини берувчи қурилма. Кўп ўтказгичли катта кабелларни ўтказгичлар сони камроқ бўлган гуруҳларга ажратади; кабеллар ўртасида контактни амалга оширади. 2. Икки ёки ундан ортиқ, мос келмайдиган тармоқ объектларига биргаликда ишлаш ва ахборот айирбошлаш имконини берадиган интерфейс қурилма.

**Адаптер волоконно-оптический**

*uz* – оптик-толали адаптер

*en* – fiber optic adapter

Компонент коммутационного оборудования, предназначенный для позиционирования и соединения двух волоконно-оптических коннекторов.

Иккита оптик-толали коннекторни позициялаш (маълум вазиятга қўйиш) ва улаш учун мўлжалланган коммутацион ускуна компоненти.

**Адаптивный корректор/компенсатор**

*uz* – адаптив корректор/компенсатор

*en* – adaptive equalizer

Устройство, параметры которого автоматически подстраиваются к условиям приема сигналов. Адаптивные корректоры/компенсаторы применяются для коррекции амплитудных и фазовых искажений, вызванных межсимвольными искажениями сигнала и неидеальностью аппаратуры приема и передачи сигналов.

Параметрлари сигналларни қабул қилиш шароитларига автоматик равишда мослашадиган қурилма. Адаптив корректор/компенсаторлар сигналнинг символлараро бузилишлари ва сигналларни қабул қилиш ҳамда узатиш аппаратураси бенуқсон эмаслиги келтириб чиқарадиган амплитуда ва фаза бузилишларини тўғрилаш (коррекциялаш) учун қўлланилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Адаптированная по скорости цифровая абонентская линия**

*uz* – тезлик бўйича мослаштирилган рақамли абонент линияси

*en* – rate adaptive digital subscriber line (RADSL)

Высокоскоростная линия абонентского доступа, в которой скорость передачи информации изменяется в зависимости от длины линии и общего числа задействованных каналов. Скорость входящего потока может изменяться в пределах от 0,375 до 1 Mbit/s, а исходящего – от 1 до 8 MHz.

Юқори тезликли абонент фойдаланиш линияси, бунда ахборотни узатиш тезлиги линия узунлигига ҳамда ишга туширилган каналларнинг умумий сонига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Кирувчи оқим тезлиги 0,375-1 Mbit/s, чиқувчи оқим тезлиги эса, 1 дан 8 MHz гача бўлган чегарада ўзгариши мумкин.

**Административный блок уровня *n***

*uz* – *n* сатҳ маъмурий блоки

*en* – administrative unit-*n* (AU-*n*)

Информационная структура, обеспечивающая согласование между слоем трактов верхнего ранга и слоем мультиплексных секций. Состоит из информационной нагрузки (виртуальный контейнер верхнего ранга) и указателя административного блока, который обозначает отступ начала цикла нагрузки от начала цикла мультиплексной секции. Определены два вида административных блоков. AU-4 состоит из VC-4 и указателя административного блока, который показывает корректирование фазы VC-4 относительно цикла STM-*n*. AU-3 состоит из VC-3 и указателя административного блока, который показывает корректирование фазы VC-3 относительно цикла STM-*n*. В обоих случаях указатель административного блока занимает фиксированное положение в цикле STM-*n*. Один или более административных блоков, занимающих фиксированное положение в нагрузке STM, называются группой административных блоков (AUG). AUG состоит из однородного набора AU-3 или одного AU-4.

Юқори ранг трактлари қатламиси ва мультиплекс секциялар қатламиси ўртасида мувофиқлашувни таъминловчи ахборот структура. Ахборот нагрузка (юқори рангнинг виртуал контейнери) ва юкланиш қисмининг бошланишини мультиплекс секция цикли бошланишидан силжишини билдирувчи маъмурий блок кўрсаткичидан иборат. Маъмурий блокларнинг икки тури аниқланган. AU-4 VC-4 ва STM-*n* циклига нис-



www.ziyouz.com kutubxonasi

батан VC-4 фаза тузатишларини кўрсатувчи маъмурий блок кўрсаткичидан иборат. AU-3 VC-3 дан ва STM-*n* циклига нисбатан VC-3 фаза тузатишларини кўрсатувчи маъмурий блок кўрсаткичидан иборат. Маъмурий блок кўрсаткичи ҳар икки ҳолда STM-*n* циклида муайян вазиятни эгаллайди. STM нагрузкада муайян вазиятни эгаллаб турувчи бир ёки ундан ортиқ маъмурий блок, маъмурий блоклар гуруҳи (AUG) дейилади. (AUG) бир AU-4 ёки бир хил турдаги AU-3 тўпламидан иборат.

**Активное устройство**

*uz* – актив қурилма
*en* – active device

Любое устройство, производящее усиление сигнала.

Сигналнинг кучайтирилишини амалга оширувчи ҳар қандай қурилма.

**(Активное) сопротивление**

*uz* – қаршилик (актив)

*en* – resistance

Величина, характеризующая степень противодействия участка электрической цепи протекающему по нему току. В кабельной линии принято оценивать погонное сопротивление, пересчитанное на единицу длины.

Электр занжири участкасининг, ундан оқиб ўтаётган токка кўрсатадиган қаршилик даражасини тавсифлайдиган катталик. Кабелли линияда узунлик бирлигига қайта ҳисобланган узунасига ўлчанадиган қаршиликни баҳолаш қабул қилинган.

**Акустооптический коммутационный прибор**

*uz* – акустооптик коммутацион асбоб

*en* – acousto-optic switch apparatus

Оптический коммутационный прибор, в котором оптическая коммутация осуществляется за счет акустооптического эффекта в его элементах.

Оптик коммутация элементларида кузатиладиган акустооптик эффект ҳисобига амалга ошириладиган оптик коммутацион асбоб.

**Американский сортамент проводов**

*uz* – америка симлар сортаменти

*en* – american wire gauge (AWG)

Американская система классификации кабелей, в которой чем больше условный номер изделия, тем меньше диаметр проводника. В телекоммуникационных сетях, как правило, используются провода калибров 22 AWG, 24 AWG и 26 AWG.

Кабелларни таснифлашнинг америка тизими.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унда маҳсулотнинг шартли рақами қанчалик катта бœлса, ўтказгичнинг диаметри шунча кичик бўлади. Телекоммуникация тармоқларида, одатда, 22 AWG, 24 AWG ҳамда 26 AWG калибрли симлардан фойдаланилади.

**Амплитудно-фазовая модуляция с подавленной несущей**

*uz* – элтувчи бостирилган амплитуда-фазавий модуляция

*en* – carrierless amplitude/phase modulation (CAP)

Спектрально-эффективный метод многопозиционной квадратурной модуляции, при котором несущая частота модулируется по амплитуде и фазе, образуя кодовое пространство с N состояниями; обычно N=16 (CAP16), 64 (CAP64) или 128 (CAP128). Несущая частота в линию не передается – она «вырезается» из сигнала, а затем восстанавливается в приемнике. Модуляция CAP64 применяется в линии абонентского доступа ADSL и HDSL (1,168 Mbit/s), а CAP128 – в SDSL (2,32 Mbit/s).

Кўп позицияли квадратура модуляциялашнинг спектрал эффектив методи. Бунда элтувчи частота N та ҳолатга эга кодли фазо ҳосил қилган ҳолда, фаза ва амплитуда бўйича модуляцияланади. Одатда, N нинг қиймати 16 (CAP16), 64 (CAP64) ёки 128 га (CAP128) тенг. Элтувчи частота линияга узатилмайди, сигналдан «кесиб олинади», сўнгра қабул қилгичда тикланади. CAP64 модуляция ADSL ва HDSL (1,168 Mbit/s) абонент кириш линияларида, CAP128 эса, SDSL (2,32 Mbit/s) да қўлланилади.

**Аналоговая модуляция**

*uz* – аналог модуляция

*en* – analog modulation

Способ модуляции, при котором параметры излучаемого колебания (амплитуда, частота, фаза) изменяются пропорционально амплитуде входного модулирующего сигнала.

Нурланувчи тебраниш параметрлари (амплитуда, частота, фаза) модуляцияловчи кириш сигнали амплитудасига пропорционал ўзгарадиган модуляция усули.

**Аналоговый (формат)**

*uz* – аналог (формат)

*en* – analog

Формат, использующий для передачи информации одни и те же физические переменные, такие как амплитуда напряжения или изменение частоты.

Ахборот узатиш учун кучланиш ампли-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тудаси ёки частота ўзгариши каби физик ўзгарувчилардан фойдаланиладиган формат.

**Аналоговый (цифровой) передающий оптоэлектронный модуль**

*uz* – аналог (рақамли) узатувчи оптоэлектрон модуль

*en* – analog (digital) transmitting optoelectronic module

Передающий оптоэлектронный модуль, предназначенный для преобразования аналоговых (цифровых) сигналов телекоммуникаций.

Аналог (рақамли) телекоммуникациялар сигналларини ўзгартириш учун мўлжалланган узатувчи оптоэлектрон модуль

**Аналоговый (цифровой) приемный оптоэлектронный модуль**

*uz* – аналог (рақамли) қабул қилувчи оптоэлектрон модуль

*en* – analog (digital) receiving optoelectronic module

Приемный оптоэлектронный модуль, предназначенный для преобразования аналоговых (цифровых) оптических сигналов телекоммуникаций.

Аналог (рақамли) телекоммуникациялар оптик сигналларини ўзгартириш учун мўлжалланган қабул қилувчи оптоэлектрон модуль.

**Аналого-цифровой приемно-передающий оптоэлектронный модуль**

*uz* – аналог-рақамли қабул қилувчи-узатувчи оптоэлектрон модуль

*en* – lectern-digital receiving-transmitting optoelectronic module

Приемно-передающий оптоэлектронный модуль, выполняющий функции аналогового и цифрового приемно-передающих оптоэлектронных модулей.

Аналог ва рақамли қабул қилувчи-узатувчи оптоэлектрон модуллар функциясини бажарадиган қабул қилувчи-узатувчи оптоэлектрон модуль.

**Антенный ввод**

*uz* – антенна кириши

*en* – antenna entrance

Трасса, проходящая от антенны к связанном с ней активному оборудованию.

Антенна ва у билан боғланган актив ускун ўртасидаги йўл.

**Апертурный угол**

*uz* – апертура бурчаги

*en* – acceptance angle

Максимальный угол между оптической осью световым лучом, падающим на торец оптич ского волокна.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оптик ўқ ва оптик толанинг четига тушадиган ёруғлик нури ўртасидаги максимал бурчак.

**Аппаратный шкаф**

*uz* – аппаратхона шкафи

*en* – apparatus closet

См. «Телекоммуникационный шкаф».

«Телекоммуникация шкафи» га қаранг.

**Аппаратура выделения цифровых потоков и каналов**

*uz* – рақамли оқимлар ва каналларни ажратиш аппаратураси

*en* – equipment of the separation digital flow and channel

Аппаратура, обеспечивающая выделение из цифрового группового сигнала позиций, относящихся к строго определенному цифровому потоку предшествующей ступени иерархии, входящему в групповой сигнал, вписываемый на освободившиеся позиции.

Бўшаган позицияларга киритиладиган сигналлар гуруҳига кирадиган, иерархия олдинги босқичининг қатъий белгиланган рақамли оқимига тегишли бўлган позицияларни рақамли сигналлар гуруҳидан ажратиб олинишини таъминловчи аппаратура.

**Аппаратура окончания канала данных**

*uz* – маълумотлар каналининг тугаш аппаратураси

*en* – data circuit-terminating equipment (DCE)

Аппаратура, входящая в состав сети данных и обеспечивающая согласование с оконечным оборудованием данных сигналов, передаваемых и принимаемых по сети данных.

Маълумотлар тармоғи таркибига кирувчи ҳамда маълумотлар тармоғи орқали узатиладиган ва қабул қилинадиган сигналларнинг маълумотлар охирги ускунаси билан мослашувини таъминловчи аппаратура.

**Арендуемая линия**

*uz* – ижарадаги линия

*en* – leased line

Некоммутируемая линия наземной или спутниковой связи типа «точка-точка», выделенная для монопольного использования абоненту (организации или частному лицу).

Монопол (якка тартибда) фойдаланиш учун абонентга (ташкилот ёки хусусий шахсга) ажратилган, «нуқта-нуқта» туридаги, коммутацияланмайдиган ер ёки йўлдошли алоқа линияси.

**Армирование**

*uz* – арматуралаш

*en* – armoring

Дополнительный защитный элемент, расположенный между оболочками кабеля и предназначенный для защиты от климатических условий.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кабель қобиқлари орасида жойлашган, иқлим шароитларидан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган қўшимча ҳимоя элементи.

**Асимметричная цифровая абонентская линия**

*uz* – асимметрик рақамли абонент линияси

*en* – asymmetric digital subscriber line (ADSL)

Высокоскоростной канал абонентского доступа, предназначенный для работы по одной витой паре с использованием цифрового многотонального сигнала (DMT) или CAP-кодирования. Модем ADSL обеспечивает в прямом канале скорость передачи, кратную 1,536 (T1) или 2,048 (E1) Mbit/s. Максимальная скорость в этом канале принята равной 6,144 Mbit/s (4 канала T1 или 3 канала E1). В обратном канале обеспечивается передача данных в дуплексном режиме со скоростью 16 или 64 kbit/s. Максимальная скорость в обратном канале не превышает 640 kbit/s. Длина кадра в ADSL равна 250 ms, суперкадра – 17 ms. Суперкадр состоит из 69 кадров, в том числе одного служебного.

Рақамли кўп тоналли сигналдан (DMT) ёки CAP кодлашдан фойдаланиб, битта ўралган жуфт бўйича ишлаш учун мўлжалланган, юқори тезликли абонент кира олиш канали. ADSL модеми тўғри каналда 1,536 (T1) ёки 2,048 (El) Mbit/s га каррали бўлган узатиш тезлигини таъминлайди. Бу каналда максимал тезлик 6,144 Mbit/s га тенг деб қабул қилинган (4 та T1 ёки 3 та E1 канали). Тескари каналда маълумотларни дуплекс режимда 16 ёки 64 kbit/s тезлик билан узатиш таъминланади. Тескари каналда максимал тезлик 640 kbit/s дан ошмайди. ADSL да кадр узунлиги 250 ms га, суперкадр узунлиги эса, 17 ms га тенг. Суперкадр 69 та кадрдан, шу жумладан, битта хизматга оид кадрдан иборат.

**Асимметричный трафик**

*uz* – асимметрик трафик

*en* – asymmetric traffic

Передача информации в прямом и обратном направлениях с разными скоростями.

Ахборотни тўғри ва тескари йўналишларда ҳар хил тезлик билан узатиш.

**Асинхронная передача**

*uz* – асинхрон узатиш

*en* – asynchronous transmission

Передача информации в случайный момент времени, но не раньше, чем завершится обработка предыдущего сигнала. В начале каждого асинхронно передаваемого сообщения обычно содержатся избыточные символы, ис



www.ziyouz.com kutubxonasi

пользуемые приемным устройством для синхронизации сигнала.

Ахборотни тасодифий вақт онида, бироқ, олдинги сигнални қайта ишлаш тугаллангандан кейин узатиш. Ҳар бир асинхрон узатилаётган хабарнинг бошида одатда, қабул қилувчи қурилма томонидан сигнални синхронлаш учун фойдаланиладиган ортиқча символлар бўлади.

**Асинхронное мультиплексирование**
*uz* – асинхрон мультиплексорлаш
*en* – asynchronous multiplexing

Метод объединения сигналов, поступающих от нескольких источников информации в групповой синхронный поток. Данный метод обычно применяется, когда генераторы опорных колебаний этих источников никак не связаны.

Бир нечта ахборот манбаидан келадиган сигналларни гуруҳли синхрон оқимга бирлаштириш методи. Бу метод манбаларнинг таянч тебранишлар генераторлари ҳеч қандай боғлиқликда бўлмаганда қўлланилади.

**Асинхронность**
*uz* – асинхронлик
*en* – asynchrony

Признак, указывающий на отсутствие временных связей между событиями, происходящими в разные моменты времени.

Вақтнинг турли онларида юз берадиган ҳодисалар ўртасида вақтинчалик боғланишлар йўқлигини кўрсатувчи аломат.

**Асинхронный режим**
*uz* – асинхрон режим
*en* – asynchronous mode

Режим, при котором задающие генераторы на обоих концах линии связи работают в автономном режиме.

Алоқа линиясининг ҳар икки учидаги белгиловчи генераторлар автоном ишлайдиган режим.

**Асинхронный сигнал**
*uz* – асинхрон сигнал
*en* – asynchronous signal

Сигнал, передаваемый в произвольные моменты времени, интервал между которыми является случайной величиной.

Ихтиёрий вақт онида узатиладиган сигнал. Сигналлар ўртасидаги вақт интервали тасодифий миқдор ҳисобланади.

**Атмосферные помехи**
*uz* – атмосфера халақитлари

Помехи естественного происхождения, вызванные электрическими процессами и природными явлениями, происходящими в атмос-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – atmospheric noise (at mospheric interference)

фере. Энергия таких помех сосредоточена в области километровых и гектометровых волн.

Атмосферада юз берадиган электр жараёнлар ва табиат ҳодисалари келтириб чиқарадиган табиий халақитлар. Уларнинг энергияси километрли ва гектометрли тўлқинлар соҳасида тўпланади.

## Б

**Базовая сеть**

*uz* – таянч тармоқ

*en* – core netwotk

Система связи, объединяющая коммутационное и сетевое оборудование, установленное на различных пунктах связи.

Турли алоқа пунктларида ўрнатилган коммутация ва тармоқ ускунасини бирлаштирувчи, алоқа тизими.

**Байонетный соединитель; разъем байонетного типа**

*uz* – байонет улагич; байонет туридаги ажраткич

*en* – bayonet nut connector (BNC)

Миниатюрный разъем, применяемый при соединении контактов с помощью тонкого коаксиального кабеля. Фиксация в нем осуществляется с помощью выступов на неподвижном гнезде и прорезей на поворотной части вилки.

Ингичка коаксиаль кабель ёрдамида контактларни улашда ишлатиладиган митти ажраткич. Маҳкамлаш қўзғалмас уядаги чиқиқлар ва вилканинг буриладиган қисмидаги тешиклар ёрдамида амалга оширилади.

**Барьер**

*uz* – тўсиқ

*en* – barrier

Постоянная перегородка, вмонтированная в канал или кабельный лоток, обеспечивающая полное разделение смежных отсеков.

Каналга ёки кабель лотогига жойлаштирилган, қўшни бўлмаларнинг тўлиқ ажратилишини таъминлайдиган доимий тўсиқ.

**Бегущая волна**

*uz* – югурувчи тўлқин

*en* – traveling wave

Электромагнитная волна, распространяющаяся в линии передачи только в одном направлении со скоростью, которая определяется свойствами передающей среды. В бегущей волне напряжение и ток совпадают по фазе, а их амплитуды одинаковы вдоль всей линии передачи (если пренебречь потерями).

Узатиш линиясида, узатувчи муҳитнинг хос-



www.ziyouz.com kutubxonasi

салари билан белгиланадиган тезликда, бир йўналишда тарқаладиган электромагнит тўлқин. Югурувчи тўлқинда кучланиш ва ток фаза бўйича мос тушади, амплитудалари эса, бутун узатиш линияси бўйлаб бир хил (йўқотишларни ҳисобга олмаганда) бўлади.

**Без возврата к нулю**

*uz* – нолга қайтмасдан

*en* – non-return to zero (NRZ)

Метод кодирования, при котором сигнал всегда имеет ненулевые значения: положительные или отрицательные, а двоичные символы 1 и 0 кодируются сигналами разной полярности. Такой сигнал при передаче единиц не возвращается к нулю в течение такта, т.е. после каждого бита. Метод обеспечивает хорошую распознаваемость ошибок, но не обладает свойством самосинхронизации.

Кодлаш методи, бунда сигнал ҳар доим мусбат ёки манфий, ноль бўлмаган қийматларга эга, 1 ва 0 иккилик символлар турлича қутбланган сигналлар билан кодланади. Бундай сигнал 1 ларни узатишда такт давомида, яъни ҳар бир битдан кейин 0 га қайтмайди. Метод хатоларнинг яхши аниқланишини таъминлайди, лекин ўзини ўзи синхронлаш хоссасига эга эмас.

**Без возврата к нулю с инвертированием**

*uz* – инверсиялаш билан, нолга қайтмасдан

*en* – non-return to zero, inverted (NRZI)

Модифицированный метод кодирования, при котором сигнал всегда имеет ненулевые значения, причем символ 1 соответствует смене уровня сигнала, а символ 0 – его отсутствию. Для ограничения длины повторяющихся символов осуществляется периодическая инверсия символа 1. Применяется в FDDI и 100BaseFX.

Нолга қайтмасдан кодлашнинг модификацияланган методи, бунда сигнал ҳар доимо ноль бўлмаган қийматларга эга, 1 символи сигнал даражаси алмашинишига, 0 символи эса, унинг бўлмаслигига тўғри келади. Такрорланадиган символларнинг узунлигини чеклаш учун даврий равишда 1 символининг инверсияси амалга оширилади. FDDI ва 100 BaseFX да қўлланилади.

**Бездисперсионное волокно**

Волокно, в котором быстрые моды распространяются по более длинному пути (вблизи границы с оболочкой), а медленные – по



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – дисперсиясиз тола

*en* – zero-dispersion fiber

более короткому пути (ближе к сердцевине). В результате все типы волн достигают дальнего конца волокна в один и тот же момент времени, что позволяет устранить искажения сигнала, обусловленные материальной дисперсией. Однако суммарные потери в таком волокне значительно больше, чем в волокне со смещенной дисперсией.

Тез ҳаракатланувчи модалар узун йўл бўйлаб (қобиққа яқин), секин ҳаракатланадиган модалар эса, қисқа йўл бўйлаб (ўзакка яқин) тарқаладиган тола. Натижада барча турдаги тўлқинлар толанинг олис учига айнан бир пайтда етиб боради, бу эса, моддий дисперсия билан боғлиқ бўлган сигнал бузилишини бартараф этиш имконини беради. Бироқ, бундай толадаги жами йўқотишлар дисперсияси силжиган толадагига қараганда анча катта.

**«Белый» шум**

*uz* – «оқ» шовқин

*en* – flat noise

Шум с равномерным спектром и одинаковой мощностью частотных составляющих в широкой полосе частот.

Кенг частоталар полосасидаги бир хил спектрга эга ва частотавий ташкил этувчиларнинг қуввати тенг бўлган шовқин.

**Бесконтактный коммутационный элемент связи**

*uz* – контактсиз коммутацион алоқа элементи

*en* – static switching element

Коммутационный элемент связи, осуществляющий коммутацию в сетях связи путем изменения условий для прохождения сигналов телекоммуникаций без перемещения в пространстве контакт-деталей.

*Примечание – В зависимости от принципа действия различают полупроводниковые, магнитные, газоразрядные, оптические бесконтактные элементы.*

Алоқа тармоқларида, фазода контакт-деталларни (туташадиган қисмларни) кўчирмасдан, телекоммуникациялар сигналларининг ўтиш шароитларини ўзгартириш орқали коммутациялашни амалга оширадиган коммутацион алоқа элементи.

*Изоҳ – Ишлаш принципига боғлиқ равишда, яримўтказгичли, магнит, газ-разряд, оптик контактсиз элементлар ажратилади.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Беспроводная абонентская линия**

*uz* – симсиз абонент линияси

*en* – wireless local loop (WLL)

Технология радиодоступа, используемая в стационарных сетях связи и призванная заменить проводные линии связи на беспроводные. Обязательным требованием WLL является выход абонентских вызовов в сети общего пользования. В качестве стационарных терминалов могут быть использованы: телефонный аппарат, бытовая телевизионная приставка и персональный компьютер, объединенные с помощью мультиплексора. Сеть WLL обеспечивает интеграцию услуг стационарной и мобильной связи; в перспективе – реализацию концепции «единого универсального телефона с персональным номером». Кроме аббревиатуры WLL используются и другие названия этой технологии – FWA, RLL.

Стационар алоқа тармоқларида фойдаланиладиган ва симли алоқа линияларини симсиз алоқа линиялари билан алмаштириш учун мўлжалланган радио кириш технологияси. Абонент чақирувларининг умумий фойдаланиш тармоқларига чиқиши, симсиз абонент линиясининг мажбурий талаби ҳисобланади. Стационар терминаллар сифатида, мультиплексор ёрдамида бирлаштирилган, телефон аппаратидан, маиший телевизион приставка ҳамда шахсий компьютердан фойдаланилади. WLL тармоғи стационар ва мобил алоқа хизматларининг интеграллашувини, келажакда эса, «шахсий рақамга эга ягона универсал телефон» концепцияси амалга оширилишини таъминлайди. WLL аббревиатурасидан ташқари, бу технологиянинг бошқа номларидан – FWA, RLL ҳам фойдаланилади.

**Бин**

*uz* – бин

*en* – bin

1. Элемент (сигнал). 2. Отсчет (дискретизированного сигнала) 3. позиция (одно из возможных значений сигнала).

1. Элемент (сигнал). 2. Саноқ (дискретланган сигнал саноқ боши). 3. Позиция (сигналнинг мумкин бўлган қийматларидан бири).

**Бит**

*uz* – бит

*en* – bit

Наименьшая единица информации в двоичной системе счисления, которая может принимать значения 0 и 1; Кратные единицы, происходя-



www.ziyouz.com kutubxonasi

щие от bit: kb (kbit) – килобит ($10^3$ bit), Mb (Mbit) – мегабит ($10^6$ bit).

Иккилик саноқ тизимидаги, 0 ва 1 қийматини олиши мумкин бўлган энг кичик ахборот бирлиги. Каррали бирликлари: kb (kbit) – килобит ($10^3$ bit), Mb (Mbit) – мегабит ($10^6$ bit) ва бошқалар.

**Бит в секунду, bit/s**
*uz* – секундига бит, bit/s
*en* – bit/s (bits per second)

Единица измерения скорости в канале связи, равная одной двоичной единице, передаваемой за одну секунду.

Алоқа каналидаги тезликни ўлчаш бирлиги. Бир секунд ичида узатиладиган битта иккилик бирлигига тенг.

**Бифуркация**
*uz* – бифуркация
*en* – bifurcation

1. Соосное разветвление волновода или коаксиальной линии передачи. 2. Разделение трафика на два потока.

1. Тўлқин ўтказгич ёки коаксиаль узатиш линиясининг ўқдош тармоқланиши. 2. Трафикни икки оқимга ажратиш.

**Блок**
*uz* – блок
*en* – block

1. Группа битов, байтов или знаков, передаваемых как единое целое. 2. Набор кодовых слов или строк записи, объединенных с целью выполнения над ними общих преобразований. 3. Совокупность конструктивно и функционально взаимосвязанных элементов и узлов, выполняющих определенную функцию. 4. Единица передаваемой информации, состоящая из заголовка и информационного поля (в пакетных сетях).

1. Яхлит бир бутун сифатида узатиладиган битлар, байтлар ёки белгилар гуруҳи. 2. Кодли сўзлар ёки ёзув сатрлари тўплами. 3. Маълум бир функцияни бажарадиган, конструктив ва функционал жиҳатдан ўзаро боғланган элементлар ва узеллар жами. 4. Сарлавҳа ва ахборот майдонидан иборат, узатиладиган ахборот бирлиги (пакетли тармоқларда).

**Блок защиты**
*uz* – ҳимоя блоки
*en* – protector

Блок, предназначенный для защиты средств связи от чрезвычайно высоких напряжений и токов. Особенно опасны мощные импульсные помехи в кабельных сетях.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Алоқа воситаларини ўта юқори кучланиш ва токлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган блок. Кабелли тармоқлардаги кучли импульсли халақитлар айниқса, хавфли.

**Блочный код**
*uz* – блокли код
*en* – block code

Код с исправлением или обнаружением ошибок, который однозначно преобразует поток из *k* информационных символов в *n* закодированных путем добавления к первым (*n–k*) проверочных символов. Блочный код вида (*n*, *k*, *t*) может корректировать *t* ошибок.

Хатолар аниқланадиган ёки тузатиладиган код. *k* ахборот символларидан иборат оқимни текширувчи символлар (*n–k*) қўшган ҳолда *n* кодланган оқимга айлантиради. (*n*, *k*, *t*) кўринишидаги блокли код *t* хатони тузатиши мумкин.

**Бод**
*uz* – бод
*en* – baud rate

Мера скорости передачи данных, находящаяся в прямой зависимости с объемом данных, передаваемым за единицу времени. Обычно под одним бодом подразумевается передача 1 байта в секунду.

Вақт бирлиги ичида узатиладиган маълумотлар ҳажми билан тўғри боғлиқликда бўлган, маълумотлар узатиш тезлигининг ўлчови. Бир бод деганда, одатда, секундига бир байт узатилиши тушунилади.

**Буфер**
*uz* – буфер
*en* – buffer

Защитная оболочка, расположенная вокруг оптического волокна.

Оптик тола атрофида жойлашган ҳимоя қобиғи.

**Буферная трубка**
*uz* – буфер трубка
*en* – buffer tube

Жесткая пластиковая трубка, с внутренним диаметром, равным нескольким диаметрам волокна, содержащая в себе одно или более волокон. Служит для защиты и изоляции волокон от внешних воздействий.

Бир ёки ундан кўп толали, ички диаметри бир нечта тола диаметрига тенг бўлган қаттиқ пластик трубка. Толаларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳамда изоляциялаш учун хизмат қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ввод**

*uz* – киргич (кириш йўли)

*en* – insert

Отверстие в распределительном канале или ячейке, откуда исходят проводники или кабели. Ввод может быть установлен как в фабричных условиях, во время монтажа, так и после монтажа, если потребуется.

Симлар ёки кабеллар чиқадиган тақсимлаш каналидаги ёки ячейкадаги тешик. Киргич завод шароитларида, монтаж пайтида ҳам, ундан кейин ҳам (агар зарур бўлса) ўрнатилиши мумкин.

**Ввод сервиса**

*uz* – сервис киргичи (кириш йўли)

*en* – service entrance

См. «Городской ввод».

«Шаҳар киргичи» (кириш йўли) га қаранг.

**Ввод телекоммуникационного сервиса**

*uz* – телекоммуникацион сервис киргичи (кириш йўли)

*en* – telecommunications service entrance

Точка, в которой телекоммуникационные линии входят в здание или выходят из него.

Телекоммуникация линиялари биногa кирадиган ёки ундан чиқадиган нуқта.

**Вводной кабельный канал**

*uz* – кирувчи кабелли канал

*en* – lead-in duct

Линия для подключения абонентских устройств к узлу связи.

Абонент қурилмаларни алоқа узелига улаш линияси.

**Вводно-кабельное оптическое устройство**

*uz* – кабелли оптик киритиш қурилмаси

*en* – cable optical device is entered

Устройство, содержащее соединительные оптические волокна (кабель), обеспечивающее их герметичный ввод в контейнер (цистерну) промежуточной станции системы передачи, укладку их избыточных длин, а также их соединение с оптическими волокнами линейного кабеля, фиксацию и защиту соответствующих оптических соединителей.

Ичида уловчи оптик толалар (кабель) бўлган, уларнинг узатиш тизими оралиқ станциясининг контейнерига (цистернасига) зич кирити-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лишини, ортиқча узунликлари ётқизилишини, шунингдек, линия кабелининг оптик толалари билан уланишини ҳамда тегишли оптик улагичларнинг ҳимоясини таъминловчи қурилма.

**Вероятность ошибки на бит; частота появления ошибочных битов**

*uz* – битдаги хато эҳтимоллиги; хато битларнинг пайдо бўлиш частотаси

*en* – bit error rate

Показатель достоверности приема двоичных символов, используемый для оценки качества каналов связи на физическом уровне. Численно определяется как отношение количества ошибочно принятых битов к общему числу переданных.

Алоқа каналларининг сифатини физик сатҳда баҳолаш учун фойдаланиладиган, иккилик символларни қабул қилишнинг ишончлилик кўрсаткичи. Миқдор жиҳатдан хато қабул қилинган битлар сонининг узатилган битларнинг умумий сонига нисбати сифатида аниқланади.

**Вертикально поляризованная волна**

*uz* – вертикал қутбланган тўлқин

*en* – vertically polarized wave

Линейно-поляризованная электромагнитная волна, у которой вектор электрического поля направлен всегда вертикально, а вектор магнитного поля – горизонтально (направление распространения волны определяется направлением магнитного поля).

Электр майдон вектори ҳар доим вертикал, магнит майдон вектори эса, горизонтал йўналган, чизиқли қутбланган электромагнит тўлқин (тўлқиннинг тарқалиш йўналиши магнит майдон йўналиши орқали аниқланади).

**Взаимокорреляционная функция**

*uz* – ўзаро корреляцион функция

*en* – cross-correlation function

Характеристика, описывающая корреляционные свойства ансамбля сигналов. Численно определяется как произведение одного из сигналов на сдвинутую во времени копию другого.

Сигналлар ансамблининг (тўпламининг) корреляцион хоссаларини тавсифловчи характеристика. Миқдор жиҳатдан, сигналлардан бирининг, вақтда силжиган бошқа бир сигналнинг нусхасига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

**Взвешенная мощность шума, выраженная в децибелах**

Единица измерения уровня мощности шума, определяемая как отношение уровня шума к контрольному уровню 3,16 nW



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – шовқиннинг децибелларда ифодаланган, ўлчанган қуввати

*en* – decibels adjusted (dBa)

(– 85 dBm). В этой точке значение взвешенной мощности шума равно 0 dBa.

Шовқин қуввати даражасини ўлчаш бирлиги. Шовқин даражасининг 3,16 nW (– 85 dBm) назорат даражасига нисбати сифатида аниқланади. Бу нуқтада шовқин ўлчанган қувватининг қиймати 0 dBa га тенг.

**Воздушный кабель**

*uz* – ҳаво кабели

*en* – aerial cable

Телекоммуникационный кабель, подвешенный в воздухе и поддерживаемый столбами, стенами здания и другими структурами.

Ҳавода муаллақ турадиган, устунлар, бино деворлари ва бошқа таянчлар тутиб турадиган телекоммуникация кабели.

**Видимая область спектра**

*uz* – спектрнинг кўринадиган соҳаси

*en* – visible spectrum

Область спектра оптического излучения, наблюдаемая при длинах волн 0,4-0,75 mkm.

Тўлқин узунликлари 0,4-0,75 mkm бўлган оптик нурланиш спектри соҳаси.

**Вилка**

*uz* – вилка

*en* – plug

Часть разъема со штырями или проводящими выступающими контактами.

Ажраткичнинг штирли ёки ўтказувчан чиқувчи контактлари бўлган қисми.

**Вилочная часть оптического соединителя**

*uz* – оптик улагичнинг вилкали қисми

*en* – part of optical connector

Часть разъемного оптического соединителя, конструктивно оканчивающаяся оптическим наконечником.

Ажраладиган оптик улагичнинг конструктив жиҳатдан учлик билан тугайдиган қисми.

**Виртуальный контейнер уровня *n***

*uz* – *n* сатҳ виртуал контейнери

*en* – virtual container-*n* (VC-*n*)

Информационная структура, используемая для организации соединений в слое трактов синхронной цифровой иерархии (СЦИ). Состоит из информационной нагрузки и трактового заголовка (POH), объединенных в блочную пиковую структуру с периодом повторения 125 или 500 mks. Информация, определяющая начало цикла VC-n, обеспечивается обслуживающим сетевым слоем. Определены два типа виртуаль-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ных контейнеров. Виртуальный контейнер нижнего ранга (n=1, 2) содержит один контейнер C-n (n=1, 2) плюс заголовок РОН виртуального контейнера нижнего ранга, относящийся к этому уровню. Виртуальный контейнер верхнего ранга (n=3, 4) содержит либо один контейнер C-n (n=3, 4), либо набор групп компонентных блоков (TUG-2 или TUG-3) плюс заголовок РОН виртуального контейнера, относящийся к этому уровню.

Синхрон рақамли иерархия (СРИ) трактлари қатламида уланишларни ташкил қилиш учун ишлатиладиган ахборот структураси. Такрорланиш даври 125 ёки 500 mks бўлган блокли чўққи структурага бирлаштирилган ахборот нагрузка ва тракт сарлавҳасидан (РОН) иборат. VC-n даврнинг бошланишини аниқловчи ахборот хизмат кўрсатувчи тармоқ қатлами томонидан таъминланади. Виртуал контейнерларнинг икки тури аниқланган. Қуйи ранг (n=l, 2) виртуал контейнери, бир C-n (n=1, 2) контейнерига қўшимча равишда шу сатҳга тааллуқли қуйи ранг виртуал контейнерининг РОН сарлавҳасини ичига олади. Юқори ранг (n=3, 4) виртуал контейнери битта C-n контейнерни (n=3, 4) ёхуд (TUG-2 ёки TUG-3) компонент блоклар гуруҳлари тўпламини қўшимча равишда шу сатҳга тааллуқли виртуал контейнернинг РОН сарлавҳасини ичига олади.

**Витая пара**

*uz* – ўралган жуфт

*en* – twisted pair

Два изолированных проводника, обвитых друг относительно друга и образующих симметричную линию передачи. При скручивании проводники идут под некоторым углом друг к другу, что снижает емкостную и индуктивную связь между ними. Кроме того, отрезок витой пары является симметричным, что уменьшает его чувствительность к наводкам, в первую очередь к дифференциальным помехам. Чем меньше шаг скрутки, тем ниже уровень перекрестных помех, но и больше погонное затухание кабеля и время распространения сигнала.

Бир-бирига ўралган ва симметрик узатиш линиясини ҳосил қилувчи изоляцияланган иккита сим. Ўрашда симлар бир-бирига нисбатан қандайдир бурчак остида бўлади, бу улар ўртасидаги сиғим ва индуктив боғланишни пасайтиради. Бундан



www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари, ўралган жуфт бўлагининг симметрик бўлиши унинг тўғрилашларга, биринчи галда, дифференциал халақитларга сезгирлигини пасайтиради. Ўраш қадами қанча кичик бўлса, ҳар томонлама халақитларнинг даражаси шунча паст, бироқ, кабелнинг узунлик бўйича сўниши ва сигналнинг тарқалиш вақти шунча катта бўлади.

**Внешние потери**
*uz* – ташқи йўқотишлар
*en* – extrinsic loss

В волоконном межсоединении – часть потерь, не зависящая от качества волокна, а вызванная некачественным соединением, выполненным с помощью коннектора или муфты.

Толали уланишлардаги, тола сифатига боғлиқ бўлмаган, балки коннектор ёки муфта ёрдамида бажарилган сифатсиз уланиш келтириб чиқарадиган йўқотишларнинг бир қисми.

**Внешняя защита**
*uz* – ташқи ҳимоя
*en* – outer protection

Наружный слой материала, изготовленный из армированного провода или металлической ленты, покрывающий оболочку кабеля. **Внешняя защита** применяется в случаях, когда требуется дополнительная механическая защита от таких внешних воздействий, как роденты (грызуны), подвижные камни и т. д.

Арматураланган симдан ёки металл тасмадан тайёрланган, кабель қобиғини қопловчи материалнинг ташқи қатлами. Ташқи ҳимоя родентлар (кемирувчилар), кўчадиган тошлар каби ташқи таъсирлардан қўшимча механик ҳимоялаш талаб қилинган ҳолларда қўлланилади.

**Внешняя магистраль**
*uz* – ташқи магистраль
*en* – interbuilding backbone

Магистральный телекоммуникационный кабель (кабели), являющийся частью подсистемы кампуса и соединяющий одно здание с другим.

Кампус қуйи тизимининг бир қисми ҳисобланадиган, бир бинони бошқаси билан боғловчи магистраль телекоммуникация кабели (кабеллари).

**Вносимые потери**
*uz* – киритиладиган йўқотишлар
*en* – insertion loss

Разница между мощностями, измеренными на нагрузке до и после вставки дополнительного узла в линию. Если полученный результат отрицательный, отмечается увеличение потерь.

Нагрузкада, линияга қўшимча узел киритилгунга қадар ва ундан кейин ўлчанган қувватлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасидаги фарқ. Агар олинган натижа салбий бўлса, йўқотишлар ортади.

**Внутренний канал**

*uz* – ички канал

*en* – innerduct

Дополнительный кондуит, помещенный в кондуит большего диаметра.

Катта диаметрли кондуитга жойлаштирилган қўшимча кондуит.

**Внутренняя магистраль**

*uz* – ички магистраль

*en* – intrabuilding backbone

Магистральный телекоммуникационный кабель (кабели), являющийся частью подсистемы здания, соединяющей один телекоммуникационный шкаф с другим.

Бино қуйи тизимининг бир қисми бўлган, бир телекоммуникация шкафини бошқаси билан боғловчи магистраль телекоммуникация кабели (кабеллари).

**Внутристанционная линия**

*uz* – станция ичидаги линия

*en* – cross-site link

Соединительная линия, связывающая между собой различные части земной станции. Обычно такая линия соединяет передатчик с антенной или передатчик с вынесенным пультом управления.

Ердаги станциянинг турли қисмларини ўзаро боғлайдиган уловчи линия. Бундай линия одатда, антеннали узатгични ёки бошқариш пульти чиқарилган узатгични боғлайди.

**Возбудитель**

*uz* – қўзғатгич

*en* – launcher

Свободная линия, которую можно использовать сразу же, как только права абонента на доступ в сеть будут подтверждены.

Абонентнинг тармоққа кира олиш ҳуқуқи тасдиқлангандан кейин, дарҳол фойдаланиш мумкин бўлган бўш линия.

**Доступность**

*uz* – фойдалана олишлик, тайёрлик

*en* – availability

1. «Возможность использования каналов или линий связи». Вероятность получения потребителем навигационной информации в заданном интервале времени с требуемой точностью. 2. Мера способности устройства или системы выполнять свои функции при нахождении в рабочем состоянии. Количественно готовность можно определить с помощью коэффициента готовности.

1. «Алоқа каналлари ва линияларидан фойдаланиш имконияти». Истеъмолчининг берилган вақт оралиғида талаб қилинадиган аниқлик билан навигацион ахборотни олиш эҳтимоллиги. 2. Қурилма ёки тизимнинг ўз функцияларини ишчи ҳолатда бўлган пайтда бажариш қобилияти



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлчови. Тайёрлик миқдор жиҳатдан тайёрлик коэффициенти орқали аниқланиши мумкин.

**Дрожание**
*uz* – титраш
*en* – jitter

Кратковременные изменения значений цифровых сигналов. Искажения проявляются в виде случайных флуктуаций фронтов импульсов относительно их идеального положения во времени. Фазовые дрожания – быстрые флуктуации фазы или «уходы» частоты, приводящие к ухудшению качества связи или сбою синхронизации.

Рақамли сигналлар қийматининг қисқа муддатли ўзгаришлари. Импульс фронтларининг уларнинг вақтдаги идеал ҳолатига нисбатан тасодифий флуктуациялари кўринишида намоён бўлади. Фаза титрашлари. Фазанинг тез оғиши ёки частотанинг силжиши. Алоқа сифати ёмонлашишига ёки синхронизация бузилишига олиб келади.

**Дуплексирование**
*uz* – дуплекслаш
*en* – duplexing

Организация двусторонней связи между абонентами, при которой обычно используются два физически независимых симплексных канала, по каждому из которых информация передается только в одном направлении. На практике применяются две схемы дуплексирования: с частотным (FDD) и временным (TDD) разделением каналов приема и передачи.

Абонентлар ўртасида икки томонлама алоқани ташкил қилиш. Бунда ҳар бири орқали ахборот фақат битта йўналишда узатиладиган, физик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган иккита симплекс каналдан фойдаланилади. Амалда икки хил – қабул қилиш ва узатиш каналларини частота (FDD) ва вақт (TDD) бўйича ажратган ҳолда, дуплекслаш қўлланилади.

**Дуплексная передача**
*uz* – дуплекс узатиш
*en* – duplex transmission

Передача информации в обоих направлениях поочередно (полудуплекс) или в обоих направлениях одновременно (полный дуплекс).

Ахборотни иккала йўналишда навбатма-навбат (ярим дуплекс) ҳамда бир вақтнинг ўзида (тўлиқ дуплекс) узатиш.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Дуплексная передача с временным разделением**

*uz* – вақт бўйича ажратиш билан дуплекс узатиш

*en* – time division duplex (TDD)

Двусторонняя передача цифровой информации на одной несущей с уплотнением каналов приема и передачи в разных временных интервалах одного кадра. Дуплексная передача с временным разделением предназначена прежде всего для пико- и микросот, где абоненты передвигаются с относительно невысокой скоростью в ограниченном пространстве.

Битта кадрнинг турли вақт интервалларида, узатиш ва қабул қилиш каналларини зичлаш билан битта элтувчида рақамли ахборотни икки томонлама узатиш. Вақт бўйича ажратилган дуплекс узатиш, биринчи навбатда, абонентлар чекланган маконда нисбатан паст тезликда ҳаракатланадиган пико- ва микросоталар учун мўлжалланган.

**Дуплексная передача с частотным разделением**

*uz* – частота бўйича ажратиш билан дуплекс узатиш

*en* – frequency division duplex (FDD)

Режим работы линии связи, при котором частоты передачи и приема находятся в разных полосах частот, разделенных защитным промежутком. Например, в режиме TDMA/FDD базовая станция может установить связь одновременно с N абонентами, каждому из которых выделен свой временной интервал.

Алоқа линиясининг ишлаш режими, бунда қабул қилиш ва узатиш частоталари ҳимоя оралиғи билан ажратилган турли частоталар полосасида бўлади. Масалан, TDMA/FDD режимида таянч станция ҳар бирига ўзининг вақт интервали ажратилган N та абонент билан бир вақтда алоқа ўрнатиши мумкин.

## E

**E1**

*uz* – E-1

*en* – E-1

Цифровой интерфейс со скоростью передачи 2,048 Mbit/s, соответствующий первому уровню иерархии систем с временным мультиплексированием каналов. Обеспечивает передачу 30 информационных и двух служебных каналов со скоростью 64 kbit/s (такая система еще известна как ИКМ-30).

Узатиш тезлиги 2,048 Mbit/s бўлган, каналлар вақт бўйича мультиплексорланган тизимлар иерархиясининг биринчи даражасига мос келувчи рақамли интерфейс. 64 kbit/s тезлик билан 30 та ахборот канали ва иккита хизматга оид канал



www.ziyouz.com kutubxonasi

узатилишини таъминлайди (бундай тизим яна ИКМ-30 сифатида ҳам маълум).

## Ж

**Жгут**
*uz* – жгут
*en* – harness

Пучок собранных и механически скрепленных в единое целое соединительных проводов, кабелей или оптических волокон.

Яхлит бир бутун қилиб йиғилган ҳамда механик маҳкамланган боғловчи симлар, кабеллар ёки оптик толалар дастаси.

**Желоб**
*uz* – нов
*en* – trough

Канал, имеющий обычно съемную крышку и помещенный в тренч под землей для прокладки подземного кабеля.

Олинадиган қопқоғи бўлган, ер ости кабелини ўтказиш учун ер остидаги тренчга жойлаштирилган канал.

## З

**Загрязнение спектра**
*uz* – спектрнинг ифлосланиши
*en* – spectral pollution

Передача неотфильтрованного сигнала, в спектре которого присутствуют побочные и интермодуляционные составляющие недопустимо высокого уровня.

Спектрида йўл қўйиб бўлмайдиган даражада қўшимча ва интермодуляцион ташкил этувчилар бўлган, фильтрланмаган сигнални узатиш.

**Задержанная доставка**
*uz* – ушлаб туриш билан етказиб бериш
*en* – delayed delivery

Доставка сообщений, при которой сообщение временно хранится в каком-либо устройстве сети, а затем пересылается адресату.

Хабарларни етказиб бериш, бунда хабар тармоқнинг қандайдир қурилмасида вақтинча сақланади, сўнгра адресатга юборилади.

**Задержка**
*uz* – кечикиш
*en* – delay

1. Время запаздывания сигнала при его распространении. 2. Время-ожидания при установлении соединения, которое определяется протоколом связи, характеристиками каналов доступа, наличием очереди на обслуживание и другими факторами.

1. Сигналнинг тарқалиш пайтидаги кечикиш вақти. 2. Уланиш ўрнатилишидаги кутиш вақти. Ушбу кутиш вақти алоқа про-

www.ziyouz.com kutubxonasi

токоли, фойдаланиладиган каналларнинг характеристикалари, хизмат кўрсатишга навбат мавжудлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади.

**Закон А**

*uz* – А-қонуни

*en* – A-law

Закон сжатия динамического диапазона речевого сигнала, применяемый в PCM и ADPCM речевых кодерах. Основан на использовании разных алгоритмов сжатия: логарифмического – для сигналов с большими амплитудами и линейного – с малыми, что обеспечивает постоянство отношения сигнал/шум при восстановлении сигналов малого уровня.

Товуш кодерларидаги PCM ва ADPCM да қўлланиладиган, товуш сигнали динамик диапазонини сиқиш қонуни. Катта амплитудали сигналлар учун логарифмик сиқиш алгоритмидан, кичик амплитудали сигналлар учун чизиқли сиқиш алгоритмидан фойдаланишга асосланган. Бу эса кичик даража сигналларини тиклашда сигнал/шовқин нисбати доимий бўлишлигини таъминлайди.

**Закон кодирования**

*uz* – кодлаш қонуни

*en* – encoding law

Закон сжатия речи, определяющий относительные величины шагов квантования, используемых при квантовании и кодировании.

Квантлаш ва кодлашда фойдаланиладиган квантлаш қадамларининг нисбий катталикларини аниқловчи, товушни сиқиш қонуни.

**Запирающий импульс; гасящий импульс**

*uz* – беркитувчи импульс; ўчирувчи импульс

*en* – blackout pulse

Импульс, блокирующий вход или отдельные каскады приемника на время действия импульсной помехи. При этом потерянная часть сигнала заменяется сигналом с постоянной амплитудой, равной ее значению до момента блокировки.

Видеоимпульс, имеющий амплитуду на уровне черного и служащий пьедесталом для импульсов синхронизации.

Импульсли халақит таъсир этиши вақтига қабул қилгичнинг кириши ёки айрим каскадларини муҳосараловчи импульс. Бунда сигналнинг йўқотилган қисми муҳосаралашгача унинг қийматига тенг бўлган доимий амплитудали сигнал билан алмаштирилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қора даражасидаги амплитудага эга, синхронлаш импульслари учун асос бўлиб хизмат қиладиган видеоимпульс.

**Запредельный волновод**

*uz* – чегарадан ташқари тўлқин ўтказгич

*en* – evanescent-mode waveguide

Волновод, используемый на частоте, которая меньше его критической частоты.

Ўзининг критик частотасидан паст частотада фойдаланиладиган тўлқин ўтказгич.

**Затухающее поле**

*uz* – сўнувчи майдон

*en* – evanescent field

Нестационарное электромагнитное поле без фазовых сдвигов вблизи открытого конца волновода, амплитуда которого монотонно убывает в поперечном направлении.

Амплитудаси кўндаланг тарзда бир текис пасайиб борадиган тўлқин ўтказгичнинг очиқ учи яқинидаги, фазавий силжимаган ностационар электромагнит майдон.

**Захват «вслепую», автоматическое вхождение в синхронизм**

*uz* – «кўрмасдан» қамраб олиш, синхронликка автоматик кириш

*en* – blind acquisition

Способ вхождения в синхронизм, при котором синхроинформация выделяется непосредственно из принимаемого полезного сигнала.

Синхронликка кириш усули бўлиб, синхроахборот қабул қилинадиган фойдали сигналдан бевосита ажратиб олинади.

**Защита от излучения**

*uz* – нурланишдан ҳимоялаш

*en* – radiation protection

Экранирование и другие технические меры, позволяющие ослабить уровень излучения.

Экранлаш ёки нурланиш даражасини пасайтириш имконини берадиган бошқа техник чора-тадбирлар.

**Защита от наложения спектров**

*uz* – спектрларнинг устама қўйилишидан ҳимоялаш

*en* – antialiasing

1. Процедура фильтрации, позволяющая скорректировать ошибки, возникающие при дискретизации. 2. Процедура интерполяции по контуру или линиям соединения элементов изображения.

1. Дискретлашда юзага келадиган хатоларни тузатиш имконини берадиган фильтрлаш (фильтрация) процедураси. 2. Тасвир элементларининг қўшилиш контури ёки линиялари бўйича интерполяциялаш процедураси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Защита от паразитного тока**
*uz* – паразит токдан ҳимоялаш
*en* – sneak current protection

Использование устройств для защиты от паразитных токов путем разрыва цепи или путем заземления проводника.

Қурилмалардан, паразит токлардан ҳимоялаш учун, занжирни узиш ёки ўтказгични ерга улаш орқали фойдаланиш.

**Защита от перенапряжения**
*uz* – ўта кучланишдан ҳимоялаш
*en* – overvoltage protection

Использование газоразрядных ламп, полупроводниковых варисторов и других приборов, обеспечивающих защиту аппаратуры от перенапряжения.

Аппаратуранинг ўта кучланишдан ҳимоя қилинишини таъминловчи газ-разряд лампалардан, яримўтказгичли варисторлар ва бошқа асбоблардан фойдаланиш.

**Защита от электромагнитных помех**
*uz* – электромагнит халақитлардан ҳимоялаш
*en* – EMI segregation

Изоляция телекоммуникационного сигнала для защиты от электромагнитных помех.

Телекоммуникация сигналини электромагнит халақитлардан ҳимоя қилиш мақсадида изоляциялаш.

**Защитное отношение**
*uz* – ҳимоя нисбати
*en* – protection ratio

Минимальное значение отношения мощностей полезного сигнала и помехи, при котором обеспечивается прием сигналов с заданным качеством (выражается в децибелах).

Фойдали сигнал ва халақит қувватлари нисбатининг минимал қиймати, бунда сигналларнинг берилган сифат билан қабул қилиниши таъминланади (децибелларда ифодаланади).

**Защитное устройство**
*uz* – ҳимоялаш қурилмаси
*en* – protector unit

Устройство для защиты от перенапряжения или избыточных токов, или и того и другого.

Ўта кучланиш ёки ортиқча токлардан ёки ҳар иккисидан ҳимояловчи қурилма.

**Защитное устройство от вторичного напряжения (вспомогательное)**
*uz* – иккиламчи кучланишдан (ёрдамчи) ҳимоялаш қурилмаси
*en* – secondary voltage

Защитное устройство от вторичного напряжения, устанавливаемое между первичным защитным устройством и активным оборудованием. Защитное устройство от вторичного напряжения должно обеспечить защиту от перенапряжения и токов, величина которых больше токонесущей способности перечис-



www.ziyouz.com kutubxonasi

(supplemental/auxiliary) protector

ленных ниже элементов: внутренняя телекоммуникационная система и кабели; линейные телефонные шнуры; терминальное оборудование связи, имеющее порты для подключения цепей внешней системы связи.

Бирламчи ҳимоялаш қурилмаси ва актив ускуна ўртасида ўрнатиладиган ҳимоялаш қурилмаси. Иккиламчи кучланишдан ҳимоялаш қурилмаси қиймати элементларнинг (ички телекоммуникация тизими ва кабеллар; линия телефон шнурлари; ташқи алоқа тизимлари занжирларини улаш учун портларга эга алоқа терминал ускунаси) ток ташиш имкониятидан катта бўлган ўта кучланиш ҳамда токлардан ҳимоя қилинишни таъминлаши керак.

**Звездообразная топология**

*uz* – юлдузсимон топология

*en* – star topology

Топологическая схема, которая практически напоминает «звезду». В ней каждый из удаленных узлов сети связан с одним центральным коммутатором, узловой станцией или концентратором каналов. Сеть с топологией типа «звезда» позволяет ответвлять трафик для местных пользователей, и перераспределять его между удаленными пользователями.

«Юлдуз» ни эслатувчи топологик схема. Ундаги ҳар бир олисдаги тармоқ узели битта марказий коммутатор, узел станцияси ёки каналлар концентратори билан боғланади. «Юлдузсимон» топологияли тармоқ маҳаллий фойдаланувчилар учун трафикни тармоқлаш (ажратиш) ва олисдаги фойдаланувчилар ўртасида қайта тақсимлаш имконини беради.

**Звездообразный оптический разветвитель**

*uz* – юлдузсимон оптик тармоқлагич

*en* – star-type optical

Оптический разветвитель с одним входным и более чем двумя выходными оптическими полюсами.

Битта кириш ва иккитадан кўп чиқиш оптик қутблари бўлган оптик тармоқлагич.

**Звездообразный ответвитель**

*uz* – юлдузсимон тармоқлагич

1. Оптический компонент (ответвитель мощности), позволяющий имитировать шинную топологию в волоконно-оптических системах.
2. Пассивное устройство (число выходов



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – star coupler

обычно не менее четырех), которое равномерно распределяет энергию сигнала между своими выходами.

1. Оптик-толали тизимларда шина топологиясини имитация қилиш имконини берадиган оптик компонент (қувват тармоқлагич). 2. Сигнал энергиясини ўзининг чиқиш учлари ўртасида бир текис тақсимлайдиган (чиқиш учлари камида тўртта бўлган) пассив қурилма.

**Звездчатая четверка**

*uz* – юлдузсимон тўртлик

*en* – star quad

Кабельный элемент, состоящий из четырех изолированных проводников, скрученных вместе. Два противоположных проводника формируют передающую пару. Кабели, содержащие звездчатые четверки, могут быть взаимозаменяемы с кабелями, состоящими из пар, при условии, что их электрические характеристики отвечают требованиям тех же спецификаций.

Бирга буралган, тўртта изоляцияланган ўтказгичдан иборат кабель элементи. Икки қарама-қарши ўтказгич узатувчи жуфтликни ҳосил қилади. Юлдузсимон тўртлиги бўлган кабеллар, уларнинг электр характеристикалари айнан шу спецификациялар талабларига жавоб берадиган ҳолларда, жуфтликлардан иборат кабеллар билан ўзаро алмашинувчан бўлиши мумкин.

**Звуковая частота**

*uz* – товуш частотаси

*en* – audio frequency

Частота, лежащая в диапазоне от 20 Hz до 20 kHz.

20 Hz дан 20 kHz гача диапазондаги частота.

**Зона местного доступа и передачи**

*uz* – маҳаллий фойдалана олиш ва узатиш зонаси

*en* – local access and transport area (LATA)

Местная сеть телефонной связи, включающая магистральный кабельный участок, выполненный на многопарном кабеле, одну или несколько районных АТС и кабельные линии для подключения абонентов.

Кўп жуфтли кабелдан иборат магистраль кабелли участкани, бир ёки бир нечта туман АТС ҳамда абонентларни улаш учун мўлжалланган кабелли линияларни ичига олувчи маҳаллий телефон алоқа тармоғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Идентификатор кадра**

*uz* – кадр идентификатори

*en* – frame identifier

Поле в заголовке пакета, в котором указывается тип передаваемого кадра: информационный или служебный.

Пакет сарлавҳасидаги майдон бўлиб, унда узатиладиган кадрнинг тури – ахборот кадри ёки хизматга оид кадр эканлиги, кўрсатилади.

**Идентификатор протокола**

*uz* – протокол идентификатори

*en* – protocol identifier

Поле в заголовке пакета, указывающее на конкретный тип протокола, который следует использовать при обработке информации, размещенной в поле данных.

Пакет сарлавҳасидаги, маълумотлар майдонида жойлаштирилган ахборотни қайта ишлашда фойдаланиладиган муайян протокол турини кўрсатувчи майдон.

**Идентификация**

*uz* – идентификация қилиш

*en* – identification

1. Процедура отождествления неизвестного объекта с одним из известных, необходимая для управления доступом к системе. Обычно идентификация предшествует операции проверки полномочий (аутентификации) пользователя. 2. Присвоение объекту или процессу символического имени, копия которого хранится в системе, с целью упрощения описания его характеристик при многократном обращении к нему. 3. Определение или распознавание некоторого объекта по его характерным признакам.

1. Номаълум объектни маълумлардан бири билан, тизимга киришни бошқариш учун зарур бўлган айнан бир (ўхшаш) деб билиш процедураси. Одатда, идентификация қилиш фойдаланувчининг ваколатларини текшириш (аутентификация қилиш) операциясидан олдин келади. 2. Объект ёки жараёнга рамзий ном бериш. Унинг нусхаси, кўп карра мурожаат қилишда характеристикаларининг тавсифини соддалаштириш мақсадида тизимда сақланади. 3. Қандайдир объектни унинг характерли белгиларига қараб аниқлаш ёки танлаш.

**Иерархия**

*uz* – иерархия

*en* – hierarchy

Упорядоченная совокупность зависимых объектов, обычно включающая несколько уровней, определяющих их взаимосвязь.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғлиқ (боғланган) объектларнинг тартиблаштирилган жами. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини белгиловчи бир нечта сатҳни ичига олади.

**Иерархия синхронная цифровая**

*uz* – синхрон рақамли иерархия

*en* – synchronous digital hierarchy (SDH)

Иерархический набор цифровых транспортных структур, стандартизованных для транспортирования соответственно адаптированной нагрузки по физическим сетям передачи.

Тегишлича мослашган нагрузкани физик узатиш тармоқлари бўйлаб ташиш учун стандартлаштирилган рақамли транспорт структураларнинг иерархик тўплами.

**Иерархия цифрового группообразования**

*uz* – рақамли гуруҳ ҳосил қилиш иерархияси

*en* – hierarchy of digital trunking

Ряд цифровых мультиплексоров, располагаемых по ступеням в соответствии с их пропускной способностью таким образом, что группообразование некоторого порядка предусматривает объединение определенного числа цифровых сигналов, каждый из которых имеет скорость передачи символов низшей ступени, в цифровой сигнал, имеющий установленную скорость передачи и пригодный для дальнейшего объединения с другими цифровыми сигналами, имеющими ту же скорость, с помощью цифрового мультиплексора следующей, более высокой ступени.

Рақамли мультиплексорларнинг босқичлар бўйича ўтказиш қобилиятига мувофиқ, бирор тартибдаги гуруҳ ҳосил қилишлар, ҳар бири қуйи даражадаги символларни белгиланган узатиш тезлигига эга ва шу тезликдаги бошқа рақамли сигналлар билан кейинги, янада юқори даражадаги рақамли мультиплексор ёрдамида бундан кейинги бирлашиш учун яроқли бўлган рақамли сигналга бирлашишни кўзда тутадиган тарзда жойлашадиган қатори.

**Избыточность**

*uz* – ортиқчалик

*en* – redundancy

Введение в систему дополнительных аппаратных или программных средств, сверх минимально необходимых, с целью обеспечения требуемой надежности функционирования. Соответственно различают аппаратную и программную избыточность. В теории информации – характеристики данных, которые мож-



www.ziyouz.com kutubxonasi

но удалить из преобразованного в цифровую форму сигнала (так называемая информационная избыточность).

Тизимга ишлашнинг талаб қилинадиган ишончлилигини таъминлаш мақсадида, минимал зарур бўлганидан кўпроқ қўшимча аппарат ва дастурий воситаларни киритиш. Тегишли равишда, аппарат ҳамда дастурий ортиқчалик ажратилади. Ахборот назариясида рақамли шаклга айлантирилган сигналдан, ўчириб ташлаш мумкин бўлган маълумотлар тавсифлари (ахборот ортиқчалиги).

**Избыточные биты**
*uz* – ортиқча битлар
*en* – extra bits

Дополнительная последовательность битов, вставляемая в сигнал с целью защиты от ошибок при приеме информации.

Ахборотни қабул қилишда хатолардан ҳимоя қилиш мақсадида сигналга киритиладиган қўшимча битлар кетма-кетлиги.

**Избыточный код**
*uz* – ортиқча код
*en* – redundant code

Код, содержащий большее число возможных комбинаций, чем необходимо для однозначного выделения информации; дополнительные комбинации используются для защиты от помех.

Ахборотни қатъий ажратиш учун зарур бўлганидан кўпроқ, мумкин бўлган комбинацияларни ичига оладиган код; қўшимча комбинациялар халақитлардан ҳимоя қилишда фойдаланилади.

**Излучаемая мода**
*uz* – нурланадиган мода
*en* – radiation mode

Волны, образуемые при падении лучей под углами, существенно превышающими апертурный угол.

Нурнинг апертура бурчагидан анча катта бўлган бурчак остида тушишидан ҳосил бўладиган тўлқин.

**Излучаемая мощность**
*uz* – нурланувчи қувват
*en* – transmitted power

Энергия, излучаемая в ограниченной полосе частот в единицу времени (измеряется в ваттах). Значение излучаемой мощности зависит от времени, характеристик среды передачи и способа измерения. Различают мгновенную пиковую мощность огибающей, мощность,


www.ziyouz.com kutubxonasi

усредненную во времени или в заданном поперечном сечении линии передачи (например, в волноводе). Полная мощность, поступающая от антенны, может передаваться в заданном направлении (в ограниченном телесном угле) или излучаться изотропно, т.е. равномерно во всех направлениях.

Вақт бирлигида, частоталарнинг чекланган полосасида нурланадиган энергия (ваттларда ўлчанади). Нурланувчи қувват қиймати узатиш вақтига, узатиш муҳитининг характеристикаларига ҳамда ўлчаш усулига боғлиқ. Оғиб ўтувчининг оний чўққи қуввати, вақтда ёки узатиш линиясининг берилган кўндаланг кесимида (масалан, тўлқин ўтказгичда) ўртачалаштирилган қувват ажратилади. Антеннадан келадиган тўла қувват белгиланган йўналишда (чекланган фазовий бурчакда) узатилиши ёки изотроп, яъни барча йўналишларда бир текис нурланиши мумкин.

**Излучение**
*uz* – нурланиш
*en* – emission

Процесс генерирования и распространения электромагнитных волн от источника по эфиру или по линиям передачи.

Электромагнит тўлқинларни генерациялаш ҳамда унинг манбадан эфир ёки узатиш линиялари орқали тарқалиш жараёни.

**ИК-излучатель**
*uz* – инфрақизил нурлаткич
*en* – infrared emitter

Полупроводниковый прибор, преобразующий электрическую энергию в электромагнитное излучение, которое имеет диапазон длин волн от 1-2 mm до 0,74 mkm. Потенциально к источникам ИК-излучения относится большая часть галактических тел.

Электр энергияни тўлқин узунлиги 1-2 mm дан 0,74 mkm гача бўлган электромагнит нурланишга айлантирувчи яримўтказгичли асбоб. Инфрақизил нурланиш манбаларига галактика жисмларининг аксарияти тегишлидир.

**Импульс**
*uz* – импульс
*en* – pulse

Дискретный сигнал, у которого амплитуда отличается от нуля в течение сравнительно короткого промежутка времени. Участки нарастания или спада импульсного сигнала, которые



www.ziyouz.com kutubxonasi

называются фронтами, определяют форму импульса. Последняя бывает прямоугольной, треугольной или экспоненциальной.

Амплитудаси нолдан нисбатан қисқа вақт оралиғи мобайнида фарқ қиладиган дискрет сигнал. Импульс сигналнинг фронтлар деб аталадиган ўсиш ва пасайиш участкалари импульс шаклини белгилайди. Импульс шакли тўғри бурчакли, учбурчак ёки экспоненциал бўлади.

**Импульс сброса**

*uz* – тушириш импульси

*en* – reset pulse

Импульс, который заносит нуль во все разряды регистра или счетчика.

Регистр ёки ҳисоблагичнинг барча разрядларига ноль киритадиган импульс.

**Импульсно-кодовая модуляция**

*uz* – импульс-кодли модуляция

*en* – pulse-code modulation (PCM)

Метод модуляции, при котором аналоговый сигнал преобразуется в цифровой поток данных, состоящий из последовательно передаваемых n-разрядных кодовых слов фиксированной длины (обычно n=8). Передача речи осуществляется со скоростью 64 kbit/s и компандированием по A- или $\mu$-закону. Преобразованный с помощью ИКМ речевой сигнал обладает высоким качеством (экспертная оценка 4,3 по шкале MOS).

Модуляциялаш методи, унга кўра, аналог сигнал қатъий узунликдаги кетма-кет узатиладиган n разрядли (n=8) кодли сўзлардан иборат рақамли маълумотлар оқимига айлантирилади. Товушни узатиш 64 kbit/s тезлик ҳамда A-ёки $\mu$ қонун бўйича компандерлаш билан амалга оширилади. ИКМ ёрдамида ўзгартирилган товуш сигналининг сифати юқори бўлади (эксперт баҳоланиши MOS шкаласи бўйича 4,3).

**Интервал канальный**

*uz* – канал интервали

*en* – channel time-slot

Временной интервал, занимающий определенную позицию в цикле и предназначенный для одного канала, полученного временным способом.

Циклда муайян ўринни эгалловчи ва каналларни вақт бўйича ажратиш усули билан олинган битта канал учун мўлжалланган вақт интервали.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Интерфейс**
*uz* – интерфейс
*en* – interface

Граница между двумя взаимодействующими системами (устройствами), определенная общими функциональными, конструктивными характеристиками, требованиями к протоколам обмена и т. д.

Биргаликда ишлайдиган икки тизим (қурилма) ўртасидаги, умумий функционал ва конструктив характеристикалар, алмашинув протоколларига қўйиладиган талаблар ва ҳ.к.лар билан белгиланган чегара.

**Интерфейс блока/устройства подключения**
*uz* – уланиш блоки/қурилмасининг интерфейси
*en* – attachment unit interface (AUI)

Интерфейс, который определяет характеристики взаимодействия устройств, подключаемых к магистральному кабелю локальной сети.

Локал тармоқнинг магистраль кабелига уланадиган қурилмаларнинг ўзаро ишлай олиш характеристикаларини белгиловчи интерфейс.

**Интерфейс устройства доступа к среде передачи**
*uz* – узатиш муҳитига кира олиш қурилмасининг интерфейси
*en* – access unit interface (AUI)

Интерфейсный кабель, обычно состоящий из четырех витых пар экранированных проводов, подсоединяемый к магистральному кабелю сети Ethernet.

Экранланган симларнинг тўртта ўралган жуфтидан иборат, Ethernet тармоғининг магистраль кабелига уланадиган интерфейс кабели.

**Интерфейс, совместимый по выводам**
*uz* – чиқиш учлари орқали мослаштирилган интерфейс
*en* – pin-compatible interface

Интерфейс, обеспечивающий совместимость по контактам разъемов или выводам электрического соединителя.

Ажраткич контактлари ёки электр улагичнинг чиқиш учлари бўйича мослашувни таъминловчи интерфейс.

**Интерфейсы ISDN**
*uz* – ISDN интерфейслари
*en* – ISDN interfaces

В цифровой сети с интеграцией услуг используются пять основных типов интерфейсов: R, S, T, U и V.

Хизматлари интеграциялашган рақамли тармоқларда фойдаланиладиган интерфейс-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг асосий турлари бешта: R, S, T, U ҳамда V.

**Интерференционное замирание**

*uz* – интерференцион сўниш

*en* – interference fading

Замирание, возникающее по причине изменения относительных фаз сигналов, приходящих в точку приема по разным маршрутам.

Қабул нуқтасига турли йўналишлар бўйлаб келадиган сигналлар нисбий фазаларининг ўзгариши келтириб чиқарадиган сўниш.

**Искажение из-за неравномерности группового времени задержки**

*uz* – гуруҳли кечикиш вақтининг бир хил бўлмаслиги туфайли бузилиш

*en* – group-delay distortion (GDD)

Искажения, обусловленные зависимостью сдвига фазы от изменения частоты сигнала.

Фаза силжишининг сигнал частотаси ўзгаришига боғлиқлиги билан шартланган бузилишлар.

**Искатель повреждений**

*uz* – шикастланишларни излагич

*en* – fault finder

Прибор для обнаружения разрывов и других повреждений кабельной линии.

Кабелли линиялардаги узилишлар ҳамда бошқа шикастланишларни аниқлашда ишлатиладиган асбоб.

**Исправление**

*uz* – тузатиш, коррекция

*en* – correction

Метод повышения достоверности передачи информации за счет введения избыточных кодов, обеспечивающих исправление или обнаружение ошибок; изменение характеристик сигнала путем придания им особых свойств, позволяющих снизить искажения при передаче через канал связи; вспомогательная информация, добавление которой к основному сигналу улучшает характеристики объекта или повышает точность определения параметров.

Хатолар аниқланиши ёки тузатилишини таъминлайдиган ортиқча кодларни киритиш ҳисобига, ахборот узатилиши ишончлилигини ошириш методи; алоқа канали орқали узатишда бузилишларни камайтириш имконини берадиган алоҳида хоссаларни киритиш йўли билан сигнал характеристикаларини ўзгартириш;


www.ziyouz.com kutubxonasi

асосий сигналга қўшилиши объект характеристикаларини яхшилайдиган ёки параметрларни белгилаш аниқлигини оширадиган ёрдамчи ахборот.

**Источник**
*uz* – манба
*en* – source

Устройство, используемое для преобразования сигнала, несущего информацию, в соответствующий оптический сигнал для передачи его по волокну. Источниками обычно являются светодиоды, лазерные диоды или лазеры.

Ахборот ташувчи сигнални тола бўйлаб узатиш мақсадида тегишли оптик сигналга ўзгартириш учун ишлатиладиган қурилма. Ёруғлик диодлари, лазер диодлар ёки лазерлар манба ҳисобланади.

**Источник бесперебойного электропитания**
*uz* – узлуксиз электр таъминот манбаи
*en* – uninterruptible power supply

Устройство, предназначенное для защиты компьютеров и другого оборудования от сильных колебаний или кратковременного отключения наряжения сети. В его состав обязательно входят аккумуляторные батареи, выпрямитель вводного напряжения и преобразователь переменного тока в переменный. Существует три типа источников питания: с автономным или неавтономным питанием и линейно-интерактивные. При автономном питании аккумуляторная батарея подключается лишь при пропадании входного напряжения, а при неавтономном – постоянно. Третий тип UPS аналогичен источнику с автономным питанием, но обеспечивает возможность стабилизации напряжения при работе от сети. Время переключения на резервное питание обычно 1-10 ms.

Компьютерлар ва бошқа ускуналарни, кучли тебранишлар ёки тармоқдаги кучланишнинг қисқа муддатга ўчиб қолишидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган қурилма. Унинг таркибига аккумулятор батареялари, кириш кучланишини тўғрилагич ва ўзгармас токни ўзгарувчан токка айлантиргич киради. Автоном, автоном бўлмаган ҳамда чизиқли интерактив каби учта таъминот манбаи мавжуд. Автоном таъминлашда аккумлятор батареяси кириш кучланиши бўлмагандагина уланади, автоном



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаган таъминлашда эса доимий равишда. Учинчи таъминот манбаи автоном таъминот манбаига ўхшайди, бироқ, тармоқдан ишлашда кучланишнинг стабил бўлишини таъминлайди. Резерв таъминотга қайта улаш вақти 1-10 ms.

**Источник непреднамеренных помех**

*uz* – қасддан қилинмаган халақитлар манбаи

*en* – unintentional emitter

Передатчик, который оказывает мешающее действие на приемники других систем. Источником непреднамеренных помех может быть собственное излучение работающего промышленного или медицинского оборудования.

Бошқа тизимларнинг қабул қилгичларига халақит берадиган узаткич. Ишлаётган саноат ёки тиббиёт ускунаси чиқарадиган нурланиш қасддан қилинмаган халақитлар манбаи бўлиши мумкин.

**Исходящая линия**

*uz* – чиқувчи линия

*en* – outbound link

1. Линия, по которой поток информации передается от станции связи или ретранслятора к абоненту. 2. Линия, связывающая выход концентратора или коммутатора каналов с удаленным абонентом.

1. Ахборот оқими алоқа станциясидан ёки ретранслятордан абонентга узатиладиган линия. 2. Концентратор чиқиш учини ёки каналлар коммутаторини олисдаги абонент билан боғловчи линия.

## К

**Кабель**

*uz* – кабель

*en* – cable

Соединительный элемент, состоящий из двух или более проводников, слоев экрана и изоляции. В состав кабеля, как конструктивного элемента системы, обычно входят разъемы. В сетях передачи данных наибольшее распространение получили три типа кабелей: коаксиальный, витая пара и волоконно-оптический.

Икки ёки ундан ортиқ симдан, экран ва изоляция қатламидан иборат уловчи элемент. Кабель таркибига тизимнинг конструктив элементи сифатида ажраткичлар ҳам киради. Маълумотлар узатиш тармоқларида коаксиал, ўралган жуфт ҳамда оптик-толали кабеллар кенг тарқалган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Кабель магистрали здания**

*uz* – бино магистраль кабели

*en* – building backbone cable

Кабель, соединяющий распределитель здания с этажным распределителем. Магистральные кабели здания могут также соединять этажные распределители, расположенные в одном и том же здании.

Бино тақсимлагичини қават тақсимлагичи билан боғловчи кабель. Бинонинг магистраль кабеллари, шунингдек, бир бинода жойлашган қават тақсимлагичларини ҳам боғлаши мумкин.

**Кабель магистрали кампуса**

*uz* – кампус магистраль кабели

*en* – campus backbone cable

Кабель, соединяющий распределитель кампуса с распределителем (распределителями) здания. Магистральные кабели кампуса могут также напрямую соединять распределители здания.

Кампус тақсимлагичини бино тақсимлагичи (тақсимлагичлари) билан боғловчи кабель. Кампуснинг магистраль кабеллари, шунингдек, бино тақсимлагичларини ҳам тўғридан-тўғри боғлаши мумкин.

**Кабель на рабочем месте**

*uz* – иш жойидаги кабель

*en* – work area cable

Кабель, соединяющий телекоммуникационную розетку с терминальным оборудованием.

Телекоммуникацион розеткани терминал ускуна билан боғловчи кабель.

**Кабель с витыми парами**

*uz* – ўралган жуфтли кабель

*en* – twisted-pair cable

Многожильный симметричный кабель, который может содержать от двух до нескольких сотен пар скрученных вместе проводников диаметром от 0,2 до 0,9 mm. По мере увеличения количества витых пар в кабеле диаметр проводника обычно уменьшается. Кабель может иметь различное исполнение: экранированное и неэкранированное. В экран могут быть заключены как отдельные витые пары, так и весь многопарный кабель.

Кўп симли симметрик кабель. Диаметри 0,2 дан 0,9 mm гача бўлган, биргаликда ўралган иккитадан бир неча юзгача жуфт симни ичига олиши мумкин. Кабелдаги ўралган жуфтларнинг сони ошиб борган сари, симнинг диаметри одатда, камаяди. Экранланган ёки экранланмаган кабель бўлади. Экранга айрим ўралган жуфтлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёки кўп жуфтли кабелнинг ҳаммаси жойлаштирилиши мумкин.

**Кабель с перекрещивающимися парами**

*uz* – ўзаро кесишадиган жуфтли кабель

*en* – crossover cable

Кабель, в котором, передающая и принимающая пара проводов подключены по перекрестной схеме к разным контактам соединителя.

Узатувчи ва қабул қилувчи симлар жуфти кесишувчи схема бўйича улагичнинг турли контактларига уланган кабель.

**Кабель типа пленум**

*uz* – пленум туридаги кабель

*en* – plenum cable

Кабель, противопожарные и дымовыделяющие характеристики которого позволяют прокладывать его в пространствах типа пленум без заключения его в кондуит.

Ёнғинга қарши ва тутун ажратиш характеристикалари кондуитга жойлаштирмасдан, пленум туридаги бўшлиққа ётқизиш имконини берадиган кабель.

**Кабель экранированная витая пара**

*uz* – экранланган жуфт ўралган кабель

*en* – shielded twisted pair cables

Электропроводный кабель, состоящий из одного или более элементов, каждый из которых имеет индивидуальное экранирование.

Ҳар бири алоҳида экранга эга бўлган, бир ёки ундан ортиқ элементдан иборат электр ўтказувчи кабель.

**Кабельная система**

*uz* – кабель тизими

*en* – cabling system

1. Комбинация кабелей, проводов, шнуров и коммутационного оборудования. 2. Система, состоящая из оптических элементов, например, волокна, коннекторов, муфт и других элементов, расположенных между передатчиком и приемником.

1. Кабеллар, шнурлар, симлар ҳамда коммутацион ускуна йиғиндиси. 2. Узаткич ва қабул қилгич орасида жойлашган оптик элементлардан, масалан, толалар, коннекторлар, муфталар ва бошқа элементлардан иборат тизим.

**Кабельная стойка**

*uz* – кабель устуни

*en* – cable rack

Вертикальное или горизонтальное устройство для открытой поддержки кабельных потоков (обычно изготавливается из аллюминия или стали), прикрепленное к потолку или стене.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шифт ёки деворга маҳкамланган, кабель оқимларини очиқ ушлаб туриш учун мўлжалланган вертикал ёки горизонтал қурилма (одатда, алюминий ёки пўлатдан тайёрланади).

**Кабельная часть оптического соединителя**

*uz* – оптик улагичнинг кабелли қисми

*en* – cable part of optical connector

Часть разъемного оптического соединителя, монтируемая на оптическом кабеле.

Ажраладиган оптик улагичнинг оптик кабелда монтаж қилинадиган қисми.

**Кабельный желоб**

*uz* – кабель нови

*en* – cable trough

Канал, состоящий из металлических желобов и фитингов.

Металл новлар ва фитинглардан иборат канал.

**Кабельный канал**

*uz* – кабель канали

*en* – cableway

Отдельный закрытый канал для прокладки проводников, кабелей или оптоволокна.

Ўтказгичлар, кабеллар ёки оптик толани ётқизиш учун мўлжалланган алоҳида ёпиқ канал.

**Кабельный лоток**

*uz* – кабель лотоги

*en* – cable tray

Канальная система в виде лестниц, желобов, со сплошным дном или так называемая вентилируемая, предназначенная для поддержки, телекоммуникационной среды (например, кабеля).

Телекоммуникация муҳитини (масалан, кабелни) тутиб туриш учун мўлжалланган, зинапоя, новлар кўринишидаги ёки вентиляцияланадиган канал тизими.

**Кабельный сканер**

*uz* – кабель сканери

*en* – cable scanner

Устройство для измерения электрических и механических параметров кабелей: длины, затухания, импеданса, переходных помех и возможных неисправностей, таких как обрыв, короткое замыкание, неправильно установленный разъем.

Кабелларнинг электр ва механик параметрлари – узунлиги, сўниши, импеданси, ўтиш халақитларини ҳамда узилиш, қисқа туташиш, нотўғри ўрнатилган ажраткич каби носозликларни ўлчаш учун мўлжалланган қурилма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Кабельный стояк**
*uz* – кабель қувур-устуни
*en* – cable riser

Кабельная система или трасса, проходящая в здании вертикально для обслуживания расположенных друг над другом этажей.

Бинода вертикал ўтувчи, бир-бирининг устига жойлашган қаватларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган кабель тизими ёки трасса.

**Кабельный терминал**
*uz* – кабель терминали
*en* – cable terminal

Устройство, используемое для осуществления доступа и подключения к проводникам кабеля.

Кабель ўтказгичларига кира олиш ва уланишни амалга ошириш учун фойдаланиладиган қурилма.

**Кабельный узел (оптическое волокно)**
*uz* – кабель узели (оптик тола)
*en* – cable assembly (optical fiber)

Волоконно-оптический кабель, терминированный коннекторами на одном или обоих концах. Если коннектор подсоединен только к одному концу кабеля, кабельный узел представляет собой гибкий проводник (pigtail). Если коннекторы подсоединены к обоим концам кабеля, - это перемычка (jumper).

Бир ёки иккала учида коннекторлар уланган оптик-толали кабель. Коннектор кабелнинг фақат бир учига уланган бўлса, кабель узели эгилувчан ўтказгич, агар иккала учига уланса, туташтиргич бўлади.

**Кабельный участок**
*uz* – кабель участкаси
*en* – cable plant

Совокупность кабелей, соединителей, разъемов и других элементов, расположенных между передатчиком и приемником.

Узаткич ва қабул қилгич ўртасида жойлашган кабеллар, улагичлар, ажраткичлар ва бошқа элементлар жами.

**Кабельный шкаф**
*uz* – кабель шкафи
*en* – wiring closet

Технологический (аппаратный) шкаф, в котором устанавливается коммутационное оборудование, обслуживающее здание.

Бинога хизмат кўрсатадиган коммутацион ускуна ўрнатилган технологик (аппарат) шкаф.

**Кабельный элемент**
*uz* – кабель элементи
*en* – cable element

Наименьшая конструкционная единица (например, пара, четверка или отдельное волокно) в кабеле. Элемент кабеля может иметь экран.

Кабелдаги энг кичик конструкцион бирлик (ма-



www.ziyouz.com kutubxonasi

салан, жуфтлик, тўртлик ёки алоҳида тола). Кабель элементи экранга эга бўлиши мумкин.

**Канал**
*uz* – канал
*en* – channel

1. Сквозной тракт передачи сигналов, соединяющий две любые точки, к которым может быть подключено оконечное оборудование. Виды каналов: аналоговые и цифровые, выделенные и закрепленные, коммутируемые и виртуальные. По территориальному признаку каналы подразделяются на международные, междугородные, зоновые и местные. 2. Широкополосный приемопередающий тракт спутникового или радиорелейного ретранслятора, в котором сигналы от разных земных станций проходят через общие элементы. В фиксированной спутниковой связи весь диапазон частот ретранслятора обычно делится на стволы шириной 36, 54 и 72 MHz.

1. Охирги ускуна уланиши мумкин бўлган исталган икки нуқтани бирлаштирувчи, сигналлар узатиладиган очиқ тракт. Аналог, рақамли, ажратилган, бириктирилган, коммутацияланадиган ҳамда виртуал каналлар мавжуд. Ҳудудий белгисига кўра, халқаро, шаҳарлараро, зона ва маҳаллий каналларга бўлинади. 2. Йўлдош ёки радиорелели ретрансляторнинг кенг полосали қабул қилувчи-узатувчи тракти бўлиб, унда ердаги станциялардан келадиган сигнал умумий элементлар орқали ўтади. Қайд қилинган йўлдошли алоқада ретрансляторнинг бутун частоталар диапазони одатда, 36, 54 ва 72 MHz кенгликдаги стволларга бўлинади.

**Канал основной цифровой**
*uz* – асосий рақамли канал
*en* – basic digital circuit

Типовой цифровой канал передачи со скоростью передачи сигналов 64 kbit/s.

Сигналларни узатиш тезлиги 64 kbit/s бўлган намунавий рақамли узатиш канали.

**Канал передачи**
*uz* – узатиш канали
*en* – transmission circuit

Комплекс технических средств, обеспечивающий передачу сигнала электросвязи в полосе частот или со скоростью передачи характерных для данного канала передачи, между сетевыми станциями, сетевыми узлами или между сетевой станцией и сетевым узлом, а также между сетевой станцией или узлом и оконечным устройством первичной сети.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Примечания: 1. Каналу передачи присваивают название аналоговый или цифровой в зависимости от метода передачи сигналов электросвязи. 2. Каналу передачи, в котором на разных его участках используют аналоговые или цифровые методы передачи сигналов электросвязи, присваивают название смешанный аналого-цифровой канал передачи. 3. Цифровому каналу, в зависимости от скорости передачи сигналов электросвязи, присваивают название основной, первичный, вторичный, третичный, четверичный.*

Электр алоқа сигналини муайян частоталар полосасида ёки берилган узатиш канали учун хос бўлган узатиш тезлиги билан тармоқ станциялари, тармоқ узеллари ўртасида ёки тармоқ станцияси ва тармоқ узели, шунингдек, тармоқ станцияси ёки узели ҳамда бирламчи тармоқнинг охирги қурилмаси ўртасида узатилишини таъминлайдиган техник воситалар комплекси.

*Изоҳлар: 1. Узатиш канали, электр алоқа сигналларини узатиш усулларига боғлиқ ҳолда, аналог ёки рақамли узатиш канали деб аталади. 2. Узатиш канали, унинг турли участкаларида электр алоқа сигналларини аналог ёки рақамли узатиш усулларидан фойдаланилганда, аралаш аналог-рақамли узатиш канали деб аталади. 3. Рақамли канал, электр алоқа сигналларини узатиш тезлигига боғлиқ ҳолда, асосий, бирламчи, иккиламчи, учламчи, тўртламчи деб аталади.*

**Канал передачи данных**

*uz* – маълумотлар узатиш канали

*en* – data link

Канал или линия связи, пригодные для передачи данных и включающие все сетевые элементы, кроме средств отправителя и получателя данных и управляющих узлов.

Маълумотлар узатиш учун яроқли бўлган, маълумотларни жўнатувчи ва олувчи воситалардан ҳамда бошқарувчи узеллардан ташқари, барча тармоқ элементларини ичига оладиган алоқа канали ёки линияси.

**Канал передачи тональной частоты**

*uz* – тонал частотани узатиш канали

*en* – voice frequency transmission circuit

Типовой аналоговый канал передачи с полосой частот от 300 до 3400 Hz.

Частоталар полосаси 300 Hz дан 3400 Hz гача бўлган намунавий аналог узатиш канали.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Канал связи**
*uz* – алоқа канали
*en* – liaison circuit

Соединение между узлами транспортной сети передачи данных, обычно используемое для обмена вспомогательной и управляющей информацией.

Маълумотлар узатиш транспорт тармоғининг узеллари ўртасидаги боғланиш. Одатда, ёрдамчи ва бошқарувчи ахборотни алмашишда фойдаланилади.

**Канал ячеистого пола**
*uz* – ячейкасимон пол канали
*en* – cellular floor raceway

Устройство из полых, продольных элементов, составляющих часть пола. Эти элементы расположены в соответствии с определенной системой для обеспечения распределения проводов и кабелей.

Полнинг бир қисмини ташкил этувчи, ичи бўш, бўйлама элементлардан иборат қурилма. Бу элементлар сим ва кабеллар тақсимланишини таъминлаш учун муайян тизимга мувофиқ жойлаштирилади.

**Каналообразующая аппаратура**
*uz* – канал ҳосил қилувчи аппаратура
*en* – channel bank

Аппаратура, в которой обеспечивается объединение сигналов отдельных каналов в групповой сигнал. В системах с частотным разделением каналов многоканальный сигнал образуется за счет транспонирования каналов по частоте.

Алоҳида каналлар сигналларининг гуруҳли сигналларга бирлаштирилишини таъминлайдиган аппаратура. Каналлар частотавий бўлинадиган тизимларда кўп каналли сигнал каналларни частота бўйича транспонирлаш ҳисобига ҳосил қилинади.

**Канальное кодирование**
*uz* – каналли кодлаш
*en* – channel coding

Метод кодирования, при котором параметры кода выбираются индивидуально в каждом канале с учетом вида передаваемой информации. Например, в сетях мобильной связи требуется обеспечить вероятность ошибки на бит (BER) не более $10^{-3}$ в речевых каналах и $10^{-6}$ при передаче данных. В первом случае обычно применяются сверточные коды, а во втором – каскадный код (сочетание сверточного и кода Рида-Соломона), турбокод и др.

Кодлаш методи бўлиб, коднинг параметрлари ҳар бир каналда узатиладиган ахборотнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

тури ҳисобга олинган ҳолда алоҳида танланади. Масалан, мобил алоқа тармоқларида, товуш каналларида битга тўғри келадиган хато эҳтимоллиги $10^{-3}$ дан, маълумотлар узатишда $10^{-6}$ дан ошмаслиги талаб этилади. Биринчи ҳолда, йиғма кодлар, иккинчи ҳолда эса, каскадли код (йиғма код ва Рид-Соломон кодининг бирикмаси), турбокод ва бошқалар қўлланилади.

**Канальный уровень**

*uz* – канал сатҳи

*en* – link layer

Второй уровень в эталонной модели OSI, который является передаточной средой между сетевым и физическим уровнем. На канальном уровне реализуются механизмы управления сетевыми ресурсами, а также обеспечивается поддержка разнообразных требований протоколов верхнего уровня по достоверности, качеству обслуживания и времени ожидания. Разделение на два подуровня LAC и MAC позволяет разграничить функции канального уровня. Первый из них обеспечивает организацию связи логических каналов между равноправными объектами сетевого уровня, а второй – организует доступ к каналам и координирует использование ресурсов. Обмен информацией на канальном уровне обеспечивается в двух режимах: с установлением и без установления соединения.

OSI эталон моделидаги иккинчи сатҳ. Тармоқ ва физик сатҳ ўртасидаги узатиш муҳити ҳисобланади. Канал сатҳида тармоқ ресурсларини бошқариш механизмлари амалга оширилади, шунингдек, юқори сатҳ протоколларининг ишончлилик, хизмат кўрсатиш сифати ҳамда кутиш вақти бўйича турли хил талаблари бажарилиши таъминланади. Иккита – LAC ва MAC қуйи сатҳга ажратиш канал сатҳ функцияларини тақсимлаш имконини беради. Улардан биринчиси тармоқ сатҳидаги бир хил объектлар ўртасида мантиқий каналлар алоқаси ташкил қилинишини таъминлайди, иккинчиси эса, каналларга киришни уюштиради ҳамда ресурслардан фойдаланишни мувофиқлаштиради. Ахборот алмашинуви канал сатҳида икки режимда – уланиш ўрнатилган ва ўрнатилмаган ҳолда таъминланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Катушка нагрева**
*uz* – қизиш ғалтаги
*en* – heat coil

Устройство, заземляющее проводник при превышении временных пределов перенапряжения. Если катушка нагрева расположена на терминале входа в здание, она подходит для защиты от паразитных токов.

Ўта кучланиш вақтинчалик қийматларидан ошганда, симни ерга уловчи қурилма. Ғалтак бинога кириш терминалида жойлашган бўлса, паразит токлардан ҳимоя қилиш учун мос келади.

**Квантованный отсчет**
*uz* – квантланган саноқ
*en* – quantized sample

Значение аналогового сигнала, взятое в дискретный момент времени и округленное до фиксированной величины.

Аналог сигналнинг дискрет вақт онида олинган ва қатъий катталиккача яхлитланган қиймати.

**Квартетная передача**
*uz* – квартет узатиш
*en* – quartet signaling

Одновременная передача сигналов по четырем парам проводов.

Сигналларни бир вақтда тўрт жуфт сим орқали узатиш.

**Ключ**
*uz* – калит
*en* – keying

Механическое свойство коннекторной системы, гарантирующее правильную ориентацию соединения или предотвращающее соединение с гнездом или волоконно-оптическим адаптером того же типа, предназначенного для других целей.

Коннектор тизимининг, уланиш тўғри йўналишда бўлишини кафолатловчи ёки тешик ёхуд бошқа мақсадлар учун мўлжалланган оптик-толали адаптер билан уланишнинг олдини олувчи, механик хоссаси.

**Коаксиально-волноводный переход**
*uz* – коаксиал тўлқин ўтказгичли ўтиш
*en* – waveguide-to-coaxial adapter

Преобразователь вида волны, используемый при физическом соединении коаксиальной линии с волноводом прямоугольного или круглого сечения.

Коаксиал линияни тўғри бурчак ёки доиравий кесимли тўлқин ўтказгич билан физик боғлашда фойдаланиладиган тўлқин турини ўзгартиргич.

**Коаксиально-полосковый переходник**

Электрический соединитель, обеспечивающий переход от полосковой линии передачи к коаксиальному кабелю.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – коаксиал полосали ўтказгич

*en* – coaxial-to-strip adapter

Полосали узатиш линиясидан коаксиал кабелга ўтишни таъминловчи электр улагич.

**Коаксиальный кабель**

*uz* – коаксиал кабель

*en* – coaxial cable

1. Высокочастотный кабель, у которого один из проводов представляет собой трубу, полностью охватывающую второй провод. Внутренний провод располагается точно по оси трубы, почему кабель и называется коаксиальным или концентрическим. Чтобы удержать внутренний провод в таком положении, на него надевают изолирующие шайбы либо заполняют пространство между проводами изоляционным материалом. 2. Двужильный кабель круглого сечения с центральным проводником в изоляции и внешним проводником, выполненным в виде металлической оплетки. Благодаря оплетке коаксиальный кабель в меньшей степени подвержен помехам, чем другие типы соединительных линий. Наиболее широкое применение коаксиальный кабель получил в сети Ethernet (сопротивление 50 Om), кабельном телевидении (75 Om), локальной сети ARC net (93 Om). В современных телекоммуникационных технологиях наблюдается тенденция постепенной замены коаксиального кабеля на витую пару или волоконно-оптический кабель.

1. Симлардан бири иккинчи симни тўлиқ қоплаб оладиган трубкадан иборат, юқори частотали кабель. Ички сим трубка ўқи бўйлаб аниқ жойлашади, шунинг учун ҳам кабель коаксиал ёки концентрик кабель деб аталади. Ички симни шундай ҳолатда сақлаб туриш учун унга изоляцияловчи шайба кийгизилади ёки симлар ўртасидаги бўшлиқ изоляцион материал билан тўлдирилади. 2. Доиравий кесимли, ўртасида изоляцияланган сими ва металл ўрам кўринишидаги ташқи ўтказгичи бўлган икки симли кабель. Металл ўрам туфайли, коаксиал кабель бошқа турдаги боғловчи линияларга қараганда халақитларга чидамлироқ бўлади. Коаксиал кабель Ethernet тармоғида (қаршилик 50 Om), кабелли телевидениеда (75 Om) ва ARC net локал тармоғида



www.ziyouz.com kutubxonasi

(93 Om) кенг тарқалган. Замонавий телекоммуникация тармоқларида коаксиал кабелни ўралган жуфтга (симлар жуфтига) ёки оптиктолали кабелга аста-секин алмаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

**Код**
*uz* – код
*en* – code

1. Набор правил, однозначно определяющих порядок преобразования исходного сообщения в цифровой сигнал. 2. Множество символов или их комбинаций, представленное в некотором алфавите, однозначно преобразуемое в другое множество, используемое для передачи информации по каналам связи.

1. Бошланғич хабарни рақамли сигналга айлантириш тартибини қатъий белгилайдиган қоидалар тўплами. 2. Алоқа каналлари орқали ахборот узатишда фойдаланиладиган, бошқа бир символлар кўплигига қатъий айлантириладиган, қандайдир ҳарфлар кўринишида тақдим этилган символлар кўплиги ёки уларнинг бирикмаси.

**Код Рида-Мюллера**
*uz* – Рид-Мюллер коди
*en* – Reed-Mueler code

Семейство двоичных циклических кодов, являющееся разновидностью биортогонального кода длиной $2^n$, где *n* – целое число.

Узунлиги $2^n$ бўлган биортогонал коднинг кўринишларидан бири ҳисобланадиган иккилик циклик кодлар туркуми, бу ерда *n* – бутун сон.

**Код с инверсией на единицу**
*uz* – «1»га инверсияланган код
*en* – coded mark inversion

Техника кодирования, при которой последовательные «1» кодируются чередующимися блоками 11 и 00, а «0» блоками 01 или 10.

Кодлаш усули бўлиб, кетма-кет «1» лар 11 ва 00 нинг, «0» эса, 01 ёки 10 нинг алмашиниб келадиган блоклари билан кодланади.

**Кодер**
*uz* – кодер
*en* – encoder

Аппаратные или программные средства, осуществляющие преобразование сигнала в соответствии с заданным алгоритмом, при котором возможно последующее однозначное декодирование.

Берилган алгоритмга мувофиқ, сигналнинг ўзгартирилишини амалга оширадиган аппарат ёки дастурий воситалар, бунда кейинчалик қатъий декодлаш имконияти сақланиб қолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Кодирование**

*uz* – кодлаш

*en* – coding

Процесс преобразования сигнала, позволяющий улучшить те или иные характеристики или свойства. Не существует универсальных методов кодирования, т.к. каждый код имеет как преимущества, так и недостатки по сравнению с другими. Любая отдельно взятая схема кодирования не может одновременно гарантировать высокую спектральную эффективность и помехоустойчивость, использоваться для повышения пропускной способности, сжатия информации и защиты от несанкционированного доступа.

Сигналнинг у ёки бу характеристикаси ёки хоссаларини яхшилаш имконини берадиган, сигнални ўзгартириш жараёни. Универсал кодлаш методи мавжуд эмас. Алоҳида олинган ҳар қандай кодлаш схемаси бир вақтда юқори спектрал эффективликни ва халақитга чидамлиликни кафолатлай олмайди, ўтказиш қобилиятини яхшилаш, ахборотни сиқиш ва рухсат этилмаган тарзда фойдаланишдан муҳофаза қилиш учун ишлатилиши мумкин эмас.

**Кодирование с инверсией кодовых посылок**

*uz* – кодли жўнатмаларни инверсиялаш (ўрнини алмаштириш) орқали кодлаш

*en* – coded mark inversion (CMI)

Метод кодирования, основанный на преобразовании символа «1» с помощью обычного двухуровневого кода (NRZ), а символа «0» в виде двух импульсов противоположной полярности со сменой знака в середине посылки. Благодаря инверсии кодовых посылок, данный код обладает хорошими синхронизирующими свойствами.

«1» символини оддий икки даражали код (NRZ) ёрдамида, «0» символини эса, посилка ўртасида белгиларни алмаштириш билан қарама-қарши қутблиликка эга икки импульс кўринишида ўзгартиришга асосланган кодлаш методи. Кодли импульсларни инверсиялаш туфайли, бу код яхшиланган синхронловчи хоссаларга эга бўлади.

**Кодовая избыточность**

*uz* – код ортиқчалиги

*en* – code redundancy

Свойство кода, у которого часть кодовых комбинаций остаются неиспользуемыми. Такие комбинации считаются запрещенными, что позволяет при приеме обнаруживать ошибки без добавления в код проверочных символов.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кодли комбинацияларнинг бир қисми фойдаланилмай қоладиган коднинг хоссаси. Бундай комбинациялар тақиқланган ҳисобланади, бу эса қабул қилишда кодга текширадиган символларни киритмасдан, хатоларни аниқлаш имконини беради.

**Кодовое слово**
*uz* – кодли сўз
*en* – codeword

Комбинация, состоящая, по крайней мере, из двух символов. Ключевое слово в информационно-поисковой системе.

Иккита символдан иборат комбинация. Ахборот-излаш тизимидаги аҳамиятли сўз.

**Кодонезависимая передача**
*uz* – кодга боғлиқ бўлмаган узатиш
*en* – code-independent transmission (code-insensitive transmission)

Метод передачи, при котором используется протокол обработки битов, не зависящий от структуры исходной последовательности.

Бошланғич кетма-кетлик структурасига боғлиқ бўлмаган, битларни қайта ишлаш протоколидан фойдаланиладиган узатиш методи.

**Кодонезависимый канал**
*uz* – кодга боғлиқ бўлмаган канал
*en* – code-independent channel

Канал связи, по которому кодированный поток данных передается в прозрачном режиме, т.е. без дополнительной обработки и добавления служебных символов.

Кодланган маълумотлар оқими шаффоф (очиқ) режимда, яъни қўшимча тарзда қайта ишланмасдан ҳамда хизматга оид символлар қўшилмасдан узатиладиган алоқа канали.

**Кожух муфты**
*uz* – муфта кожухи
*en* – splice closure

1. Контейнер, используемый для упорядочения и защиты лотков муфт. 2. Устройство, используемое для защиты кабельной муфты.

1. Муфта лотокларини тартибга солиш ва ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган контейнер. 2. Кабель муфтасини ҳимоялашда фойдаланиладиган қурилма.

**Коллекторный канал**
*uz* – коллектор канал
*en* – header duct

1. Основной канал, используемый для проводки кабеля от телекоммуникационных шкафов до распределительных каналов в ячеистой и подпольной системе каналов. Синоним: Фидерный канал. 2. Канал с прямоугольным се-



www.ziyouz.com kutubxonasi

чением, расположенный в пределах пола или чуть ниже чистого пола, служащий для связи распределительного канала или ячейки с телекоммуникационным шкафом. Часто называется замкнутым фидером или траншейным каналом. Траншейный канал-фидер, установленный в уровень с чистым полом, имеющий съемные крышки по всей длине и разделители сервисов.

1. Ячейкасимон ва пол ости каналлар тизимида кабелни телекоммуникация шкафидан тақсимлаш каналларигача ўтказиш учун фойдаланиладиган асосий канал. Синоними: фидер канал. 2. Тўғри бурчакли кесимга эга, пол чегарасида ёки тоза полдан сал қуйида жойлашган, тақсимлаш каналини ёки ячейкани телекоммуникация шкафи билан боғлаш учун хизмат қилувчи канал. Кўпинча, берк фидер ёки траншея канали деб аталади. Тоза пол билан бир сатҳда ўрнатилган, бутун узунлиги бўйлаб олинадиган қопқоқлари ва сервисларни ажратувчилари бўлган траншея канал-фидери.

**Колонна общего назначения**

*uz* – умумий мақсадлардаги колонна

*en* – utility column

Кабельный канал, расположенный между потолком и полом, связанный с системами потолочного распределения. Используется для размещения телекоммуникационных и электрических проводов и кабелей, идущих из потолочного пространства к рабочим местам. Синонимы: Потолочный столб; Силовой столб; Потолочная капитель, Опора линии питания.

Шифт ва пол орасида жойлашган, шифт тақсимлаш тизимлари билан боғланган кабель канали. Шифт бўшлиғидан иш ўринларига борадиган телекоммуникация ҳамда электр симлари ва кабелларини жойлаштириш учун фойдаланилади. Синонимлари: Шифт устуни; Куч устуни; Шифт капители; Таъминот линияси таянчи.

**Кольцевая проверка**

*uz* – ҳалқали текшириш

*en* – back-to-back testing

Метод оценки достоверности цифровой информации по «шлейфу». Реализуется с помощью ретрансляции всего принятого потока данных на приемном конце линии в обратном направлении. На передающем конце сравниваются принятая и исходная последовательно-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сти, после чего вычисляется количество ошибочно принятых символов.

Рақамли ахборотнинг ишончлилигини «шлейф» бўйича баҳолаш методи. Линиянинг қабул қилиш томонида, тескари йўналишда қабул қилинган барча маълумотлар оқимини ретрансляция қилиш орқали амалга оширилади. Узатувчи томонида қабул қилинган ва дастлаб узатилган кетма-кетликлар таққосланади, кейин хато қабул қилинган символлар сони ҳисобланади.

**Кольцевая сеть**

*uz* – ҳалқасимон тармоқ

*en* – loop network

Сеть с кольцевой топологией, обычно состоящая из двух колец, сигнал по которым распространяется в противоположных направлениях. Каждый узел может подключаться к любому из двух колец, что обеспечивает возможность самовосстановления сети при отказе в одном из колец.

Сигнал қарама-қарши йўналишда тарқаладиган иккита ҳалқадан иборат, ҳалқа топологиясига эга тармоқ. Ҳар бир узел ҳалқаларнинг исталган бирига уланиши мумкин. Бу эса, ҳалқаларнинг бирида носозлик юзага келганда, тармоқнинг ўзини ўзи тиклаш имконини таъминлайди.

**Кольцо для монтажа в штукатурке**

*uz* – штукатуркага монтаж қилиш ҳалқаси

*en* – plaster ring

Металлическая или пластиковая пластина, устанавливаемая в сухой штукатурке для монтажа телекоммуникационной розетки.

Телекоммуникацион розеткани монтаж қилиш учун қуруқ штукатуркада ўрнатиладиган металл ёки пластик пластина.

**Комбинированный оптический соединитель**

*uz* – комбинацияланган оптик улагич

*en* – multifunction optical connector

Оптический соединитель, предназначенный для одновременного создания оптического и электрического соединения.

Бир вақтнинг ўзида оптик ва электр уланишни таъминлайдиган оптик улагич

**Коммутационная панель**

*uz* – коммутацион панель

*en* – patch panel

Интерфейс кабельной системы, выполненный в виде блока с розетками; соединяется с портами оборудования с помощью коммутационных шнуров.

Розеткали блок кўринишида қилинган кабелли



www.ziyouz.com kutubxonasi

тизим интерфейси; коммутацион шнурлар ёрдамида ускуна портлари билан уланади.

**Коммутационная система**
*uz* – коммутация тизими
*en* – switching system

1. Совокупность всех коммутационных блоков и ступеней искания станции или узла. 2. Многокаскадная схема коммутации с распараллеливанием (дублированием) поступающего потока пакетов на каждом входе; при этом между каждой парой вход-выход всегда имеется несколько связей.

1. Станция ёки узелнинг барча коммутация блоклари излаш босқичлари жами. 2. Ҳар бир киришда келаётган пакетлар оқимини такрорлаш билан коммутациялашнинг кўп каскадли схемаси; бунда ҳар бир кириш-чиқиш жуфти ўртасида бир нечта боғланиш бўлади.

**Коммутационное оборудование**
*uz* – коммутация ускунаси
*en* – connecting hardware

Устройство, обеспечивающее механическое терминирование кабеля.

Кабелнинг механик уланишини таъминловчи қурилма.

**Коммутационное поле**
*uz* – коммутация майдони
*en* – connecting hardware field

Отдельное устройство или элемент, содержащий один или более рядов или колонок коннекторов для терминирования кабеля. К примерам полей коммутационого оборудования относятся: 24-портовая пэтч-панель; 100-парный коммутационный блок типа 110; 25-парный коммутационный блок типа 66 М1-50; волоконно-оптическая пэтч-панель.

Кабелни улаш учун коннекторларнинг бир ёки ундан ортиқ қатори ёки колонкаларини ичига олувчи алоҳида қурилма ёки элемент. 24 портли пэтч-панель; 100 жуфтли 110 туридаги коммутация блоки, 25 жуфтли 66 М1-50 туридаги коммутация блоки; оптиктолали пэтч-панель коммутация ускунаси майдонларига мисол бўлади.

**Коммутационный блок**
*uz* – коммутацион блок
*en* – switching unit

Конструктивно законченная совокупность коммутационных приборов связи, имеющих все или часть общих выходов и промежуточных линий коммутационного поля.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Коммутацион майдон умумий чиқиш учлари ва оралиқ линияларининг барчасини ёки бир қисмини ўз ичига олувчи коммутацион алоқа асбобларининг конструктив тугалланган жами.

**Коммутационный шнур**
*uz* – коммутацион шнур
*en* – patch cord

Короткий шнур (до нескольких метров) с разъемами на одном или на обоих концах, предназначенный для подключения коммуникационного оборудования к коммутационной панели или кроссу.

Бир ёки ҳар икки учида ажратгичлари бўлган, коммуникацион ускунани коммутацион панель ёки кроссга улаш учун мўлжалланган қисқа (бир неча метргача бўлган) шнур.

**Коммутация**
*uz* – коммутация
*en* – switching

Процедура, позволяющая установить соединение между абонентами сети, обеспечив им доступность к общей физической линии связи. Различают три принципиально отличающихся схемы коммутации: каналов, сообщений и пакетов.

Тармоқ абонентлари ўртасида, уларнинг умумий физик алоқа линиясига кира олишини таъминлаган ҳолда, уланиш ўрнатилишига имкон берадиган процедура. Коммутациянинг принципал фарқ қиладиган учта схемаси ажратилади: каналлар, хабарлар ва пакетлар коммутацияси.

**Коммутация пакетов**
*uz* – пакетлар коммутацияси
*en* – packet switching

Технология передачи данных, характеризующаяся тем, что передаваемый поток информации разбивается на пакеты фиксированной или переменной длины, которые обрабатываются и коммутируются в сети как независимые блоки. Установление соединения осуществляется лишь на время передачи пакета, а после его окончания оно сразу же разрывается.

Маълумотлар узатиш технологияси бўлиб, унга кўра, узатиладиган ахборот оқими тармоқда мустақил блоклар сифатида қайта ишланадиган ва коммутацияланадиган, қатъий ёки ўзгарувчан узунликдаги пакетларга ажратилади. Уланиш фақат пакетни узатиш вақтига ўрнатилади, у тугагач, уланиш дарҳол узатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Комплект удаленного абонента**

*uz* – олисдаги абонент комплекти

*en* – kit of the remote abonent

Станционное абонентское телефонное устройство для включения абонентской линии телефонной сети с сопротивлением свыше максимально допустимого для обычной абонентской линии.

Телефон тармоғи абонент линиясини, оддий абонент линияси учун максимал йўл қўйиладигандан юқори қаршилик билан улаш учун мўлжалланган станцион абонент телефон қурилмаси.

**Композитный (гибридный) кабель**

*uz* – композит (гибрид) кабель

*en* – fan-out cable, break-out cable

Многоволоконный кабель с плотным буфером, в котором каждое волокно заключено в отдельную внешнюю оболочку. Предназначен для облегчения соединений и обеспечения повышенной износоустойчивости при использовании как внутри, так и между зданиями.

Ҳар бир тола алоҳида ташқи қобиққа ўралган, зич буферли, кўп толали кабель. Уланишларни осонлаштириш ҳамда бино ичида ва бинолар ўртасида фойдаланилганда, юқори ейилишга чидамлиликни таъминлаш учун мўлжалланган.

**Компонентный блок**

*uz* – компонентли блок

*en* – tributary unit-n (TU-n)

Информационная структура, обеспечивающая согласование между слоем трактов нижнего ранга и слоем трактов верхнего ранга. Состоит из информационной нагрузки (виртуальный контейнер нижнего ранга) и указателя компонентного блока, который показывает отступ начала цикла нагрузки относительно начала цикла виртуального контейнера верхнего ранга.

Қуйи даража трактлари қатлами ва юқори даража трактлари қатлами ўртасида мослашувни таъминловчи ахборот структураси. Ахборот нагрузка (қуйи даража виртуал контейнери) ва нагрузка цикли бошланишининг юқори даража виртуал контейнери цикли бошланишига нисбатан силжишини билдирувчи компонент блок кўрсаткичидан иборат.

**Кондуит**

*uz* – кондуит

*en* – conduit

Жесткий или гибкий металлический или неметаллический канал круглого сечения.

Қаттиқ ёки эгилувчан, доиравий кесимга эга металл ёки нометалл канал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Коннектор**

*uz* – коннектор

*en* – connector

Механическое устройство, используемое совместно с волокном для обеспечения позиционирования, подсоединения волокна к передатчику, приемнику или другому волокну. Обычно используются следующие типы коннекторов: SC (SC-Subscriber Connector, 568SC), ST Compatible (ST-Straight Tip, BFOC/2.5), FC, FCPC, FDDI, Escon, Biconic, D4, SMA 905, 906.

Тола билан биргаликда, толанинг позициялашувини, узаткич, қабул қилгич ёки бошқа толага уланишини таъминлаш учун фойдаланиладиган механик қурилма. Одатда коннекторнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади: SC (SC-Subscriber Connector, 568SC), ST Compatible (ST-Straight Tip, BFOC/2.5), FC, FCPC, FDDI, Escon, Biconic, D4, SMA 905, 906.

**Коннектор интерфейса среды**

*uz* – муҳит интерфейсининг коннектори

*en* – media interface connector (MIC)

Коннекторная пара (MIC-вилка и MIC-розетка), обеспечивающая соединение между узлом FDDI и волоконно-оптическим кабелем.

FDDI узели билан оптик-толали кабель ўртасида уланишни таъминлайдиган коннектор жуфтлиги (MIC вилка ва MIC розетка).

**Контакт порта**

*uz* – порт контакти

*en* – jack contact

Токонесущий металлический элемент модульного порта.

Модулли портнинг ток ташувчи металл элементи.

**Контакт, пропускающий ток**

*uz* – ток ўтказувчи контакт

*en* – wet contact

Контакт, который в нормальном (замкнутом) положении пропускает ток. Термин обычно употребляется в сетях проводной связи, когда питание необслуживаемых модулей (повторителей и др.) осуществляется непосредственно по линии передачи данных. Типовое значение пропускаемого по линии тока составляет 60-140 mA.

Нормал (берк) ҳолатда ток ўтказадиган контакт. Атамадан хизмат кўрсатилмайдиган модуллар (такрорлагичлар ва б.) нинг таъминоти бевосита маълумотлар узатиш линияси орқали амалга ошириладиган симли алоқа тармоқларида фойдаланилади. Линия орқали ўтадиган токнинг намуна қиймати 60-140 mA ни ташкил қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Контроль (по) четности**

*uz* – жуфтлик асосида назорат қилиш

*en* – parity check

Наиболее простой метод обнаружения ошибок, основанный на разбиении информационной последовательности на группы (блоки) и добавлении к каждой из них проверочного символа (0 или 1), так чтобы сумма битов была всегда четной или нечетной. Контроль четности позволяет обнаружить одиночные ошибки в проверяемых данных.

Хатоларни аниқлашнинг энг оддий методи. Ахборот кетма-кетлигини гуруҳлар (блоклар) га бўлиш ва уларнинг ҳар бирига битлар йиғиндиси доимо жуфт ёки тоқ бўладиган тарзда текшириш символи (0 ёки 1) ни қўшишга асосланган. Жуфтликни назорат қилиш текшириладиган маълумотларда якка хатоларни аниқлаш имконини беради.

**Контроль используемых параметров**

*uz* – фойдаланиладиган параметрларни назорат қилиш

*en* – usage parameter control (UPC)

Механизм для защиты ресурсов сети от умышленного или от неумышленного повреждения с помощью таких характеристик как размер разрыва и скорость. Предотвращает возникновение перегрузок, не пропуская избыточный трафик в сеть, когда все ресурсы сети уже используются. UPC изменяет бит ячеек CLP, который позволяет сбрасывать избыточный трафик.

Тармоқ ресурсларини узилиш ўлчами ва тезлик каби характеристикалар ёрдамида қасддан бўладиган ёки атайлаб қилинмайдиган шикастланишлардан сақлаш механизми. Тармоқнинг барча ресурсларидан фойдаланилаётганда, ортиқча трафикни тармоққа ўтказмаган ҳолда, ўта юкланиш пайдо бўлишининг олдини олади. UPC ортиқча трафикни чиқариб ташлаш имконини берувчи CLP ячейкалари битларини ўзгартиради.

**Концентратор**

*uz* – концентратор

*en* – concentrator

Коммутационное устройство, в котором количество входящих линий всегда больше исходящих. Вследствие этого возможны ситуации, когда концентратор становится перегруженным и «теряет» данные. В волоконно-оптических сетях концентратор является активным устройством, к которому может быть подключено несколько рабочих станций или других концентраторов.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кирувчи линиялар сони чиқувчи линиялар сонидан ҳар доим кўп бўладиган коммутатор қурилма. Бунинг натижасида концентратор ортиқча нагрузка остида қолиб, маълумотларни «йўқотадиган» вазият юзага келиши мумкин. Оптик-толали тармоқларда концентратор бир нечта ишчи станция ёки бошқа концентраторлар уланадиган актив қурилма ҳисобланади.

**Концентратор**
*uz* – концентратор
*en* – hub

1. Активное или пассивное устройство, к которому может быть подключено большое число абонентских линий, станций или других концентраторов. Число выходов у такого устройства обычно существенно меньше, чем входов (источников информации). В зависимости от области применения функции концентратора могут отличаться от функций традиционного концентратора каналов. Так, в сетях локальной связи он выполняет функции многопортового повторителя. 2. Центральная станция. Коммутационное ядро сети, предназначенное для организации радиальных связей, например, в сетях с топологией типа «звезда». 3. Центральный кросс (в структурированных кабельных системах).

1. Кўплаб абонент линиялари, станциялари ёки бошқа концентраторлар уланадиган актив ёки пассив қурилма. Бундай қурилманинг чиқиш учлари кириш учлари (ахборот манбалари) га қараганда анча кам. Қўллаш соҳасига боғлиқ равишда концентратор функциялари анъанавий каналлар концентратори функцияларидан фарқ қилиши мумкин. Жумладан, локал алоқа тармоқларида у кўп портли такрорлагич функциясини бажаради. 2. Марказий станция. Тармоқнинг «юлдуз» топологияли тармоқларида радиал боғланишларни ташкил қилиш учун мўлжалланган коммутацион ядроси. 3. Марказий кросс (структураланган кабелли тизимларда).

**Коробка муфты**
*uz* – муфта қутиси
*en* – splice box

Коробка, расположенная на участке трассы и предназначенная для размещения кабельной муфты.

Трасса участкасида жойлашган ва кабель муфтасини жойлаштириш учун мўлжалланган қути.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Корпус соединителя**
*uz* – улагич корпуси
*en* – backshell

Наружная часть электрического соединителя, к которой подключается экранирующая оплетка кабеля.

Электр улагичнинг кабелнинг экранловчи ўрами уланадиган ташқи қисми.

**Корректор; корректирующее устройство**
*uz* – корректор; тузатувчи қурилма
*en* – corrector

Устройство, предназначенное для устранения систематических (неслучайных) ошибок, возникающих в канале связи или при обработке информации. Принцип действия канальных корректоров основан на согласовании характеристик сигнала с передаточной функцией канала связи.

Алоқа каналида ёки ахборотни қайта ишлашда вужудга келадиган мунтазам (тасодифий бўлмаган) хатоларни бартараф этиш учун мўлжалланган қурилма. Канал корректорларининг ишлаш принципи сигнал характеристикаларини алоқа каналининг узатиш функцияси билан мослаштиришга асосланган.

**Коэффициент**
*uz* – коэффициент
*en* – coefficient

Множитель, учитывающий количественное изменение какой-либо характеристики объекта.

Объект қандайдир характеристикасининг миқдор ўзгаришини ҳисобга олувчи кўпайтиргич.

**Коэффициент ошибок**
*uz* – хатолар коэффициенти
*en* – error coefficient

Отношение количества цифровых ошибок за определенный промежуток времени к общему количеству символов, принятых в течение того же промежутка времени.

Маълум вақт оралиғидаги рақамли хатолар миқдорининг, шу вақт оралиғида қабул қилинган белгиларнинг умумий миқдорига нисбати.

**Коэффициент ошибок по блокам с фоновыми ошибками**
*uz* – фон хатоликлари бўлган блоклар бўйича хатолар коэффициенти
*en* – backgroud blosk error ratio (BBER)

Отношение числа блоков с ошибками к общему числу блоков в течение фиксированного интервала измерения, исключая все блоки в течение сильно пораженных секунд и недоступного времени.

Ўлчовларнинг белгиланган оралиғи мобайнида хатолар бўлган блоклар сонининг, блокларнинг умумий сонига нисбати, кира олиш мумкин бўлмаган вақт ва кучли зарарланган секундлар мобайнидаги барча блоклардан ташқари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Коэффициент ошибок по секундам с ошибками**

*uz* – хатоли секунд бўйича хатолар коэффициенти

*en* – errored second ratio (ESR)

Отношение числа секунд с ошибками к общему числу секунд в доступном времени в течение фиксированного интервала измерения.

Хатоли секундлар сонининг, ўлчовларнинг белгиланган оралиғи мобайнида кира олиш мумкин бўлган вақтдаги, умумий секундлар сонига нисбати.

**Коэффициент сжатия**

*uz* – сиқиш коэффициенти

*en* – amount of compression

Показатель, характеризующий эффективность алгоритма сжатия информации.

Ахборотни сиқиш алгоритми эффективлигини тавсифловчи кўрсаткич.

**Коэффициент стоячей волны по напряжению**

*uz* – кучланиш бўйича турғун тўлқин коэффициенти

*en* – voltage standing wave ratio (VSWR)

Один из основных показателей, характеризующий распределение поля в линии передачи (в волноводе и др.), равен отношению максимального и минимального значений напряженности электрического поля. Коэффициент всегда больше единицы и чем ближе он к ней, тем меньше амплитуда отраженной волны.

Майдоннинг узатиш линиясида (тўлқин ўтказгичда ва б.) тақсимланишини тавсифловчи, электр майдон кучланганлиги максимал ва минимал қийматлари нисбатига тенг бўлган асосий кўрсаткичлардан бири. Коэффициент ҳар доим бирдан катта бўлиб, унга яқинлашган сари, қайтган тўлқин амплитудаси шунча кичик бўлади.

**Коэффициент широкополосности**

*uz* – кенг полосалилик коэффициенти

*en* – bandwidth-distance factor (BDF)

Параметр, характеризующий частотные свойства волоконно-оптического кабеля с учетом его длины. Типовое значение BDF у многомодовых волокон изменяется в пределах от 200 до 800 MHz·km. Одномодовые волокна более широкополосны по сравнению с многомодовыми; значение BDF может достигать 50-100 GHz·km.

Оптик-толали кабелнинг частота хоссаларини, унинг узунлигини ҳисобга олган ҳолда, тавсифлайдиган параметр. Кўп модали толаларда BDF нинг намунавий қиймати 200 дан 800 MHz·km гача ўзгаради. Бир модали тола-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар кўп модали толаларга нисбатан бирмунча кенгроқга эга бўлиб, полоса BDF қиймати уларда 50-100 GHz·km га етиши мумкин.

**Коэффициент шума; шум-фактор**

*uz* – шовқин коэффициенти; шовқин фактори

*en* – noise factor, noise figure (NF)

Коэффициент, показывающий во сколько раз мощность собственного шума приемника превышает мощность шумов на выходе эквивалентного нешумящего приемника при стандартной шумовой температуре 20° С. Коэффициент шума определяется по формуле $NF=(T_{эф}+290)/290$ и обычно выражается в dB, где $T_{эф}$ – эффективная шумовая температура.

Қабул қилгич шовқинининг қуввати стандарт 20° С шовқин температурасида эквивалент шовқинсиз қабул қилгич чиқишидаги шовқин қувватидан неча марта ортиқлигини кўрсатувчи коэффициент. Шовқин коэффициенти $NF=(T_{эф}+290)/290$ формула орқали аниқланади, у одатда децибел (dB) ларда ифодаланади. Формуладаги $T_{эф}$ – эффектив шовқин температураси.

**Крайне низкая частота**

*uz* – ниҳоятда паст частота

*en* – extremely low frequency (ELF)

Область частот, лежащих ниже 300 Hz. Указанным частотам соответствуют мегаметровые волны с длиной волны более 1000 km. Основными источниками помех в этом диапазоне являются линии электропередачи, генерирующие электромагнитные волны на частоте 50 Hz и ее гармониках.

300 Hz дан қуйида ётувчи частоталар соҳаси. Тўлқин узунлиги 1000 km дан ортиқ бўлган мегаметрли тўлқинлар мос келади. Бу диапазонда 50 Hz частота ва унинг гармоникларида электромагнит тўлқинларни генерациялайдиган электр узатиш линиялари халақитларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

**Критическая длина волны**

*uz* – тўлқиннинг критик узунлиги

*en* – critical wavelength

Наибольшая длина волны в свободном пространстве, выше которой распространение данного типа волн в волноводе невозможно.

Тўлқиннинг эркин фазодаги энг катта узунлиги, берилган турдаги тўлқинларнинг тўлқин ўтказгичда ундан юқори тарқалиши мумкин бўлмай қолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кросс
*uz* – кросс
*en* – cross-connect

Коммутационное устройство простейшего типа, позволяющее осуществить соединение с помощью коммутационных шнуров или перемычек.

Боғланиш коммутацион шнурлар ёки туташтиргичлар ёрдамида амалга ошириладиган, оддий турдаги коммутацион қурилма.

**Кроссирование; кроссовая коммутация**
*uz* – кросслаш; кросс коммутация
*en* – cross-connection

Временное соединение, устанавливаемое между двумя оконечными устройствами сети. Обычно обеспечивается с помощью коммутационных шнуров.

Тармоқнинг иккита охирги қурилмаси ўртасида ўрнатиладиган вақтинчалик боғланиш, одатда, коммутацион шнурлар ёрдамида таъминланади.

**Кроссировочный проводник**
*uz* – кроссловчи ўтказгич
*en* – cross-wire

Проводник, используемый в качестве перемычки или для кроссировки соединений внутри коммутационного шкафа или стойки. В отличие от кабеля кроссировочный проводник не имеет внешней изолирующей оболочки, а поэтому не пригоден для прокладки соединений между стойками или коммутационными шкафами.

Коммутацион шкаф ёки устун ичида туташтиргич ёки уланишларни кросслаш учун фойдаланиладиган ўтказгич. Кабелдан фарқли равишда, кроссловчи ўтказгичнинг ташқи изоляцияловчи қобиғи бўлмаганлиги учун, устунлар ёки коммутацион шкафлар ўртасида уланишларни ўтказишда ундан фойдаланиб бўлмайди.

**Кросс-модуляция**
*uz* – кросс-модуляция
*en* – cross-modulation

Интермодуляционные искажения, возникающие в результате модуляции другим мешающим сигналом или помехой несущей частоты, с помощью которой передается полезный сигнал.

Бошқа халақит берувчи сигнал билан модуляциялаш ёки фойдали сигнал узатиладиган элтувчи частота халақити натижасида пайдо бўладиган интермодуляцион бузилишлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Лазерный диод**

*uz* – лазер диод

*en* – laser diode (LD)

Когерентный полупроводниковый источник света, обладающий значительно более узкой шириной спектра излучения по сравнению со светодиодом. Лазерные диоды обладают высоким быстродействием (до 10 GHz), однако менее долговечны и более сложны в управлении по сравнению со светодиодом. Типовое значение мощности излучения у лазерных передатчиков 0,2-1 mW, что на порядок меньше, чем у светодиодных излучателей.

Ёруғлик диодига қараганда бирмунча торроқ нурланиш спектр кенглигига эга, когерент ярим ўтказгичли ёруғлик манбаи. Лазер диодлар юқори даража (10 GHz гача) да тез ишлайди, бироқ, кам чидамли ва уларни ёруғлик диодига нисбатан бошқариш мураккаброқ. Лазер узаткичлар нурланиш қувватининг намунавий қиймати 0,2-1 mW.

**Левая круговая поляризация**

*uz* – чап доиравий қутбланиш

*en* – anticlockwise polarization

Круговая поляризация электромагнитной волны, которая характеризуется тем, что вектор электрического поля вращается против часовой стрелки с точки зрения наблюдателя, смотрящего в направлении распространения.

Электромагнит тўлқиннинг доиравий қутбланиши. Электр майдон вектори тарқалиш йўналишида қарайдиган кузатувчи назарида соат йўналишига қарши айланишда ифодаланади.

**Левополяризованная волна**

*uz* – чап қутбланган тўлқин

*en* – counterclockwise-polarized wave

Волна с левой круговой поляризацией. Электромагнитная волна, в которой вектор электрического поля направлен влево, т.е. его вращение происходит против движения часовой стрелки по отношению к вектору распространения поля.

Доиравий чап қутбланган тўлқин. Электр майдон вектори чапга, яъни майдон тарқалиш векторига нисбатан соат милига тескари йўналган электромагнит тўлқин.

**Линейное предсказание**

*uz* – чизиқли тахминлаш

Метод предсказания, применяемый при декодировании речевого сигнала, при котором прогнозируемая величина речевого сигнала



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – linear prediction

в момент опроса определяется как линейно взвешенная сумма предшествующих выборок.

Товуш сигналини декодлашда қўлланиладиган тахминлаш методи. Бунда товуш сигналининг сўров пайтида тахмин қилинаётган катталиги олдин танланган катталикларнинг чизиқли ўлчанган йиғиндиси сифатида аниқланади.

**Линейное сложение**

*uz* – чизиқли қўшиш

*en* – equal gain combining

Метод разнесенного приема, при котором сигналы разных каналов, имеющие равные весовые коэффициенты, складываются после выравнивания по уровню.

Тарқоқ (ёйилган) қабул қилиш методи. Бунда бир хил вазн (оғирлик) коэффициентига эга бўлган каналларнинг сигналлари даража бўйича тенглаштирилгач, қўшилади.

**Линейный код**

*uz* – линия коди

*en* – line code

Класс кодов, (обычно блочных), обеспечивающих логическое преобразование исходного потока битов в форму, удобную для передачи по волоконно-оптическим и кабельным линиям связи. Основной смысл такого кодирования состоит в замене длинных последовательностей, состоящих из одних нулей, на другие последовательности, содержащие символы 1 и 0. Данная операция позволяет улучшить сихронизирующие свойства сигналов.

Дастлабки битлар оқимининг оптик-толали ва кабелли алоқа линиялари орқали узатиш учун қулай шаклга мантиқий ўзгартирилишини таъминловчи кодлар (одатда, блокли) классини. Бундай кодлашнинг асосий мазмуни фақат ноллардан иборат кетма-кетликларни 1 ҳамда 0 символларини ичига оладиган кетма-кетликка алмаштиришдан иборат. Ушбу операция сигналларнинг синхронлаш хоссаларини яхшилаш имконини беради.

**Линия**

*uz* – линия

*en* – link

1. Волоконно-оптический кабель, подсоединенный с помощью коннекторов к передатчику (источнику) и приемнику (детектору). 2. Комбинация телекоммуникационных средств между двумя точками, за исключением терминального оборудования. 3. Канал передачи, соединяющий две любые точки.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Коннекторлар ёрдамида узатгичга (манбага) ва қабул қилгичга (детекторга) уланган оптик-толали кабель. 2. Икки нуқта ўртасидаги, терминал ускунадан ташқари, телекоммуникация воситаларининг йиғиндиси. 3. Ҳар қандай икки нуқтани боғловчи узатиш канали.

**Линия «вверх»**

*uz* – линия «юқорига»

*en* – uplink

Линия связи в направлении от мобильной станции к базовой. В спутниковой связи аналогичная линия организуется от мобильной станции к спутниковому ретранслятору и называется линией «Земля-спутник».

Мобил станциядан таянч станциягача бўлган йўналишдаги алоқа линияси. Йўлдошли алоқада бундай линия мобил станциядан йўлдошли ретрансляторига томон ташкил қилинади ва «Ер-йўлдош» линияси деб аталади.

**Линия «вниз»**

*uz* – линия «пастга»

*en* – downlink

Линия связи в направлении от базовой станции к мобильной. В спутниковой связи аналогичная линия организуется от спутникового ретранслятора к наземной станции и называется линией «спутник-Земля».

Таянч станциядан мобил станция томон йўналишдаги алоқа линияси. Йўлдошли алоқада бундай линия йўлдош ретрансляторидан ердаги станция томон ташкил қилинади ва у «йўлдош-Ер» линияси дейилади.

**Линия волоконно-оптической связи между повторителями**

*uz* – такрорлагичлар ўртасидаги оптик-толали алоқа линияси

*en* – fiber-optic inter repeater link (FOIRL)

Протокол физического уровня, определяющий вариант построения сети Ethernet на волоконно-оптическом кабеле. Предназначен для связи портов повторителей и станций с AUI-портами.

Ethernet тармоғини оптик-толали кабель асосида қуришни белгиловчи физик сатҳ протоколи. Такрорлагичлар портларининг AUI портлари бўлган станциялар билан алоқаси учун мўлжалланган.

**Линия задержки**

*uz* – сигналлар ушлаб туриладиган линия

*en* – delay line

Устройство, обычно представляющее собой пассивный четырехполюсник с отводами, который предназначен для задержки сигналов на определенное время.

Тармоқлагичлари бўлган пассив тўрт қутбла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гични ўзида ифодаловчи, сигналларни маълум бир вақтга ушлаб туриш учун мўлжалланган қурилма.

**Линия коллективного пользования**

*uz* – жамоа бўлиб фойдаланиш линияси

*en* – party line

Линия многосторонней связи, в которой все абоненты имеют одинаковый номер, а индивидуальное различие происходит по другим признакам, например, по параметрам вызывного сигнала.

Кўп томонлама алоқа линияси. Бу линиядаги барча абонентлар бир хил рақамга эга бўладилар, индивидуал фарқлаш бошқа белгиларга, масалан, чақирув сигнали параметрларига қараб юз беради.

**Линия передачи**

*uz* – узатиш линияси

*en* – transmission line

Совокупность линейных трактов систем передачи и/или типовых физических цепей, имеющих общие линейные сооружения, устройства их обслуживания и одну и ту же среду распространения в пределах действия устройств обслуживания.

*Примечания – 1. Линии передачи присваивают названия в зависимости:*

*– от первичной сети, к которой она принадлежит: магистральная, внутризоновая, местная;*

*– от среды распространения, например, кабельная, радиорелейная, спутниковая.*

*2. Линии передачи, представляющей собой последовательное соединение разных по среде распространения линий передачи, присваивают название комбинированной.*

Умумий линия иншоотлари, уларга хизмат кўрсатиш қурилмалари ва хизмат кўрсатиш қурилмаларининг ишлаш доирасида ягона тарқалиш муҳитига эга бўлган узатиш тизимларининг линия трактлари ва/ёки намунавий физик занжирлар йиғиндиси.

*Изоҳлар – 1. Узатиш линиялари қандай бирламчи тармоққа тегишлилигига қараб, магистраль, зонаичи, маҳаллий, тарқалиш муҳитига қараб эса кабелли, радиорелели, йўлдошли узатиш линиялари деб номланади.*

*2. Турли тарқалиш муҳитига эга бўлган узатиш линияларининг кетма-кет уланишидан ташкил бўлган узатиш линияси комбинацияланган узатиш линияси деб аталади.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Линия передачи соединительная**

*uz* – боғловчи узатиш линияси

*en* – junction transmission line

Линия передачи, соединяющая между собой сетевую станцию и сетевой узел или две сетевые станции между собой.

*Примечание: – Соединительной линии присваивают названия в зависимости от первичной сети, к которой она принадлежит, магистральная, внутризоновая, местная.*

Тармоқ станцияси ва узелини ёки иккита тармоқ станциясини ўзаро боғловчи узатиш линияси.

*Изоҳ: – Боғловчи линия бирламчи тармоқнинг қайси бирига тегишлилигига қараб, магистраль, зонаичи ва маҳаллий деб аталади.*

**Линия передачи абонентская**

*uz* – абонент узатиш линияси

*en* – subscriber line

Линия передачи, соединяющая между собой сетевую станцию или сетевой узел и оконечное устройство.

Тармоқ станцияси ёки узели ҳамда охирги қурилмани ўзаро улайдиган узатиш линияси.

**Линия привязки**

*uz* – боғлаш линияси

*en* – spur line

Короткая «однопролетная» линия для подключения абонентов к магистральной линии.

Абонентларни магистраль линияга улаш учун мўлжалланган қисқа, «бир оралиқли» линия.

**Линия протяжки**

*uz* – тортиш линияси

*en* – drag line

Протяжечный шнур, корд или провод.

Тортиш шнури, корд ёки сим.

**Линия телефонной сети заказно-соединительная**

*uz* – телефон тармоғининг буюртмали-боғловчи линияси

*en* – telephone network trunk-record junction circuit

Линия телефонной сети для связи местной телефонной станции с междугородной телефонной станцией непосредственно или через телефонный узел заказно-соединительных линий, предназначенная для заказа и ведения междугородных разговоров.

Маҳаллий телефон станцияси билан шаҳарлараро телефон станцияси ўртасида бевосита ёки буюртмали-боғловчи линияларининг телефон узели орқали алоқа боғлайдиган, шаҳарлараро сўзлашувларга буюртма олиш ва сўзлашиш учун мўлжалланган телефон тармоғи линияси.

**Линия телефонной сети междугородная соединительная**

Линия телефонной сети для связи междугородной телефонной станции с местной телефонной станцией непосредственно или через



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – телефон тармоғининг шаҳарлараро боғловчи линияси

*en* – telephone network trunk connecting line

телефонный узел входящего междугородного сообщения.

Шаҳарлараро телефон станцияси билан телефон станцияси ўртасида бевосита ёки кирувчи шаҳарлараро хабарнинг телефон узели орқали алоқа ўрнатиш учун ишлатиладиган телефон тармоғи линияси.

**Логический анализатор**

*uz* – мантиқий анализатор

*en* – logic analyzer

Устройство для записи и анализа логических состояний цифровых устройств. Применяется при диагностике и отладке микропроцессорных систем, каналов и протоколов связи.

Рақамли қурилмаларнинг мантиқий ҳолатларини ёзиш ва таҳлил қилиш қурилмаси. Микропроцессорли тизимларни, алоқа каналлари ҳамда протоколларини диагностика қилиш ва созлашда қўлланилади.

**Локализатор**

*uz* – локализатор

*en* – localizer

Аппаратное или программное средство, обеспечивающее обнаружение места неисправности или повреждения, или выявляющее ошибки в принимаемой последовательности символов.

Носозлик ёки шикастланиш ерини топишни таъминлайдиган ёхуд қабул қилинадиган символлар кетма-кетлигидаги хатоларни аниқлайдиган аппарат ёки дастурий восита.

**Локальная сеть**

*uz* – локал тармоқ

*en* – local area network (LAN)

Сеть передачи данных, охватывающая небольшую территорию (здание, предприятие) и использующая относительно короткие (не более 500 m) линии связи между объектами. Локальная сеть позволяет объединить между собой рабочие места пользователей и периферийные устройства в единую среду, работающую под управлением единой сетевой операционной системы. Короткие расстояния позволяют достичь высокоскоростной передачи данных (до 100 Mbit/s) и обеспечить предоставление широкого набора услуг в режиме реального времени.

Унча катта бўлмаган ҳудуд (бино, корхона) ни қамраб олувчи ва объектлар ўртасида нисбатан қисқа (500 m дан кўп эмас) алоқа линияларидан фойдаланувчи маълумотлар узатиш тармоғи. Локал тармоқ фойдаланувчилар иш



www.ziyouz.com kutubxonasi

жойлари ва оралиқ қурилмаларни ягона тармоқ операцион тизим бошқарувида ишловчи ягона маконга бирлаштиради. Масофанинг қисқалиги маълумотларни юқори тезликда (100 Mbit/s гача) узатилишига эришиш ҳамда реал вақт режимида хизматларнинг кенг тўплами тақдим этилишини таъминлаш имконини беради.

**Локатор**
*uz* – локатор
*en* – locator

Устройство определения мест повреждения в кабельной сети.

Кабелли тармоқдаги шикастланган жойни аниқлайдиган қурилма.

**Лоток муфты**
*uz* – муфта нови
*en* – splice tray

Контейнер, используемый для упорядочения и защиты сращенных волокон.

Ёйилиб кетган толаларни тартибга солиш ва ҳимоялаш учун фойдаланиладиган контейнер.

## М

**Магистраль**
*uz* – магистраль
*en* – backbone

Элементы структурированной кабельной системы (трассы, кабели или проводники), проходящие между телекоммуникационными шкафами или этажными распределительными терминалами, устройствами городского ввода и аппаратными в пределах здания или между зданиями.

Бино доирасида ёки бинолар орасида, телекоммуникация шкафлари ёки қаватларда жойлашган тақсимлаш терминаллари, шаҳар киргич (кириш йўли) қурилмалари билан аппаратхоналар орасидан ўтувчи, структураланган кабель тизими элементлари (трассалар, кабеллар ёки симлар).

**Магистраль; магистральная линия**
*uz* – магистраль; магистраль линия
*en* – backbone

1. Высокоскоростная линия связи, соединяющая между собой два пункта и характеризуемая интенсивным трафиком и высокими показателями качества обслуживания. 2. Группа узлов и станций, объединенных в сеть с помощью общей высокоскоростной линии связи.

1. Иккита тармоқни ўзаро боғловчи, интенсив трафикли ва хизмат кўрсатиш сифати юқори



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган, юқори тезликли алоқа линияси. 2. Умумий юқори тезликли алоқа линияси ёрдамида тармоққа бирлаштирилган узеллар ва станциялар гуруҳи.

**Магистральная кабельная система**
*uz* – магистраль кабель тизими
*en* – backbone cabling

1. Кабельная система, проходящая между городским вводом, аппаратной, телекоммуникационными шкафами, а также между зданиями. 2. Кабель и коммутационное оборудование, составляющие главный и промежуточный кроссы, а также сегменты кабеля, проходящие между телекоммуникационными шкафами, аппаратными и городским вводом.

1. Шаҳар киргичи (кириш йўли), аппаратхона, телекоммуникация шкафлари, шунингдек, бинолар орасидан ўтувчи кабель тизими. 2. Асосий ва оралиқ кроссларни ташкил этувчи кабель ҳамда коммутация ускунаси, шунингдек, телекоммуникация шкафлари, аппаратхона ва шаҳар киргичи (кириш йўли) орасидан ўтувчи кабель сегментлари.

**Магистральная связь**
*uz* – магистраль алоқа
*en* – ong-haul communication

Связь с использованием линий большой протяженности и пропускной способности (междугородных, национальных, международных и глобальных).

Катта узунликка ҳамда ўтказиш қобилиятига эга линиялардан (шаҳарлараро, миллий, халқаро ва глобал) фойдаланиладиган алоқа.

**Магистральная сеть**
*uz* – магистраль тармоқ
*en* – backbone network

Совокупность сегментов сети, узлов и отдельных станций, которые подключаются к общей высокоскоростной линии связи через мосты, маршрутизаторы и концентраторы каналов.

Умумий юқори тезликли алоқа линияларига кўприклар, маршрутизаторлар ва канал концентраторлари орқали боғланадиган тармоқ сегментлари, узеллари ҳамда алоҳида станциялар жами.

**Магистральная система**
*uz* – магистраль тизим
*en* – backbone system

Магистральная система, включающая в себя трассы, помещения, магистральную среду и точки терминирования.

Трассалар, хоналар, магистраль муҳит ҳамда



www.ziyouz.com kutubxonasi

уланиш нуқталарини ўз ичига олувчи магистраль тизим.

**Магистральный канал**
*uz* – магистраль канал
*en* – backbone raceway

Отрезок трассы, содержащий кабели, соединяющие точку входа в здание и все точки кросс-соединений внутри зданий и между ними.

Бинога кириш нуқтасини ҳамда бинолар ичидаги ва улар ўртасидаги барча кросс боғланишлар нуқталарини бирлаштирувчи кабелларни ичига олган трасса бўлаги.

**Магистральный усилитель**
*uz* – магистраль кучайтиргич
*en* – trunk amplifier

Усилитель, компенсирующий ослабление сигнала при распространении в магистральной кабельной линии.

Магистраль кабелли линияда тарқалишда, сигнал сусайишининг ўрнини тўлдирадиган кучайтиргич.

**Магнитооптический коммутационный прибор**
*uz* – магнитооптик коммутацион асбоб
*en* – magneto-optic switch apparatus

Оптический коммутационный прибор, в котором оптическая коммутация осуществляется за счет магнитооптического эффекта в его элементах.

Оптик коммутация элементларида кузатиладиган магнитооптик эффект ҳисобига амалга ошириладиган оптик коммутацион асбоб.

**Макро изгиб**
*uz* – макро эгилиш
*en* – macro bending

Макроскопические осевые отклонения волокна от прямой линии.

Толанинг тўғри чизиқдан макроскопик, ўқ йўналишидаги оғишлари.

**Малошумящий усилитель**
*uz* – кам шовқинли кучайтиргич
*en* – low-noise amplifier (LNA)

Устройство с малым коэффициентом усиления, которое увеличивает уровень входного сигнала до такого значения, при котором дополнительные шумы, вносимые последующими каскадами приемника, достаточно малы. С целью снижения потерь в антенно-фидерном тракте малошумящий усилитель обычно конструктивно совмещен с антенной.

Кичик кучайтириш коэффициентига эга қурилма, у кириш сигнали даражасини қабул қилгич каскадлари киритадиган қўшимча шовқин етарлича кам бўладиган қийматгача



www.ziyouz.com kutubxonasi

оширади. Антенна-фидер трактидаги йўқотишларни камайтириш мақсадида кам шовқинли кучайтиргич конструктив жиҳатдан антенна билан бирлаштирилади.

**Манжета**
*uz* – манжета
*en* – ferrule

Механическое приспособление, обычно жесткая трубка, используемое для ограничения и позиционирования зачищенного конца волокна.

Толанинг тозаланган учини чеклаш ва позициялаш учун фойдаланиладиган механик мослама, одатда қаттиқ трубка.

**Материальная дисперсия**
*uz* – моддий дисперсия
*en* – material dispersion

Вид хроматической дисперсии, которая определяется свойствами материала оптического волокна или волновода и характеризуется зависимостью показателя преломления от длины волны.

Хроматик дисперсиянинг бир тури. Оптик тола ёки тўлқин ўтказгич материали хоссалари билан белгиланади ва синдириш кўрсаткичининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги орқали тавсифланади.

**Матрица передачи оптического разветвителя**
*uz* – оптик тармоқлагичнинг узатиш матрицаси
*en* – matrix of the issue optical

Матрица, номера строк которой соответствуют номерам входных оптических полюсов, номера столбцов соответствуют номерам выходных полюсов оптического разветвителя, а элементы матрицы предоставляют собой коэффициенты передачи между соответствующими входным и выходным оптическими полюсами при заданном его подключении.

Сатр рақамлари кириш оптик қутблари рақамларига, устун рақамлари оптик тармоқлагичнинг чиқиш қутблари рақамларига мос келадиган, матрица элементлари эса, берилган уланишда тегишли кириш ва чиқиш оптик қутблари ўртасида узатиш коэффициентларини ўзида ифодалайдиган матрица.

**Междугородная линия связи**
*uz* – шаҳарлараро алоқа линияси
*en* – long-distance line

Многоканальная линия связи с высокой пропускной способностью, соединяющая между собой АТС и центры коммутации каналов.

АТС ҳамда каналларни коммутациялаш марказларини ўзаро боғловчи кўп каналли, юқори ўтказиш қобилиятига эга алоқа линияси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**(Международная) система сигнализации R2**

*uz* – R2 (халқаро) сигнализация тизими

*en* – signaling system R2

Тармоқ қуриш концепцияси. Унга кўра, оптик-толали линиялар ҳар бир хонадонгача етказилади. Асосий узелни абонент билан боғлаш учун пассив оптик тақсимлаш қурилмаларидан фойдаланилади. Бу қурилмалар ёрдамида кўп симли магистраль кабелдан кам толали кабелга ўтиш таъминланади. Абонентни улаш учун икки симли оптик кабелдан фойдаланилади.

**Оптическое волокно до распределительного шкафа**

*uz* – тақсимлаш шкафигача ўтказилган оптик тола

*en* – fiber-to-the-curb (FTTC)

Концепция построения сети, при которой АТС соединяется с концентратором с помощью магистральной волоконно-оптической линии связи. В концентраторе оптический сигнал распределяется по волоконно-оптическим каналам с оконечными оптическими преобразователями, расположенными у абонента, где оптические сигналы преобразуются в электрические, передаваемые через витые пары.

Тармоқ қуриш концепцияси. Унга кўра, АТС магистраль оптик-толали алоқа линияси ёрдамида концентратор билан боғланади. Концентраторда оптик сигнал оптик сигналлар ўралган жуфт орқали узатиладиган, электр сигналларга айлантириладиган, абонентда жойлашган, охирги оптик ўзгартиргичлари бўлган оптик-толали каналлар бўйича тақсимланади.

**Оптическое мультиплексирование с частотным разделением**

*uz* – частота бўйича ажратиш билан оптик

Метод уплотнения каналов, передаваемых на близко расположенных оптических несущих. Используя эту технологию, можно в одно волокно «упаковать» до ста и более каналов связи.

Яқин жойлашган оптик элтувчиларда узатила-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мультиплексорлаш

*en* – optical frequency division multiplexing (OFDM)

диган каналларни зичлаш методи. Бу технологиядан фойдаланиб, бир толага юзтагача ва ундан ортиқ алоқа каналини «жойлаштириш» мумкин.

**Оптическое распознавание символов**

*uz* – символларни оптик таниш

*en* – optical character recognition (OCR)

Процесс оптического сканирования текстовой информации с автоматическим преобразованием ее в цифровую форму, удобную для последующей идентификации символов по их графическому изображению. Применение специальных текстовых редакторов позволяет добиться высокой идентичности распознаваемого и исходного документов.

Символларни график тасвирига қараб идентификация қилиш учун қулай бўлган рақамли шаклга автоматик ўзгартирган ҳолда, матнли ахборотни оптик сканлаш жараёни. Махсус матн редакторларининг қўлланилиши таниб олинадиган ва дастлабки ҳужжатларнинг юқори идентиклигига эришиш имконини беради.

**Оптическое согласующее устройство оборудования ЦВОЛТ (цифрового волоконно-оптического линейного тракта)**

*uz* – рақамли оптик-толали линия трактлари (РОТЛТ) ускунасининг оптик мослаш қурилмаси

*en* – optical agreeing device of the equipment

Устройство, обеспечивающее оптическое согласование оборудования ЦВОЛТ в точке стыка с оптической цепью регенерационного участка, включающее в себя различные оптические функциональные устройства (соединители, фильтры, коллимирующие и фокусирующие элементы, пассивные ответвители, переключатели, корректоры).

Регенерация участкасининг оптик занжири билан туташиш нуқтасида РОТЛТ ускунасининг оптик мослашишини таъминлайдиган, ўз ичига турли оптик функционал қурилмалар (улагичлар, фильтрлар, коллимацияловчи ва фокусловчи элементлар, пассив тармоқлагичлар, қайта улагичлар, корректорлар) ни оладиган қурилма.

**(Оптическое) волокно**

*uz* – тола (оптик тола)

*en* – fiber

Волокно, предназначенное для передачи электромагнитного излучения на расстояния, значительно большие, чем при оптической связи через атмосферу. Все оптические волокна отличаются диаметром сердцевины и оболочки, а также профилем показателя преломления.

Электромагнит нурланишни атмосфера орқали бўладиган оптик алоқага нисбатан узоқроқ масофага узатиш учун мўлжалланган тола. Оптик



www.ziyouz.com kutubxonasi

толаларнинг барчаси ўзак ва қобиқ диаметри, шунингдек, синдириш кўрсаткичи профили билан фарқ қилади.

**Оптоэлектроника**
*uz* – оптоэлектроника
*en* – optoelectronics

Направление электроники, в основе которой лежит принцип преобразования электрических сигналов в оптические и наоборот, а также методы передачи, приема и обработки информации, переносимой с помощью оптических волн.

Электрониканинг, асосини электр сигналларни оптик сигналларга ва аксинча, айлантириш принципи, шунингдек, оптик тўлқинлар ёрдамида кўчириладиган ахборотни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш методлари ташкил этадиган йўналиши.

**Основная электрическая защита**
*uz* – асосий электр ҳимоя
*en* – basic electrical protection

Согласованное сочетание системы заземления и защитных устройств. См. «Первичная защита».

Ерга улаш тизими ва ҳимоя қурилмаларининг мослаштирилган бирикмаси. «Бирламчи ҳимоя» га қаранг.

**Основной (оптический) маршрут**
*uz* – асосий (оптик) йўналиш
*en* – main (optical) path

Путь оптического волокна между точкой оборудования передатчика MPI-S и точкой оборудования приемника MPI-R.

Оптик толанинг MPI-S узаткич ускунаси ҳамда MPI-R қабул қилгич ускунаси нуқталари ўртасидан ўтадиган йўли.

**Основной канал**
*uz* – асосий канал
*en* – fundamental channel

Тип канала в системе CDMA (стандарт IS-95 или SDMA 2000), который можно адаптировать для использования различными службами и передачи кадров разных размеров, соответствующих двум скоростным рядам: RS-1 (1500, 2700, 4800 и 9600 bit/s) или RS-2 (1800, 3600, 7200 и 14400 bit/s). Определение и выбор скорости приема для данного канала осуществляется в автоматическом режиме, по входному информационному потоку.

CDMA тизимидаги канал (IS-95 ёки SDMA 2000 стандарти). Бу канални турли хизматлар фойдаланиши ва RS-1 (1500, 2700, 4800 ва 9600 bit/s) ёки RS-2 (1800, 3600, 7200 ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

14400 bit/s) тезлик қаторига мос келувчи турли ўлчамдаги кадрларни узатиш учун мослаш мумкин. Ушбу канал учун қабул қилиш тезлигини белгилаш ва танлаш автоматик режимда, кирувчи ахборот оқими орқали амалга оширилади.

**Основной электрический цифровой вход оборудования ЦВОЛТ**

*uz* – РОТЛТ ускунасининг асосий электр рақамли кириши

*en* – main electric digital entering the equipment

Вход оборудования ЦВОЛТ, на который поступает групповой цифровой сигнал в коде стыка, подлежащий передаче по линейному тракту, обеспечивающий соединение выходного и входного оптических полюсов оборудования ЦВОЛТ противоположных станций системы передачи.

РОТЛТ ускунасининг, туташиш кодидаги линия тракти бўйлаб узатилиши лозим бўлган, узатиш тизимларининг қарама-қарши станциялари РОТЛТ ускунасининг оптик чиқиш ва оптик кириш қутбларининг уланишини таъминловчи гуруҳий рақамли сигнал келадиган кириши.

**Остронаправленный луч**

*uz* – кескин йўналтирилган нур

*en* – high-directivity beam

Луч «карандашного» типа, основная излучаемая энергия которого равномерно распределена в относительно узком телесном угле.

Асосий нурланувчи энергияси нисбатан тор фазовий бурчакда тенг тақсимланган, «қалам» туридаги нур.

**Ответвитель**

*uz* – тармоқлагич

*en* – coupler

Устройство для распределения высокочастотных сигналов в определенной (обычно неравной) пропорции. Элемент для соединения трех или более оптических проводников.

Юқори частотали сигналларни маълум бир (одатда, тенг бўлмаган) нисбатда тақсимлаш қурилмаси. Учта ёки ундан ортиқ оптик ўтказгични улаш учун мўлжалланган элемент.

**Ответвительный кабель**

*uz* – тармоқлагич кабель

*en* – drop cable

Кабель, соединяющий абонента с магистральной линией или сетью связи.

Абонентни магистраль линия ёки алоқа тармоғи билан боғловчи кабель.

**Отклонение центральной частоты**

*uz* – марказий частотанинг оғиши

Различие между номинальной центральной частотой, установленной в данном стандарте и фактической измеренной центральной частотой.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – central frequency deviation

Берилган (маълум бир) стандартда ўрнатилган номинал марказий частота ҳамда аниқ ўлчанган марказий частота орасидаги фарқ.

**Открывающий флаг**

*uz* – очувчи байроқ

*en* – opening flag

Фиксированная последовательность битов, которая служит признаком начала выделения кадра.

Битларнинг қайд қилинган кетма-кетлиги. Кадр ажралиши бошланишининг белгиси бўлиб хизмат қилади.

**Относительная мощность внеполосного излучения**

*uz* – полосадан ташқари нурланишнинг нисбий қуввати

*en* – fractional out-of-band power

Отношение уровня мощности внеполосного излучения к общей мощности передаваемого сигнала.

Полосадан ташқари нурланиш қуввати даражасининг узатиладиган сигналнинг умумий қувватига нисбати.

**Относительный уровень шума канала**

*uz* – канал шовқинининг нисбий даражаси

*en* – circuit noise level

Спектральная плотность мощности шума канала в заданном диапазоне частот. Обычно оценивается в децибелах, отсчитываемых относительно контрольного уровня шума (dBr).

Берилган частоталар диапазонидаги канал шовқини қувватининг спектрал зичлиги. Одатда, шовқиннинг назорат даражасига нисбатан ҳисобланадиган децибелларда (dBr) баҳоланади.

**Отношение затухания сигнала к ослаблению перекрестных помех**

*uz* – сигнал сўнишининг ҳар томонлама халақитлар сусайишига нисбати

*en* – attenuation-to-crosstalk ratio (ACR)

Параметр, определяющий уровень помех в кабельной четырехпроводной линии, в которой передача и прием осуществляются по разным парам проводов. В проводной связи термин ACR играет примерно такую же роль, как и отношение сигнал/шум (SNR) в радиосвязи, т.е. для надежной работы линии необходимо превышение уровня полезного сигнала над перекрестной помехой.

Узатиш ва қабул қилиш турли симлар жуфти орқали амалга ошириладиган тўрт симли кабель линияларида халақитлар даражасини белгиловчи параметр. Симли алоқада ACR атамаси радиоалоқада сигнал/шовқин нисбати (SNR) сингари роль ўйнайди, яъни линиянинг ишончли ишлаши учун фойдали сигнал даражасини ҳар томонлама халақитдан ошириш зарур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Отставание по фазе**
*uz* – фаза бўйича орқада қолиш
*en* – phase lag

Запаздывание по фазе выходного сигнала относительно входного воздействия или опорного колебания.

Чиқиш сигналининг фазаси бўйича кирувчи таъсирга ёки таянч тебранишга нисбатан кечикиш.

**Ошибка**
*uz* – хато
*en* – error

Недостоверный прием данных вследствие искажения полезного сигнала в канале связи.

Алоқа каналидаги фойдали сигналнинг бузилиши оқибатида, маълумотларнинг нотўғри қабул қилиниши.

**Ошибка квантования**
*uz* – квантлаш хатоси
*en* – quantization error

Ошибка, вызванная несоответствием формы выходного (квантованного) и входного (аналогового) сигналов. Зависит от величины шага квантования и частоты дискретизации.

Чиқиш (квантланган) ва кириш (аналог) сигналлари шаклининг мувофиқ келмаслиги келтириб чиқарадиган хато. Квантлаш қадами катталигига ва дискретлаш частотасига боғлиқ.

## П

**Пара**
*uz* – жуфт
*en* – pair

Витая пара или односторонняя схема в звездчатой четверке.

Юлдузсимон тўртликдаги ўралган жуфт ёки бир томонлама схема.

**Пара вход-выход**
*uz* – кириш-чиқиш жуфти
*en* – inlet-outlet pair

Соединение данной входной линии коммутатора с определенной выходной, устанавливаемое на время сеанса связи.

Коммутаторнинг берилган кириш линиясини муайян чиқиш линияси билан боғлаш. Алоқа сеанси вақтига ўрнатилади.

**Паразитный ток**
*uz* – паразит ток
*en* – sneak current

Протекающий по кабелю наведенный ток, способный вызвать повреждение оборудования линии связи из-за перегрева, и в то же время его уровень недостаточен для срабатывания системы защиты. Такой ток обычно возникает вслед-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ствие плохого заземления или неисправностей в кабельной системе (контакт линии с источниками питания, индуктивные наводки и т.п.).

Кабель бўйлаб ўтувчи, ўта қизиш туфайли алоқа линиясидаги ускунани шикастловчи, ҳосил қилинган ток. Унинг даражаси ҳимоя тизими ишлаб кетиши учун етарли эмас. Бундай ток, одатда, ерга улаш сифатсиз амалга оширилганда ёки кабель тизимидаги носозликлар (линиянинг таъминот манбалари билан туташиши, индуктив тўғрилаш ва ш.ў.) оқибатида вужудга келади.

**Параллельная шина**
*uz* – параллел шина
*en* – parallel bus

Соединительная линия, по которой возможна одновременная передача *n*-разрядных информационных сигналов, сигналов управления и адресов.

Бир вақтда *n* разрядли ахборот сигналлари, бошқарув сигналлари ва адреслар узатилиши мумкин бўлган боғловчи линия.

**Пассивное устройство**
*uz* – пассив қурилма
*en* – passive device

Компонент системы, не требующий снабжения активирующим питанием для своего функционирования.

Тизимнинг, ўзининг ишлаши учун, актив таъминот талаб қилмайдиган компоненти.

**Пассивный компонент**
*uz* – пассив компонент
*en* – passive component

Элемент схемы, для нормального функционирования которого не требуется источник питания.

Нормал ишлаши учун таъминот манбаи талаб этилмайдиган, схема элементи.

**Первичная защита**
*uz* – бирламчи ҳимоя
*en* – primary protector

Устройство, ограничивающее напряжение между телекоммуникационными проводниками и землей. Типичные протекторы ограничивают напряжение от 215 до 350 V постоянного тока.

Телекоммуникация симлари ва ер орасида кучланишни чекловчи қурилма. Намунавий протекторлар 215 дан 350 V гача бўлган ўзгармас ток кучланишини чегаралайди.

**Первичная петля**
*uz* – бирламчи ҳалқа
*en* – primary loop

Соединительная линия в двухкольцевой волоконно-оптической сети стандарта FDDI, предназначенная для передачи полезной информации в основном режиме.



www.ziyouz.com kutubxonasi

FDDI стандартининг икки ҳалқали оптик-толали тармоғидаги, фойдали ахборотни асосий режимда узатиш учун мўлжалланган боғловчи линия.

**Перевернутая пара**

*uz* – ўрни алмашинган жуфт

*en* – reversed pair

Неправильно смонтированная пара витых проводов, у которой прямой и обратный провод переставлены местами.

Тўғри ва тескари симлари ўрни алмашиниб қолган, нотўғри монтаж қилинган ўралган симлар жуфти.

**Перегрузка по наклону**

*uz* – қиялик бўйича ўта юкланиш

*en* – slope overload

Вид искажений в дельта-модуляции, когда напряжение аппроксимации не успевает отслеживать быстроизменяющийся входной сигнал.

Дельта модуляциядаги бузилишлар тури, бунда аппроксимация кучланиши тез ўзгарадиган кириш сигналини кузатиб боришга улгурмайди.

**Передатчик**

*uz* – узаткич

*en* – transmitter

Устройство, способное генерировать и преобразовывать информационный поток в модулированный сигнал, который может передаваться по радиоканалу или проводным линиям связи.

Ахборот оқимини генерациялайдиган ва радиоканал ёки симли алоқа линиялари орқали узатиладиган модуляцияланган сигналга айлантирувчи қурилма.

**Передатчик для волоконно-оптических линий связи**

*uz* – оптик-толали алоқа линиялари узаткичи

*en* – fiber-optic transmitter

Устройство, преобразующее напряжение электрического сигнала в оптическую энергию, которая с помощью светодиода или лазерного диода направляется в волоконно-оптический канал.

Электр сигнал кучланишини ёруғлик диоди ёки лазерли диод ёрдамида оптик-толали каналга йўналтирилган оптик энергияга айлантирувчи қурилма.

**Передача**

*uz* – узатиш

*en* – transmission

Процесс переноса информации по каналу связи от источника к приемнику.

Ахборотни, алоқа канали бўйлаб манбадан қабул қилгичга кўчириш жараёни.

**Передача сигнала**

*uz* – сигнал узатиш

*en* – signal transmission

Электромагнитный импульс, несущий информацию, непосредственную или закодированную.

Тўғридан-тўғри ёки кодланган ахборотни ташувчи электромагнит импульс.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Передающая среда**
*uz* – узатувчи муҳит
*en* – transmission media

1. Физический носитель электрической энергии или электромагнитного излучения. Различные типы проводников и волоконно-оптических кабелей, используемых для передачи сигналов приложений, передачи речи или данных. Обычно медные кабели – это витая пара, коаксиальный и твинаксиальный кабели. Волоконно-оптические кабели – одинарные, двойные, четверные, многожильные и ленточные. 2. Совокупность различных типов наземных средств радиосвязи, спутниковых, кабельных и волоконно-оптических линий, используемых для передачи информации.

1. Электр энергия ёки электромагнит нурланишнинг физик ташувчиси. Қўшимчалар сигналларини узатишда, товуш ёки маълумотлар узатишда фойдаланиладиган, ҳар хил турдаги симлар ёки оптик-толали кабеллар. Одатда, мис симлар – ўралган жуфт, коаксиаль ва твинаксиаль кабеллардир. Бир, икки, тўрт, кўп симли ва тасмали оптик-толали кабеллар. 2. Ахборотни узатиш учун фойдаланиладиган, турли хил ер усти радиоалоқа воситалари, йўлдошли, кабелли ва оптик-толали линиялар жами.

**Передающий оптоэлектронный модуль**
*uz* – узатувчи оптоэлектрон модуль
*en* – transmitting optoelectronic module

Изделие оптоэлектроники, предназначенное для преобразования электрических сигналов в оптические.

*Примечание – Типичный передающий оптоэлектронный модуль включает источник излучения ВОСП (излучатели полупроводниковых лазеров и излучающие диоды), электронные схемы (или их элементы) для преобразования входных электрических сигналов и стабилизации режимов работы, оптический соединитель или отрезок оптического кабеля, выполненные в едином конструктивном исполнении.*

Электр сигналларни оптик сигналларга айлантириш учун мўлжалланган оптоэлектроника маҳсулоти.

*Изоҳ – Намунавий узатувчи оптоэлектрон модуль конструктив жиҳатдан яхлит қилиб бажарилган ОТУТ нурланиш манбаини (яримўтказгичли лазерлар нурлаткичи, нурлантирувчи диодлар), кирувчи электр сигналларни ўзгартириш ҳамда иш режимла-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*рини стабиллаш электрон схемалари (ёки уларнинг элементлари) ни, оптик улагич ёки оптик кабель бўлагини ичига олади.*

**Переключение на основной тракт**

*uz* – асосий трактга қайта улаш

*en* – changeback

Восстановление исходной рабочей конфигурации устройства после устранения неисправностей.

Носозликлар бартараф этилгандан сўнг қурилма бошланғич ишчи конфигурациясининг тикланиши.

**Перекрестная модуляция**

*uz* – ҳар томонлама модуляция

*en* – cross-gain modulation

Паразитная модуляция, изменяющая коэффициент усиления устройства, работающего на одной длине волны.

Битта тўлқин узунлигида ишлайдиган қурилманинг кучайтириш коэффициентини ўзгартирувчи паразит модуляция.

**Перекрестная наводка**

*uz* – ҳар томонлама тўғрилаш

*en* – cross-coupling

Наводка, возникающая в результате наведения помехового сигнала от одной цепи или проводника на другие.

Халақит сигналини бир занжир ёки симдан бошқа бир занжир ёки симга йўллаш натижасида юзага келадиган тўғрилаш.

**Перекрестная связь**

*uz* – кесишувчи алоқа

*en* – cross-coupling

Паразитная связь, образующаяся между каналами, цепями или проводниками, в результате которой появляются различные мешающие сигналы.

Каналлар, занжирлар ёки ўтказгичлар ўртасида юзага келадиган паразит боғланиш (алоқа). Натижада турли халақит берувчи сигналлар пайдо бўлади.

**Перекрестные помехи**

*uz* – ҳар томонлама халақитлар

*en* – crosstalk

Взаимные помехи, возникающие обычно в многоканальных системах за счет того, что сигнал, передаваемый по одному каналу, появляется на выходе другого, но значительно ослабленный. Для проводных линий связи характерны два вида помех. В первом случае источник помех расположен на дальнем (передающем) конце линии связи FEXT, а во втором – на ближнем (приемном) NEXT. В системах с частотным разделением основными причинами возникновения перекрестных помех являются: недостаточная селективность канальных



www.ziyouz.com kutubxonasi

фильтров и комбинационные частоты, образующиеся в тракте, являющимся общим для всех каналов.

Кўп каналли тизимларда, бир канал орқали узатилган сигнал бошқа каналнинг чиқишида анчайин кучсизланган ҳолда пайдо бўлиши ҳисобига юзага келадиган ўзаро халақитлар. Симли алоқа линиялари учун узоқ учдаги ҳар томонлама халақит FEXT ҳамда линиянинг яқин учидаги халақит (NEXT) хос. Частотавий ажратилган тизимларда канал фильтрларининг етарлича селектив бўлмаслиги ҳамда барча каналлар учун умумий бўлган трактда ташкил қилинадиган комбинацион частоталар ҳар томонлама халақитлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидир.

**Перекрестные помехи допустимого уровня**

*uz* – йўл қўйиладиган даражадаги ҳар томонлама халақитлар

*en* – unnoticeable crosstalk

Вид взаимных помех от радиостанций, работающих в условиях неблагоприятной помеховой обстановки, например, при наличии взаимного влияния соседних сот, в которых используется один и тот же набор рабочих частот.

Ноқулай халақит берувчи вазиятда, масалан, айнан бир ишчи частоталардан фойдаланиладиган қўшни соталарнинг ўзаро таъсири мавжудлиги шароитида ишлайдиган радиостанциялар вужудга келтирадиган ўзаро халақитлар.

**Перекрестные помехи на ближнем конце линии**

*uz* – линия яқин учидаги ҳар томонлама халақитлар

*en* – near-end cross-talk (NEXT)

Взаимные помехи от каналов, направления передачи которых взаимно противоположны. Источниками таких помех являются передатчики, расположенные на ближнем, по отношению к приемнику, конце линии.

Узатиш йўналиши ўзаро қарама-қарши бўлган каналлар вужудга келтирадиган халақитлар. Қабул қилгичга нисбатан линиянинг яқин учида жойлашган узаткичлар бундай халақитларнинг манбаи ҳисобланади.

**Перекрестные помехи на дальнем конце линии**

*uz* – линия олис учидаги ҳар томонлама халақитлар

Взаимные помехи от каналов, передающих информацию в одном направлении. Источниками таких помех являются передатчики, расположенные на дальнем по отношению к приемнику концу линии.

Битта йўналишда ахборот узатадиган канал-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – far-end cross-talk (FEXT)

лар вужудга келтирадиган ўзаро халақитлар. Қабул қилгичга нисбатан линиянинг олис учида жойлашган узаткичлар шундай халақитларнинг манбаи ҳисобланади.

**Перекрещивающиеся пары**

*uz* – ўзаро кесишадиган жуфтлар

*en* – crossed pairs

Неправильно смонтированные две витые пары, которые подключены по перекрестной схеме к разным контактам соединителя.

Кесишувчи схема орқали улагичнинг турли контактларига уланган, нотўғри монтаж қилинган иккита ўралган жуфт.

**Перемычка**

*uz* – туташтиргич

*en* – jumper

1. Волоконно-оптический кабель, имеющий коннекторы на обоих концах. 2. Кабельная единица или кабельный элемент без коннекторов, используемый для полупостоянного соединения на кроссе. 3. Устройство на витых парах без коннекторов, используемое для соединения телекоммуникационных схем/линий на кроссе.

1. Ҳар икки учида коннекторлари бўлган оптиктолали кабель. 2. Кроссда яримдоимий уланишлар учун фойдаланиладиган, коннекторсиз кабель бирлиги ёки элементи. 3. Коннекторларсиз ўралган жуфтлар асосидаги, кроссда телекоммуникация схемалари/линияларини улаш учун фойдаланиладиган қурилма.

**Перенапряжение**

*uz* – ўта кучланиш

*en* – overvoltage

Возникновение избыточного напряжения, возникающего при сбросе нагрузки или кратковременном воздействии мощных помех. Одним из основных источников перенапряжения являются грозовые разряды в атмосфере, которые могут повредить интерфейсное оборудование, подключенное к кабельным линиям связи.

Нагрузкани ташлашда ёки кучли халақитларнинг қисқа муддатли таъсирида ортиқча кучланишнинг пайдо бўлиши. Ўта кучланишнинг асосий манбаларидан бири кабелли алоқа линияларига уланган интерфейсли ускунани шикастлаши мумкин бўлган атмосферадаги чақмоқ разрядлари ҳисобланади.

**Перестраиваемый аттенюатор**

Аттенюатор, уровни затухания в котором меняются в зависимости от внутренней настройки.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – қайта созланадиган аттенюатор
*en* – adjustable attenuator

Известен также как варьируемый аттенюатор.

Сўниш сатҳлари ички созлашга боғлиқ ҳолда ўзгарадиган аттенюатор. Шунингдек, вариацияланадиган аттенюатор сифатида ҳам маълум.

**Переход**
*uz* – ўтиш
*en* – transition

1. Смена состояния или режима работы, например, свободной линии в занятое состояние. 2. Элемент, который служит для соединения двух волноводов с различным поперечным сечением или сопряжения волноводной и коаксиальной линий передачи.

1. Ҳолат ёки иш режимининг алмашиниши, масалан, бўш линиянинг эгалланган ҳолатга алмашиниши. 2. Кўндаланг кесими турлича бўлган иккита тўлқин ўтказгични улаш ёки тўлқин ўтказгичли ва коаксиал узатиш линияларини бириктириш учун хизмат қиладиган элемент.

**Переходная точка**
*uz* – ўтиш нуқтаси
*en* – transition point

1. Место, в котором плоский подковровый кабель (модель каблирования открытого офиса) соединяется с обычными круглыми распределительными телекоммуникационными проводами или кабелями, идущими из терминала или шкафа. 2. Место в горизонтальной кабельной системе, где происходит изменение формы кабеля, например, плоский кабель соединяется с круглым кабелем или соединяются кабели с различным количеством элементов.

1. Ясси, пол остидан ўтадиган кабель терминал ёки шкафдан келадиган оддий думалоқ телекоммуникация симлари ёки кабеллари билан уланадиган жой (очиқ офисни кабеллаш модели). 2. Горизонтал кабель тизимидаги, кабелнинг шакли ўзгарадиган, масалан, ясси кабель думалоқ кабель билан ёки элементлар сони турлича бўлган кабеллар уланадиган жой.

**Переходная часть оптического соединителя**
*uz* – оптик улагичнинг ўтиш қисми
*en* – connecting part of optical connector

Часть оптического соединителя, предназначенная для соединения однотипных частей оптического соединителя.

Оптик улагичнинг бир турдаги қисмларини улаш учун мўлжалланган қисми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Переходное затухание**

*uz* – ўтишдаги сўниш

*en* – coupling loss

Потеря мощности, возникающая при передаче сигнала из одной цепи в другую. Потери обычно выражаются в единицах мощности.

Сигнални бир занжирдан бошқасига узатишда вужудга келадиган қувват йўқотишлари. Одатда, қувват бирлигида ифодаланади.

**Переходные боксы/системы**

*uz* – ўтиш бокслари/тизимлари

*en* – transition boxes/ systems

Удобное и безопасное место для соединения плоских подковровых кабелей и обычных круглых кабелей, идущих из магистрального шкафа.

Ясси, пол остидан ўтадиган кабелларни ҳамда магистрал шкафдан келадиган оддий думалоқ кабелларни улаш учун мўлжалланган қулай ва хавфсиз жой.

**Переходные перекрестные помехи**

*uz* – ўтувчи ҳар томонлама халақитлар

*en* – crosstalk

Шумы или помехи, вызванные электромагнитной наводкой одного сигнального маршрута на другой. Характеристики помехи обычно выражаются в децибелах.

Бир сигнал йўналишини бошқа бирига электромагнит тўғрилаш келтириб чиқарадиган шовқин ёки халақитлар. Уларнинг характеристикалари, одатда децибелда ифодаланади.

**Период тактовых импульсов; такт**

*uz* – тактли импульслар даври; такт

*en* – clock cycle

Интервал времени между двумя непрерывно следующими друг за другом импульсами.

Узлуксиз келадиган иккита импульс орасидаги вақт интервали.

**Петлевой симметричный вибратор**

*uz* – ҳалқали симметрик вибратор

*en* – folded dipole

Симметричный вибратор, оба плеча которого выполнены в виде короткозамкнутых шлейфов. Длина каждого из них примерно равна 1/4 длины волны. Середина верхней неразрезанной части вибратора является точкой нулевого потенциала, что позволяет в ней крепить вибратор к металлической мачте без изоляции.

Иккала елкаси қисқа туташтирилган шлейфлар кўринишида ясалган, симметрик вибратор. Ҳар бирининг узунлиги тахминан тўлқин узунлигининг 1/4 га тенг. Вибратор кесилмаган юқори қисмининг ўртаси ноль потенциал нуқтаси ҳисобланади, бу эса, вибраторни изоляцияламасдан металл мачтага маҳкамлаш имконини беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Петля**
*uz* – сиртмоқ
*en* – drip loop

Отрезок кабеля, обычно с внешней стороны здания, расположенный над входным отверстием в здание, проходящий под этим отверстием и завернутый назад к верху входного отверстия структуры. Использование такой кабельной конструкции препятствует попаданию влаги в канал.

Бинога кирадиган тешик устида жойлашган, бу тешик остидан ўтадиган ва кириш тешиги юқорисида орқага қайрилган кабель бўлаги. Бундай кабель конструкциясидан фойдаланиш каналга намлик тушишига тўсқинлик қилади.

**Пиковая скорость ячейки**
*uz* – ячейканинг энг юқори тезлиги
*en* – peak cell rate (PCR)

Максимальная скорость, на которой может быть передана ячейка по виртуальной цепи. Измеряется в ячейках в секунду и определяется интервалом между передачей последнего бита одной ячейки и первым битом следующей.

Виртуал занжир бўйлаб ячейка узатилиши мумкин бўлган максимал тезлик. Бир секундда узатиладиган ячейкалар билан ўлчанади ҳамда бир ячейканинг охирги битини ва кейинги ячейканинг биринчи битини узатиш ўртасидаги интервални белгилайди.

**Плавка**
*uz* – эритиш
*en* – fusing

Процесс соединения двух волокон путем их сплавки.

Иккита толани эритиш йўли билан улаш жараёни.

**Плавный волноводный переход**
*uz* – бир текис тўлқин ўтказгичли ўтиш
*en* – waveguide taper

Волноводная секция, поперечное сечение которой постепенно изменяется. Применяется для сочленения волноводов с разным сечением.

Кўндаланг кесими аста-секин ўзгарадиган тўлқин ўтказгичли секция. Кесими турлича бўлган тўлқин ўтказгичларни бириктириш учун қўлланилади.

**Пластическое оптическое волокно**
*uz* – пластик оптик тола
*en* – plastic optical fiber

Волоконно-оптический кабель, изготовленный из пластика. Пластическое волокно имеет большее затухание и рассеивание, чем стеклянное волокно.

Пластикдан тайёрланган оптик-толали кабель.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пластик тола шиша толага нисбатан каттароқ сўниш ва сочилишга эга.

**Плата без перемычек**

*uz* – туташтиргичсиз плата

*en* – jumperless card

Плата, которая не содержит съемных перемычек, т.к. требуемая конфигурация устанавливается электронным способом.

Олинадиган туташтиргичлари бўлмаган плата, негаки талаб қилинадиган конфигурацияга электрон усул орқали эришилади.

**Плезиохронная сеть**

*uz* – плезиохрон тармоқ

*en* – plesiochronous network

Сеть, частоты опорных генераторов которой практически не отличаются друг от друга, вследствие чего потери, вызываемые проскальзыванием символов, крайне редки.

Таянч генераторлар частоталари бир-биридан амалда фарқ қилмайдиган тармоқ. Бунинг оқибатида символларнинг ўтиб кетиши келтириб чиқарадиган йўқотишлар жуда кам бўлади.

**Плезиохронная цифровая иерархия**

*uz* – плезиохрон рақамли иерархия

*en* – plesiochronous digital hierarchy (PDH)

Концепция высокоскоростной плезиохронной (почти синхронной) передачи данных разработана в начале 80-х годов. В настоящее время наибольшее распространение получили три ряда иерархических скоростей, в основу формирования которых положен цифровой канал DSO со скоростью 64 kbit/s. В Европе в качестве первичной выбрана скорость 2,048 Mbit/s, в США – 1,544 Mbit/s.

Маълумотларни юқори тезликда плезиохрон (деярли синхрон) узатиш концепцияси. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда иерархик тезликларнинг уч сатҳи кенг тарқалган. Улар тезлиги 64 kbit/s бўлган DSO рақамли канал асосида қурилган. Европада бошланғич тезлик сифатида 2,048 Mbit/s, АҚШ да эса, 1,544 Mbit/s танланган.

**Плезиохронные сигналы**

*uz* – плезиохрон сигналлар

*en* – plesiochronous signals

Сигналы с одинаковой номинальной скоростью, которая изменяется в заданных допустимых пределах. Прием плезиохронных сигналов осуществляется с использованием средств, применяемых в синхронной сети. Вследствие медленного расхождения частот автономных опорных генераторов на разных концах линии возможны редкие проскальзывания символов. Расстройка опорных частот обычно компенси-



www.ziyouz.com kutubxonasi

руется вставлением дополнительных битов или отбрасыванием лишних.

Берилган, йўл қўйиладиган чегараларда ўзгарувчи, бир хил номинал тезликка эга сигналлар. Плезиохрон сигналларни қабул қилиш синхрон тармоқда қўлланиладиган воситалардан фойдаланиб, амалга оширилади. Автоном таянч генераторлар частоталарининг секин ёйилиши оқибатида линиянинг турли учларида символларнинг камдан-кам ўтиб кетиши кузатилиши мумкин. Таянч частоталарнинг бузилиши қўшимча битларни киритиш ёки ортиқчасини чиқариб ташлаш билан компенсацияланади.

**Пленум**
*uz* – пленум
*en* – plenum

1. Воздуховодный канал внутри здания, через который может протягиваться или в котором может быть установлен кабель. 2. Пространство или помещение, к которому подсоединяются один или более воздуховодных каналов, формирующее часть системы распределения воздуха.

1. Бино ичидаги ҳаво қувури, у орқали кабель тортилиши ёки унда кабель ўрнатилиши мумкин. 2. Ҳаво тақсимлаш тизимининг бир қисмини ташкил этувчи, бир ёки ундан ортиқ ҳаво ўтказувчи канал уланадиган бўшлиқ ёки хона.

**Плинтусный канал**
*uz* – плинтусли канал
*en* – baseboard raceway

Способ распределения, при котором каналы, содержащие кабели, проходят вдоль или внутри плинтусов здания.

Тақсимлаш усули, бунда кабеллари бўлган каналлар бино плинтуслари бўйлаб ёки унинг ичидан ўтади.

**Плоскополяризованная волна**
*uz* – ясси қутбланган тўлқин
*en* – plane-polarized wave

Электромагнитная волна, у которой направление электрического поля и направление ее распространения всегда расположены в одной плоскости.

Электр майдон ва тарқалиш йўналишлари ҳар доим бир текисликда жойлашадиган электромагнит тўлқин.

**Плотный буфер**
*uz* – зич буфер
*en* – tight buffer

Конструкция кабеля, при которой каждое волокно плотно окружено защитным термопластиковым покрытием диаметром до 900 микрон. Этим достигается высокий показатель пре-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дельной силы натяжения волокна, что обеспечивает прочность и надежность монтажа, эксплуатации и выполнения соединений.

Кабель конструкцияси, бунда ҳар бир тола диаметри 900 микронгача бўлган термопластик ҳимоя қобиғи билан зич ўралади. Бу билан тола чегаравий тортиш кучининг юқори кўрсаткичига эришилади, бу эса, монтаж, эксплуатация қилиш ва уланишлар бажарилишининг пишиқлиги ҳамда ишончлилигини таъминлайди.

**Поверхностные фиттинги**

*uz* – юза фиттинглар

*en* – surface fitting

Розеточный бокс, в котором находятся телекоммуникационные коннекторы на рабочем месте пользователя.

Розетка бокси, унда фойдаланувчининг иш ўрнидаги телекоммуникация коннекторлари жойлашади.

**Поглощение**

*uz* – ютилиш

*en* – absorbtion

1. Потери мощности в оптоволокне в результате преобразования оптической мощности в тепло, вызванное наличием загрязнений, таких как металлы и гидроксильные ионы, а также восприимчивостью к радиационному излучению. 2. Затухание радиоволн, происходящее вследствие превращения электромагнитных волн в другой вид энергии, обычно в теплоту.

1. Оптик қувватнинг металлар ва гидроксил ионлар каби ифлосланишлар мавжудлиги, шунингдек, радиацион нурланишга таъсирчанлик орқасида келиб чиқадиган иссиқликка айланиши натижасида оптик толада қувватнинг йўқолишлари. 2. Электромагнит тўлқинларнинг, энергиянинг бошқа турига, одатда, иссиқликка айланиши оқибатида радиотўлқинларнинг сўниши.

**Подавление ИК-излучения**

*uz* – инфрақизил нурланишни бостириш

*en* – infrared countermeasures

Противодействие средствам ИК-излучения путем создания помех в диапазоне инфракрасных волн.

Инфрақизил тўлқинлар диапазонида халақитлар вужудга келтириш орқали инфрақизил нурланиш воситаларига қарши таъсир кўрсатиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Подавление шума**
*uz* – шовқинни бостириш
*en* – noise reduction

Процедура цифровой обработки сигналов для подавления паразитных воздействий: фонового шума, наводок по цепям питания, шума в радиоканале и т.п.

Паразит таъсирларни: фон шовқини, таъминот занжирлари орқали бўладиган таъсирларни, радиоканалдаги шовқинни бостириш мақсадида сигналларни рақамли қайта ишлаш процедураси.

**Подвесной потолок**
*uz* – осма шифт
*en* – drop ceiling

См. «Фальш-потолок».

«Фальш-шифт» га қаранг.

**Поддерживающая жила**
*uz* – ушлаб турувчи сим
*en* – support strand

Силовой элемент, берущий на себя тяжесть телекоммуникационных кабелей и электропроводки.

Телекоммуникация кабеллари ва электр ўтказгич қурилмалари оғирлигини ўзига олувчи куч элементи.

**Подземный кабель**
*uz* – ер ости кабели
*en* – underground cable

Телекоммуникационный кабель, установленный в подземной системе желобов или каналов, защищающей кабель от прямого контакта с почвой.

Ер ости новлар ёки каналлар тизимида ўрнатилган, кабелни бевосита тупроққа тегиб туришдан сақлайдиган, телекоммуникация кабели.

**Подканал**
*uz* – қуйи канал
*en* – subduct

См. «Внутренний канал».

«Ички канал» га қаранг.

**Подпольный канал**
*uz* – пол остидан ўтган канал
*en* – underfloor raceways

Канал, состоящий из кросс-секций, помещенных в пол, откуда провода и кабели идут к определенным местам пола.

Полга жойлаштирилган кросс-секциялардан ташкил топган канал. У ердан сим ва кабеллар полнинг маълум жойларига кетади.

**Подрозеточный бокс**
*uz* – розетка остидаги бокс
*en* – outlet box

Металлическая или неметаллическая коробка, монтируемая на/в стене, потолке или полу и используемая для монтажа телекоммуникационной розетки/коннектора или переходных устройств.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Деворга (да), шифтга (да) ёки полга (да) ўрнатиладиган ҳамда телекоммуникацион розетка/коннекторни ёки ўтиш қурилмаларини монтаж қилиш учун фойдаланиладиган металл ёки нометалл қутича.

**Полное сопротивление**
*uz* – тўла қаршилик
*en* – impedance

Общее сопротивление переменному току, цепи, обладающей как активным, так и реактивным сопротивленем.

Ҳам актив, ҳам реактив қаршиликдан иборат занжирнинг ўзгарувчан токка кўрсатадиган умумий қаршилиги.

**Полоса**
*uz* – полоса
*en* – bandwidth

Постоянный диапазон частот между двумя граничными значениями частоты. Также называется полосой частот.

*Примечание – При описании волоконно-оптического кабеля данный термин используется для определения пропускной способности только многомодовых волокон. Для одномодовых волокон используется термин дисперсия.*

Частотанинг икки қўшни қийматлари ўртасидаги ўзгармас частоталар диапазони. Шунингдек, частоталар полосаси деб ҳам аталади.

*Изоҳ – Оптик-толали кабелни тавсифлашда бу атамадан фақат кўп модали толаларнинг ўтказиш қобилиятини аниқлашда фойдаланилади. Бир модали толалар учун «дисперсия» атамаси ишлатилади.*

**Полоса захвата**
*uz* – қамров полосаси
*en* – lock range

Интервал частот, в котором обеспечивается фазовая автоподстройка частоты.

Частотанинг фазавий автосозланиши таъминланадиган частоталар интервали.

**Полосковая линия**
*uz* – полосали линия
*en* – strip line

Линия передачи, образованная двумя близко расположенными металлическими лентами, обращенными друг к другу широкими поверхностями, между которыми обычно проходит проводник в виде узкой металлической ленты. Вместо металлических лент могут использоваться тонкие слои фольги, нанесенные на слои диэлектрика. Полосковые линии применяются в ВЧ-трактах, где не требуется передача больших мощностей.

Ўртасидан энсиз металл тасма кўринишидаги ўтказгич ўтган, бир-бирига кенг сиртлар орқали



www.ziyouz.com kutubxonasi

қараган, яқин жойлашган икки металл тасма ҳосил қилган узатиш линияси. Металл тасмалар ўрнига диэлектрик сиртига юпқа суртилган фольга қатламларидан фойдаланиш мумкин. Полосали линиялар катта қувватларни узатиш талаб этилмайдиган ЮЧ трактларда қўлланилади.

**Полосовой фильтр**
*uz* – полосали фильтр
*en* – bandpass filter

Фильтр, пропускающий только определенную полосу частот, ограниченную двумя значениями – верхней и ненулевой нижней частотами среза. Все остальные частоты вне заданной полосы, этим фильтром подавляются. Если нижняя частота среза является нулевой, а верхняя конечной, то такой фильтр называется фильтром нижних частот. Фильтр, имеющий бесконечно большую верхнюю частоту среза и ограничение по нижней границе, называется фильтром верхних частот.

Кесимнинг юқори ва нолинчи бўлмаган қуйи частотаси билан чекланган муайян частоталар полосасини ўтказувчи фильтр. Берилган полосадан ташқаридаги қолган барча частоталар фильтр томонидан бостирилади. Кесимнинг қуйи частотаси нолинчи, юқори частотаси эса, охирги частота бўлса, у ҳолда бундай фильтр қуйи частоталар фильтри дейилади. Кесимнинг узлуксиз катта юқори частотасига ҳамда қуйи чегара бўйича чеклашга эга бўлган фильтр юқори частоталар фильтри дейилади.

**Полувилка**
*uz* – ярим вилка
*en* – pigtail

Отрезок волоконно-оптического кабеля обычно длиной до 1,5 m, на одном конце которого установлен соединитель. Полувилка подключается к оптическому приемопередатчику не непосредственно, а через распределительную панель с переходными розетками, причем другой конец волоконно-оптического отвода сращен с подходящим многожильным кабелем посредством сварки.

Узунлиги 1,5 m гача бўлган, бир учида улагич ўрнатилган оптик-толали кабель бўлаги. Ярим вилка оптик қабул қилгич-узатгичга тўғридан-тўғри эмас, балки ўтиш розеткалари бор тақсимлаш панели орқали уланади. Оптик-толали тармоқнинг бошқа бир учи пайвандлаш



www.ziyouz.com kutubxonasi

воситасида мос келадиган кўп симли кабель билан уланади.

**Полудуплекс; полудуплексная связь**

*uz* – ярим дуплекс; ярим дуплекс алоқа

*en* – semi-duplex

Режим работы линии связи, при котором на одном конце линии используется дуплексная станция, а на другом – симплексная. Базовая станция обычно работает в дуплексном режиме, а мобильная – в симплексном.

Алоқа линиясининг, линиянинг бир учида дуплекс станциядан, иккинчи учида эса, симплекс станциядан фойдаланиладиган ишлаш режими. Таянч станция одатда, дуплекс режимда, мобил станция эса, симплекс режимда ишлайди.

**Поляризация**

*uz* – қутбланиш

*en* – polarization

Характеристика электромагнитной волны, определяющая закон изменения вектора напряженности электрического поля в определенной точке пространства. Характер поляризации зависит от типа антенны, ее ориентации в пространстве и среды распространения радиоволн. Различают линейную, круговую и эллиптическую поляризацию.

Электромагнит тўлқиннинг фазонинг муайян нуқтасида электр майдон кучланганлик векторининг ўзгариш қонунини белгиловчи характеристикаси. Қутбланиш характери антенна турига, унинг фазода жойлашишига ҳамда радиотўлқинларнинг тарқалиш муҳитига боғлиқ. Чизиқли, доиравий ва эллиптик қутбланиш фарқланади.

**Полярность оптоволокна**

*uz* – оптик толанинг қутблилиги

*en* – optical fiber polarity

Ориентация передатчика и приемника волоконно-оптической сети. Различие (передатчик или приемник) зависит от пространственного положения источника сигнала. Начиная от любой данной точки, передающее волокно в конечном итоге становится принимающим на противоположном конце.

Оптик-толали тармоқ узаткичи ва қабул қилгичини йўналтириш. Фарқланиш (узаткич ёки қабул қилгич) сигнал манбаининг фазовий ҳолатига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай берилган нуқтадан бошлаб, узатувчи тола, пировардида, қарама-қарши томонда қабул қилувчи толага айланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Помехи**

*uz* – халақитлар

*en* – interference

Электромагнитные возмущения и колебания, воздействующие на радиоприемное устройство помимо полезного сигнала, которые приводят к искажению последнего и ухудшению качества приема, а также неустойчивости и сокращению дальности связи. Радиопомехи разделяются по их происхождению на естественные (атмосферные, космические) и искусственные (индустриальные и от работающих средств).

Радиоқабул қилиш қурилмасига таъсир кўрсатувчи, фойдали сигнал бузилишига, қабул сифати ёмонлашувига, шунингдек, алоқанинг ишончли бўлмаслигига ва масофасининг қисқаришига олиб келадиган электромагнит ғалаёнланиш ҳамда тебранишлар. Радиохалақитлар келиб чиқишига кўра, табиий (атмосфера, космик) ва сунъий (индустриал ва ишлаётган воситалардан бўладиган) халақитларга бўлинади.

**Помехоустойчивая линия связи**

*uz* – халақитга бардошли алоқа линияси

*en* – robust link

Линия с большим энергетическим запасом, обеспечивающая устойчивую связь в сложной помеховой обстановке.

Энергетик захираси катта бўлган, мураккаб халақитли вазиятда барқарор алоқани таъминлайдиган линия.

**Помещение главного терминала**

*uz* – асосий терминал хонаси

*en* – main terminal room

Точка коммутации кабелей, приходящих из внешней телекоммуникационной сети.

Ташқи телекоммуникация тармоғидан келадиган кабелларнинг коммутация нуқтаси.

**Помещение телекоммуникационного ввода**

*uz* – телекоммуникацион кириш хонаси

*en* – telecommunications entrance room or space

Помещение, в котором происходит соединение внешних (между зданиями) и внутренних (внутри здания) телекоммуникационных магистральных средств. Помещение ввода может также служить в качестве аппаратной.

Ташқи (бинолар орасида) ва ички (бино ичида) телекоммуникация магистраль воситаларининг уланиши юз берадиган хона. Кириш хонаси, шунингдек, аппаратхона сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

**Поперечно-экранированный кабель**

Многопарный кабель, в котором с целью уменьшения взаимного влияния помех, особенно на ближнем конце, передающие и приемные пары общего кабеля разделяются между собой



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – кўндаланг экранланган кабель
*en* – transverse-shielded cable

с помощью заземленного электростатического экрана из алюминиевой фольги. Поперечно-экранированный кабель. обычно применяется в цифровых абонентских линиях, скорость передачи в которых составляет не менее 2048 kbit/s.

Кўп жуфтли кабель, унда халақитларнинг ўзаро таъсирини камайтириш мақсадида, айниқса, яқин учда, умумий кабелнинг узатувчи ва қабул қилувчи жуфтлари алюминий фольгадан қилинган, ерга уланган электростатик экран ёрдамида ўзаро ажратилади. Кўндаланг экранланган кабель одатда, узатиш тезлиги 2048 kbit/s дан кам бўлмаган рақамли абонент линияларида қўлланилади.

**Порт**
*uz* – порт
*en* – port

1. Многоразрядный вход или выход, служащий для подключения внешнего оборудования. Обычно один и тот же порт может использоваться как для ввода, так и для вывода данных. Обмен данными через него может осуществляться как последовательно, так и параллельно. 2. Интерфейс, с помощью которого два устройства могут связываться друг с другом и обмениваться данными. Если число входных устройств больше двух, то их обслуживание осуществляется в порядке очереди.

1. Ташқи ускунани улаш учун мўлжалланган кўп разрядли кириш ёки чиқиш. Одатда, битта портдан маълумотларни ҳам киритиш, ҳам чиқариш учун фойдаланиш мумкин. Порт орқали маълумотлар алмашинуви ҳам параллел, ҳам кетма-кет амалга оширилиши мумкин. 2. Унинг ёрдамида иккита қурилма бир-бири билан боғланадиган ҳамда маълумотлар алмашинадиган интерфейс. Кириш қурилмаларининг сони иккитадан ортиқ бўлса, уларга хизмат кўрсатиш навбат билан амалга оширилади.

**«Последняя миля»**
*uz* – «охирги миля»
*en* – last-mile

Участок сети связи от оконечного абонентского оборудования до магистральной линии или коммутационной станции. Другое толкование – сеть абонентского доступа.

Охирги абонент ускунасидан магистраль линия ёки коммутацион станциягача бўлган алоқа



www.ziyouz.com kutubxonasi

тармоғи участкаси. Бошқача изоҳи – абонент фойдаланиш тармоғи.

**Последовательность максимальной длины**

*uz* – максимал узунликнинг кетма-кетлиги (мантиқийлиги)

*en* – maximum length sequence

Двоичная псевдослучайная кодовая последовательность с периодом 2n-1, где n – целое число. Генерируется с помощью регистра сдвига с линейными обратными связями и максимально достижимым периодом повторения, который определяется числом возможных состояний в регистре сдвига.

Даври 2n-1 бўлган иккилик псевдотасодифий кодли кетма-кетлик. Бу ерда n – бутун сон. Силжиш регистри ёрдамида чизиқли тескари боғланишлар ҳамда силжиш регистридаги мумкин бўлган ҳолатлар сони орқали белгиланадиган максимал такрорланиш даври билан генерацияланади.

**Постепенный отказ**

*uz* – аста-секин ишламай қолиш

*en* – gradual failure

Неисправность, сопровождаемая постепенным ухудшением характеристик, вследствие плавного выхода параметра за допустимые пределы.

Параметрнинг йўл қўйиладиган чегарадан ташқарига чиқиши оқибатида, характеристикаларнинг аста-секин ёмонлашиши кузатиладиган носозлик.

**Постороннее напряжение (ток)**

*uz* – ёт кучланиш (ток)

*en* – foreign voltage (current)

Любое напряжение, возникающее на телефонной станции, источник которого не АТС или телефонное оборудование.

Телефон станциясида вужудга келадиган, манбаи АТС ёки телефон ускунаси бўлмаган ҳар қандай кучланиш.

**Потери в свободном пространстве**

*uz* – эркин фазодаги йўқотишлар

*en* – free-space loss

Ослабление сигнала на трассе, определяемое в предположении, что все мешающие его распространению факторы (вызывающие рассеивание или отражение радиоволн) устранены и не оказывают никакого воздействия на среду распространения, которая считается свободным пространством. Расчет потерь осуществляется по формуле $L=(4\pi d/\lambda)^2$, где $d$ – расстояние между, передающей и приёмный антенной, $\lambda$ – длина волны.

Сигналнинг трассада, унинг тарқалишига халақит берувчи барча омиллар (радиотўлқинларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

тарқалиши ёки қайтишига сабаб бўладиган) бартараф этилган ва эркин фазо деб аталувчи тарқалиш муҳитига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди деган тахминда аниқланадиган сусайиши. Йўқотишлар $L=(4\pi d/\lambda)^2$ формула орқали ҳисобланади, бу ерда $d$ – узатувчи ва қабул қилувчи антенна ўртасидаги масофа, $\lambda$– тўлқин узунлиги.

**Потери на поглощение**
*uz* – ютилишдаги йўқотишлар
*en* – absorption loss

Потери, вызванные ослаблением радиоволн в передающей среде; обычно оцениваются как произведение погонного затухания (выражается в dB/km) на эквивалентную длину пути сигнала в среде с поглощением радиоволн.

Радиотўлқинларнинг узатувчи муҳитда сусайиши келтириб чиқарадиган йўқотишлар; одатда, узунасига ўлчанадиган сўнишнинг радиотўлқинлар ютиладиган муҳитда сигнал йўлининг эквивалент узунлигига кўпайтмаси сифатида баҳоланади (dB/km да ифодаланади).

**Потери от изгиба**
*uz* – эгилишдан бўладиган йўқотишлар
*en* – bend loss

Форма затухания в волокне, явившегося результатом изгиба волокна вокруг неоднородности (макроизгиб) или микроскопического искажения в волокне (микроизгиб).

Толадаги сўниш шакли. Толанинг хилма-хиллик атрофида эгилиши (макро эгилиш) ёки толадаги микроскопик бузилиш (микроэгилиш) натижаси ҳисобланади.

**Потери при отражении**
*uz* – қайтишдаги йўқотишлар
*en* – return loss

Уменьшение мощности между любыми двумя точками телекоммуникационной системы.

Телекоммуникация тизимининг исталган икки нуқтаси ўртасида қувватнинг камайиши.

**Потери при передаче**
*uz* – узатишдаги йўқотишлар
*en* – transmission loss

Нарушение сигнала в результате отражения, вызванного неоднородностью сопротивления среды. Зависит от частоты.

Сигналнинг муҳит қаршилиги бир хил бўлмаслиги туфайли келиб чиқадиган қайтиш натижасида бузилиши. Частотага боғлиқ.

**Потеря сигнала**
*uz* – сигналнинг йўқолиши
*en* – loss of signal (LOS)

Сигнал тревоги, посылаемый приемником для обозначения прекращения передачи сигнала. Например, LOS объявляется, если оптоволоконный кабель порван и на приемном конце



www.ziyouz.com kutubxonasi

больше не принимает никакого сигнала. Сигнал LOS передается до тех пор, пока не будет отменен вручную, либо проблема не будет устранена.

Қабул қилгич томонидан сигналнинг узатилиши тўхтаб қолганлигини билдириш учун юбориладиган тревога сигнали. Масалан, LOS оптиктолали кабель узатилганда ва қабул қилиш учида ҳеч қандай сигнал қабул қилинмай қолганда эълон қилинади. LOS сигнали қўлда бекор қилинмагунгача ёки муаммо ҳал бўлмагунга қадар узатилади.

**Поток**
*uz* – оқим
*en* – stream

Непрерывная последовательность данных, передаваемых по каналу или линии связи.

Алоқа канали ёки линияси орқали узатиладиган маълумотларнинг узлуксиз кетма-кетлиги.

**Потолочная распределительная система**
*uz* – шифт тақсимлаш тизими
*en* – ceiling distribution system

Распределительная система, использующая пространство между подвесным или фальшпотолком и структурной поверхностью над потолком.

Осма ёки фальш-шифт ва шифт устидаги структуравий юза орасидаги бўшлиқдан фойдаланиладиган тақсимлаш тизими.

**Потолочный столб**
*uz* – шифт устуни
*en* – ceiling drop pole

См. «Колонна общего назначения».

«Умумий мақсадлардаги колонна» га қаранг.

**Почти мгновенное компандирование**
*uz* – деярли оний компандирлаш
*en* – near instantaneous companding (NIC)

Метод адаптивного компандирования в PCM кодере, при котором сигнал с выхода АЦП разбивается на блоки по N отсчетов в каждом (обычно N=8-16). Из N отсчетов в каждом блоке определяется тот, который имеет максимальный уровень: относительно него осуществляется перекодирование всех остальных (N-1) отсчетов. Такой метод позволяет снизить скорость передачи по сравнению с PCM-64 до 32-56 kbit/s при сохранении заданного качества передачи.

PCM кодерда адаптив компандирлаш мето-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бунда аналог-рақамли ўзгартиргич (АРЎ) чиқишидаги сигнал ҳар бирида N та саноқ бўлган (N=8-16) блокларга бўлинади. Ҳар бир блокдан N та саноқдан максимал даражага эга бўлгани аниқланади: унга нисбатан қолган барча саноқларни (N-1) қайта кодлаш амалга оширилади. Ушбу метод узатиш сифатини сақлаган ҳолда, узатиш тезлигини РСМ-64 га нисбатан 32-56 kbit/s гача пасайтириш имконини беради.

**Процедуры тестирования оптоволокна**

*uz* – оптик толани тестлаш процедуралари

*en* – fiber optic test procedure (FOTP)

Стандарты, разработанные и изданные EIA в серии стандартов EIA-RS-455 [6].

EIA да ишлаб чиқилган ва EIA-RS-455 [6] стандартлар сериясида нашр этилган стандартлар.

**Предварительная плавка**

*uz* – олдиндан эритиш

*en* – prefusing

Плавка, осуществляемая при пониженных значениях тока разряда для очистки концов свариваемых волокон. Непосредственно предшествует процедуре сращивания методом сплавки.

Паст разряд токи остида пайвандланадиган тола учларини тозалаш мақсадида амалга ошириладиган эритиш. Бевосита эритиш методи билан улаш процедурасидан олдин келади.

**Предварительное покрытие**

*uz* – дастлабки қоплама

*en* – primary coating

Пластиковое покрытие, наносимое непосредственно на демпфер волокна во время его производства для сохранения чистоты и целостности поверхности.

Ишлаб чиқариш вақтида юзанинг тозалиги ва яхлитлигини сақлаб қолиш учун тола демпферига тўғридан-тўғри тушириладиган пластик қоплама.

**Предварительный усилитель**

*uz* – дастлабки кучайтиргич

*en* – preamplifier

Малошумящее входное устройство, предназначенное для усиления слабых сигналов до заданного уровня, при котором возможно их преобразование по частоте и дальнейшая обработка. Основное усиление обычно осуществляется на промежуточной частоте.

Кучсиз сигналларни, уларни частота бўйича ўзгартириш ва қайта ишлаш мумкин бўладиган



www.ziyouz.com kutubxonasi

даражагача кучайтириш учун мўлжалланган, кам шовқинли кириш қурилмаси. Асосий кучайтириш оралиқ частотада амалга оширилади.

**Предельный аттенюатор**
*uz* – чекка (охирги) аттенюатор
*en* – cutoff attenuator

Аттенюатор, в котором затухание электромагнитного поля происходит на расстоянии, равном критической длине волны. Выполняется в виде отрезка волновода, размер которого меньше критического для данного типа волн.

Электромагнит майдоннинг сўниши тўлқиннинг критик узунлигига тенг масофада юз берадиган аттенюатор. Ўлчами тўлқинларнинг бу тури учун кичик бўлган тўлқин ўтказгич бўлаги кўринишида ясалади.

**Преломление**
*uz* – синиш
*en* – diffraction

1. Изгиб радио, звуковых и световых волн у границ объекта, при переходе между средами (интерфейса) или на краю отверстия. 2. Изгиб (неестественный) электромагнитных волн или лучей при прохождении ими из передающей среды с одним коэффициентом преломления в среду с другим коэффициентом преломления.

1. Радио, товуш, ёруғлик тўлқинларининг объект чегарасида, муҳитлар (интерфейс) орасидан ёки тешик четидан ўтишида эгилиши. 2. Электромагнит тўлқинлар ёки нурларнинг бир синиш коэффициентига эга узатиш муҳитидан бошқа бир синиш коэффициентига эга муҳитга ўтишидаги (нотабиий) эгилиши.

**Преобразование**
*uz* – ўзгартириш (айлантириш)
*en* – conversion

1. Процесс изменения структуры сигналов, связанный с их трансформацией из одного вида в другой. 2. Приведение информации к виду, пригодному для ее передачи, отображения, обработки, документирования и хранения.

1. Сигналларни бир кўринишдан бошқасига трансформациялаш билан боғлиқ, уларнинг структурасини ўзгартириш жараёни. 2. Ахборотнинг, уни узатиш, акс эттириш, қайта ишлаш, ҳужжатлаштириш ҳамда сақлаш учун яроқли кўринишга келтирилиши.

**Преобразователь**
*uz* – ўзгартиргич (айлантиргич)
*en* – converter

Устройство для преобразования формы сигналов из одного вида в другой (например, из последовательной в параллельную или из аналоговой в дискретную), а также перенос сигналов с одной частоты на другую.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сигналларни бир кўринишдан бошқасига (масалан, кетма-кетдан параллелга ёки аналог кўринишдан дискрет кўринишга) айлантириш қурилмаси, шунингдек, сигналларни бир частотадан бошқасига ўтказиш.

**Преобразователь (трансдьюсер)**

*uz* – ўзгартиргич (трансдьюсер)

*en* – transducer

Устройство для преобразования энергии из одной формы в другую, например, из оптической в электрическую.

Энергияни бир шаклдан бошқасига, масалан, оптик энергияни электр энергияга айлантириш учун мўлжалланган қурилма.

**Преобразователь интерфейсов**

*uz* – интерфейсларни ўзгартиргич

*en* – media converter

Устройство, с помощью которого осуществляется переход от одной среды передачи данных к другой без логического преобразования сигналов, например, от витой пары к оптоволокну и наоборот.

Сигналларни мантиқан ўзгартирмасдан, маълумотлар узатишнинг бир муҳитидан бошқасига, ўтиш амалга ошириладиган қурилма, масалан, ўралган жуфтдан оптик толага ва аксинча.

**Прерывистая передача**

*uz* – тўхтаб-тўхтаб узатиш

*en* – discontinuous transmission (DTX)

Способ повышения спектральной эффективности линии связи за счет выключения передатчика в паузах или в конце разговора.

Узаткични паузаларда ёки сўзлашув охирида узиб (ўчириб) қўйиш ҳисобига алоқа линиясининг спектрал эффективлигини ошириш усули.

**Прибор для оценки вероятности ошибок**

*uz* – хатолар эҳтимоллигини баҳолаш асбоби

*en* – bit error rate tester

Устройство, которое осуществляет формирование тестовой последовательности, ее передачу, прием, обработку, декодирование, сравнение переданной и принятой последовательностей и подсчет числа ошибочно принятых битов. Обычно прибор используется для оценки достоверности приема модемов, работающих через телефонные каналы связи.

Тест кетма-кетлигини шакллантирувчи, унинг узатилиши, қабул қилиниши, қайта ишланишини таъминловчи, декодловчи, узатилган ва қабул қилинган кетма-кетликларни таққословчи ҳамда хато қабул қилинган битлар сонини ҳисобловчи қурилма. Асбобдан одатда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

телефон алоқа каналлари орқали ишлайдиган модемларни қабул қилиш ишончлилигини баҳолашда фойдаланилади.

**Приемник**
*uz* – қабул қилгич
*en* – receiver

Устройство, предназначенное для обнаружения и преобразования сигналов к виду, удобному для их последующего восприятия или обработки.

Сигналларни аниқлаш ва уларни қайта ишлаш ёки идрок этиш учун қулай шаклга айлантирадиган қурилма.

**Приемник (оптический)**
*uz* – қабул қилгич (оптик)
*en* – receiver (optical) (Rx)

Оптоэлектронное устройство, преобразующее сигналы из оптической формы в электрическую.

Сигналларни оптик шаклдан электр шаклга айлантирувчи оптоэлектрон қурилма.

**Приемно-передающий оптоэлектронный модуль**
*uz* – қабул қилувчи-узатувчи оптоэлектрон модуль
*en* – receiving-transmitting optoelectronic module

Изделие оптоэлектроники, выполняющее функции приемного и передающего оптоэлектронных модулей и выполненное в едином конструктивном исполнении с одной или несколькими блочными частями оптических соединителей или отрезками оптического кабеля.

Қабул қилувчи ва узатувчи оптоэлектрон модуллар функцияларини бажарадиган, конструктив жиҳатдан яхлит қилиб ишланган оптик улагичлар ёки оптик кабель бўлакларининг бир ёки бир нечта блокли қисмларидан тузилган оптоэлектроника маҳсулоти.

**Приемный оптоэлектронный модуль**
*uz* – қабул қилувчи оптоэлектрон модуль
*en* – receiving optoelectronic module

Изделие оптоэлектроники, предназначенное для преобразования оптических сигналов, передаваемых в волоконно-оптической системе передачи в электрические сигналы.

*Примечание – Типичный приемный оптоэлектронный модуль включает приемник излучения ВОСП, электронные схемы обработки электрического сигнала и стабилизации режимов работы, оптический соединитель или отрезок оптического кабеля, выполненные в едином конструктивном исполнении.*

Оптик-толали узатиш тизимида узатиладиган оптик сигналларни электр сигналларига ай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лантириш учун мўлжалланган оптоэлектроника маҳсулоти.

*Изоҳ – Намунавий қабул қилувчи оптоэлектрон модуль конструктив жиҳатдан яхлит қилиб бажарилган, ОТУТ нурланиш қабул қилгичини, электр сигнални қайта ишлаш ва иш режимларини стабиллаш электрон схемаларини, оптик улагич ёки оптик кабель бўлагини ичига олади.*

**Приемопередатчик (трансивер)**

*uz* – қабул қилгич-узаткич (трансивер)

*en* – transceiver

Комбинация передающего и принимающего устройств в одном корпусе, обычно для портативного и мобильного использования. При этом используются обычные компоненты цепи как для передачи, так и для приема сигналов, и выполняются симплексные операции.

Битта корпусдаги, портатив ҳамда мобил фойдаланиш учун мўлжалланган узатувчи ва қабул қилувчи қурилмалар бирикмаси. Бунда сигналларни узатиш ва қабул қилиш учун занжирнинг оддий компонентларидан фойдаланилади, симплекс амаллар (операциялар) бажарилади.

**Приподнятый волновод**

*uz* – кўтарилган тўлқин ўтказгич

*en* – elevated duct

Тропосферный волновод, нижнюю границу которого образует плотный слой воздуха, находящийся на некотором расстоянии от земной поверхности и имеющий одинаковое значение индекса преломления с верхней границей волновода.

Ер юзасидан қандайдир масофада жойлашган, қуйи чегараси зич ҳаво қатламидан иборат ҳамда тўлқин ўтказгичнинг юқори чегараси билан бир хил синдириш кўрсаткичига эга бўлган, тропосфера тўлқин ўтказгичи.

**Пробивка (терминирование)**

*uz* – ёриб ўтиш (улаш)

*en* – punch down

Метод крепежа провода к монтажному терминалу, при котором изолированный проводник помещается в паз терминала и проталкивается вниз с помощью специального инструмента. При посадке проводника, контакты терминала смещают изоляцию проводника, при этом между ними возникает электрическое соединение, а лезвие инструмента подрезает излишек проводника заподлицо с краем терминала.

Симни монтаж терминалига маҳкамлаш усули бўлиб, бунда изоляцияланган ўтказгич тер-



www.ziyouz.com kutubxonasi

минал пази (ортиқчаси) га жойлаштирилади ва махсус асбоб ёрдамида пастга сурилади. Ўтказгични ётқизишда терминал контактлари унинг изоляциясини силжитади, бунда контактлар ўртасида электр боғланиш юзага келади, асбоб тиғи эса, ўтказгичнинг ортиқча қисмини терминал қирраси билан бир текис кесади.

**Проверочный бит; контрольный бит**
*uz* – текшириш бити; назорат бити
*en* – check bit

Дополнительный бит, предназначенный для обнаружения ошибок в принимаемых данных.

Қабул қилинадиган маълумотларда хатоларни аниқлаш учун мўлжалланган қўшимча бит.

**Проводник**
*uz* – ўтказгич
*en* – wire

Индивидуально изолированный одножильный медный провод, используемый для создания витых пар или применяемый в качестве провода заземления.

Ўралган жуфт ҳосил қилишда фойдаланиладиган ёки ерга улаш сими сифатида қўлланиладиган, алоҳида изоляцияланган битта симли мис ўтказгич.

**Проводник заземления**
*uz* – ерга улаш ўтказгичи
*en* – grounding conductor

Проводник, используемый для связи электрического оборудования с электродом заземления.

Электр ускунани ерга улаш электроди билан боғлаш учун фойдаланиладиган ўтказгич.

**Проводник заземления оборудования**
*uz* – ускунани ерга улаш ўтказгичи
*en* – equipment grounding conductor

Проводник, соединяющий нетоконесущие металлические части оборудования или трасс с проводником системы заземления и/или электродом системы заземления.

Ускуна ёки трассаларнинг ток ўтказмайдиган металл қисмларини ерга улаш тизимининг ўтказгичи ва/ёки электроди билан боғловчи ўтказгич.

**Проводник электрода заземления**
*uz* – ерга улаш электроди ўтказгичи
*en* – grounding electrode conductor

Проводник, используемый для соединения электрода системы заземления с проводником заземления оборудования и/или заземленным проводником («землей») сервисного оборудования или отдельных систем.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ерга улаш тизими электродини ускунанинг ерга улаш ўтказгичи ва/ёки сервис ускуна ёки алоҳида тизимларнинг ерга уланган ўтказгичи («ер») билан улаш учун фойдаланиладиган ўтказгич.

**Прозрачный (кодонезависимый) интерфейс; прозрачный стык**

*uz* – шаффоф (кодга боғлиқ бўлмаган) интерфейс; шаффоф (очиқ) туташув

*en* – transparent interface

Интерфейс, который позволяет оборудованию, установленному на обоих концах линии, взаимодействовать без какой-либо доработки программных или аппаратных средств.

Линиянинг ҳар икки учида ўрнатилган ускунанинг, дастурий ёки аппарат воситалар такомиллаштирилмаган ҳолда, ўзаро ишлашини таъминловчи интерфейс.

**Прозрачный доступ**

*uz* – шаффоф (очиқ) фойдалана олиш

*en* – transparent access

Доступ, при котором абонент не замечает, где расположен нужный ему ресурс – на связном компьютере, сервере или удаленном узле. Связь в прозрачном режиме может осуществляться через линии различной физической природы (наземные, спутниковые), причем это также должно оставаться незамеченным для абонента.

Фойдаланишнинг бир кўриниши, бунда абонент ўзига зарур бўлган ресурс қаерда жойлашганлигини – алоқа компьютеридами, серверда ёки олисдаги узелдами, билмайди. Бундай режимда алоқа турли физик табиатга эга линиялар (ер усти, йўлдошли) орқали амалга оширилиши мумкин, бу ҳам абонентга сезилмаслиги керак.

**Произведение ширины полосы частот на время**

*uz* – частоталар полоса кенглигининг вақтга кўпайтмаси

*en* – bandwidth-time (BT) product

Величина, характеризующая нормированную полосу пропускания при GMSK модуляции. Уменьшение этой величины приводит к снижению помехоустойчивости, а увеличение – к ухудшению спектральной эффективности.

GMSK модуляцияда нормаланган ўтказиш полосасини тавсифловчи катталик. Бу катталикнинг ортиши спектрал эффективлик ёмонлашишига, камайиши эса, халақитга чидамлиликнинг пасайишига олиб келади.

**Промежуточное пространство**

*uz* – оралиқ майдон

Небольшое или узкое пространство на каждом этаже, используемое для установки систем обслуживания здания (например, освещение,



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – interstitial space

электропитание, телекоммуникации, водопровод).

Ҳар бир қаватда, бинога хизмат кўрсатиш тизимларини (масалан, ёритиш ускуналари, электр таъминоти, телекоммуникациялар, сув тармоғи) ўрнатиш учун фойдаланиладиган унча катта бўлмаган ёки тор жой.

**Промежуточный кросс**

*uz* – оралиқ кросс

*en* – intermediate cross-connect

1. Кросс, расположенный между главным и Горизонтальным кроссами в магистральной кабельной системе. 2. Кросс, соединяющий магистральные кабельные системы первого и второго уровней.

1. Магистраль кабель тизимида асосий ва горизонтал кросслар ўртасида жойлашган кросс. 2. Биринчи ва иккинчи даража магистраль кабель тизимларини боғловчи кросс.

**Пропускная способность, емкость**

*uz* – ўтказиш қобилияти, сиғим

*en* – capacity

1. Показатель, определяющий максимальное количество единиц информации, которое можно передать по каналу или системе в единицу времени. Пропускная способность канала – фундаментальное теоретическое понятие, определяющее потенциальные возможности данного канала. Пропускная способность системы – техническая характеристика, определяющая скорость передачи с учетом сложности реализации и стоимости. 2. Максимальное количество данных, которое может храниться в ЗУ. Емкость может измеряться в байтах, битах, числе кодовых слов.

1. Вақт бирлиги ичида канал ёки тизим орқали узатилиши мумкин бўлган ахборот бирлигининг максимал миқдорини белгиловчи кўрсаткич. Каналнинг ўтказиш қобилияти фундаментал назарий тушунча бўлиб, каналнинг мавжуд имкониятларини белгилайди. Тизимнинг ўтказиш қобилияти – бу амалга ошириш мураккаблиги ва қиймати ҳисобга олинган узатиш тезлигини белгиловчи техник характеристикадир. 2. Хотира қурилмасида сақланиши мумкин бўлган маълумотларнинг максимал миқдори. Сиғим байтларда, битларда, кодли сўзлар сонида ўлчаниши мумкин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Просачивание**
*uz* – сизиш
*en* – leakage

Прохождение части сигнала или тактовых импульсов на выход устройства.

Сигнал ёки тактли импульслар бир қисмининг қурилма чиқишига ўтиши.

**Просвет**
*uz* – тирқиш
*en* – clearance

Расстояние в пределах прямой видимости между линией, соединяющей центры антенн двух соседних радиорелейных станций и наиболее высокой точкой профиля трассы. В зависимости от величины просвета H, трассы подразделяются на открытые (H≥H0), полуоткрытые (H0>H>0) и закрытые (H<0), где H0 – минимально допустимый просвет на трассе прямой видимости.

Тўғри кўриниш доирасида, икки қўшни радиорелели станция антенналарининг маркази ва трасса профилининг энг юқори нуқтасини боғловчи линия ўртасидаги масофа. Тирқиш катталиги H га боғлиқ равишда, трассалар очиқ (H≥H0), ярим очиқ (H0>H>0) ва ёпиқ (H<0) бўлади. Бу ерда H0 – тўғри кўринишдаги трассада минимал йўл қўйиладиган тирқиш.

**Просвет трассы**
*uz* – трассадаги оралиқ масофа
*en* – path clearance

Наименьшее расстояние от наиболее высокой географической точки трассы до прямой линии, соединяющей фазовые центры приемной и передающей антенн.

Трассанинг энг юқори географик нуқтасидан узатувчи ва қабул қилувчи антенналарнинг фаза марказларини боғловчи тўғри чизиққача бўлган энг қисқа масофа.

**Прослушивание линии**
*uz* – линияни эшитиш
*en* – listening-in

Функция, позволяющая прослушивать переговоры, ведущиеся по телефонной линии одновременно нескольким лицам. Микрофон на корпусе телефонного аппарата в этом режиме отключен.

Телефон линияси орқали олиб бориладиган сўзлашувларни бир вақтда бир нечта шахс томонидан эшитиш имконини берадиган функция. Телефон аппарат корпусидаги микрофон бу режимда ўчириб қўйилади.

**Протектор**
*uz* – протектор

Устройство, используемое для ограничения вредных инородных напряжений на металли-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – protector

ческих телекоммуникационных проводниках.

Металл телекоммуникация ўтказгичларида зарарли ёт кучланишларни чеклаш учун фойдаланиладиган қурилма.

**Протектор, газовая трубка**

*uz* – протектор, газ трубкаси

*en* – gas tube protector

Протектор, защищающий от перенапряжения, имеющий металлические электроды, которые разряжаются в газовой атмосфере внутри стеклянной или керамической оболочки.

Ўта кучланишдан сақлайдиган, шиша ёки керамик қобиқ ичидаги газли атмосферада разрядланадиган металл электродлари бўлган протектор.

**Протектор, заземляющий проводник**

*uz* – протектор, ерга уловчи ўтказгич

*en* – protector (ground conductor)

Проводник, проходящий от контакта заземления на протекторе до одобренной системы заземления самым коротким и прямым путем. Длина проводника не должна превышать 1 m. Защищенные линии должны проходить на расстоянии не менее 0,15 m от него, это позволит предотвратить индукционные наводки на защищенные линии в случае высоковольтного разряда.

Протектордаги ерга улаш контактидан тасдиқланган ерга улаш тизимигача энг қисқа ва тўғри йўл орқали ўтадиган ўтказгич. Унинг узунлиги 1 m дан ошмаслиги керак. Ҳимояланган линиялар ўтказгичдан камида 0,15 m масофада ўтиши керак, бу юқори вольтли разряд юзага келганда, ҳимояланган линияларга индукцион тўғрилашларнинг олдини олиш имконини беради.

**Протектор, открытый проводник**

*uz* – протектор, очиқ ўтказгич

*en* – protector (open wire)

Внешний протектор, ограничивающий напряжение между телекоммуникационными проводниками и землей. Такие протекторы оборудованы 10 mm или 20 mm углеродными электродами. Типичные протекторы с открытыми проводниками ограничивают напряжение до 1250 V постоянного тока.

Телекоммуникация ўтказгичлари ва ер ўртасидаги кучланишни чеклайдиган ташқи протектор. Бундай протекторлар 10 mm ёки 20 mm углеродли электродлар билан жиҳозланган бўлади. Очиқ ўтказгичли типик протекторлар 1250 V гача бўлган ўзгармас ток кучланишини чеклайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Противодействие**

*uz* – қарши таъсир

*en* – countermeasures

Меры, затрудняющие работу акустических и оптических средств связи. Применительно к радиоканалам применяется термин радиоэлектронное подавление.

Акустик ва оптик алоқа воситаларининг ишини қийинлаштирувчи чора-тадбирлар. Радиоканалларга нисбатан радиоэлектрон бостириш атамаси ишлатилади.

**Противонаправленный интерфейс**

*uz* – қарши йўналтирилган интерфейс

*en* – contradirectional interface

Тип интерфейса, при котором станции на противоположных концах линии связи не равноправны: одна из них ведущая, а вторая – ведомая. Синхросигнал всегда передается от ведущей станции к ведомой, у которой направления передачи информационных и тактовых сигналов взаимно противоположны.

Интерфейс тури, бунда алоқа линиясининг қарама-қарши учларидаги станциялардан бири бошқарувчи, иккинчиси бошқарилувчи бўлади. Синхросигнал ҳар доим бошқарувчи станциядан ахборот ва тактли сигналларни узатиш йўналиши ўзаро қарама-қарши бўлган бошқарилувчи станцияга узатилади.

**Противопожарный экран**

*uz* – ёнғинга қарши экран

*en* – fire shield

Материал, устройство или механизм внутри или между кабельными системами, служащий для предотвращения распространения огня от одной кабельной системы к другой, смежной с ней.

Кабель тизимлари ичидаги ёки улар ўртасидаги, оловнинг бир кабель тизимидан унга ёндош бўлган бошқа бир кабель тизимига тарқалишининг олдини олиш учун хизмат қилувчи материал, қурилма ёки механизм.

**Протокол**

*uz* – протокол

*en* – protocol

Набор формализованных правил, процедур и спецификаций, определяющих формат и способ передачи данных. Обычно протокол обеспечивает взаимодействие между элементами, находящихся на одном иерархическом уровне, но в разных узлах сети.

Маълумотлар узатиш формати ва усулини белгиловчи, формал қоидалар, процедура ҳамда спецификациялар тўплами. Бир иерархик сатҳда бироқ, турли алоқа узелларида



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган элементларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди.

**Протокольный блок данных**

*uz* – маълумотларнинг протокол блоки

*en* – protocol data unit (PDU)

Временный блок типа пакета или кадра, третья (последняя) фаза циклического превращения блока данных DU при его движении по стеку протоколов с верхнего уровня на нижний, состоит из сервисного блока данных SDU (вторая фаза) и заголовка с управляющей информацией протокола PCI; на границе с нижнем уровнем превращается в интерфейсный блок данных IDU (первая фаза нижнего уровня) в результате добавления управляющей информации интерфейса ICI нижнего уровня.

Пакет ёки кадр туридаги вақтинчалик блок, маълумотлар блоки DU нинг юқори сатҳ протоколларидан қуйи сатҳ протоколлари томон ҳаракатланишда даврий ўзгаришининг учинчи (охирги) фазаси. Маълумотларнинг сервис блоки SDU дан (иккинчи фаза) ҳамда PCI протоколининг бошқарувчи ахбороти бўлган сарлавҳадан иборат. Қуйи сатҳдаги ICI интерфейсининг бошқарувчи ахбороти қўшилиши натижасида, қуйи сатҳ билан чегарада маълумотларнинг интерфейсли блоки UDU га (қуйи сатҳнинг биринчи фазаси) айланади.

**Протокольный блок данных подуровня сегментации и сборки**

*uz* – сегментлаш ва йиғиш қуйи сатҳ маълумотларининг протокол блоки

*en* – segmentation and reassembly protocol data unit (SAR-PDU)

Информационный блок, прошедший через подуровень SAR и загружаемый в ячейки ATM, готовые к продвижению до подуровня TC для дальнейшей передачи (в канал передачи).

SAR қуйи сатҳ орқали ўтадиган ва кейинчалик узатиш (алоқа каналига) учун TC қуйи сатҳигача етишга тайёр бўлган ATM ячейкаларига жойлаштирилган ахборот блоки.

**Протяженный бокс (коробка)**

*uz* – чўзилган бокс (қути)

*en* – pull box

Устройство обеспечения доступа к каналу, используемое для облегчения прокладки кабелей электропроводки и телекоммуникационных кабелей.

Электр симли қурилма кабеллари ва телеком-



www.ziyouz.com kutubxonasi

муникация кабелларининг ётқизилишини осонлаштирадиган каналдан фойдалана олишни (каналга киришни) таъминлайдиган қурилма.

**Протяженный корд/провод**
*uz* – чўзилган корд/сим
*en* – pull cord/pull wire

Корд или провод, проложенные внутри канала и используемые для протяжки через него кабеля.

Канал ичидан ўтказилган, у орқали кабель тортишда ишлатиладиган корд ёки сим.

**Профилактическая кольцевая проверка**
*uz* – профилактик ҳалқасимон текширув
*en* – maintenance loopback

Комплексная проверка обслуживаемого оборудования, проводимая во время регламентных и профилактических работ.

Хизмат кўрсатиладиган ускунани комплекс текшириш. Регламент ва профилактик ишлар вақтида ўтказилади.

**Профиль трассы**
*uz* – трасса профили
*en* – path profile

Рельеф местности, над которой проходит трасса распространения радиоволн.

Радиотўлқинларнинг тарқалиш трассаси ўтадиган жой рельефи.

**Проходящая мощность**
*uz* – ўтиш қуввати
*en* – feedthrough power

Разность между выходной мощностью падающей и отраженной волны.

Келаётган ва қайтган тўлқиннинг чиқиш қуввати ўртасидаги фарқ.

**Процедура доступа к каналу**
*uz* – каналдан фойдалана олиш процедураси
*en* – link access procedure (LAP)

Семейство протоколов канального уровня, основанное на использовании протокола HDLC. В настоящее время на его основе создано семейство протоколов, в которое входят такие, как LAPB, LAPD, LAPF и LAPM.

HDLC протоколидан фойдаланишга асосланган, канал сатҳидаги протоколлар туркуми. Ҳозирги вақтда унинг асосида LAPB, LAPD, LAPF ҳамда LAPM каби протоколлар кирадиган туркум яратилган.

**Процедура доступа к звену (передачи) данных для «D» канала**
*uz* – «D» канал учун маълумотлар (узатиш) звеносидан фойдалана олиш процедураси

Протокол уровня 2 OSI. Используется при установлении соединения между двумя соседними узлами ISDN в режиме «точка-точка».

2 OSI сатҳи протоколи. «Нуқта-нуқта» режимида ISDN икки қўшни узели ўртасида боғланиш ўрнатилишида фойдаланилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – LAP for the D channel (LAPD)

**Процедура сбалансированного доступа к каналу**

*uz* – каналдан балансланган фойдалана олиш процедураси

*en* – link access procedure balanced (LAPB)

Процедура канального уровня, используемая в сетях с коммутацией пакетов на базе протокола X.25. Позволяет организовать симметричный режим обмена данными между пользовательским оборудованием и коммутатором сети. В процессе работы обеспечивается контроль ошибок и целостность передаваемых данных.

X.25 протоколи асосидаги пакетлар коммутацияланадиган тармоқларда фойдаланиладиган канал сатҳидаги процедура. Фойдаланувчи ускунаси ва тармоқ коммутатори ўртасида маълумотлар алмашишнинг симметрик режимини ташкил қилиш имконини беради. Ишлаш жараёнида хатоларнинг назорат қилиниши ва узатиладиган маълумотларнинг яхлитлиги таъминланади.

**Псевдослучайная последовательность**

*uz* – псевдотасодифий кетма-кетлик

*en* – pseudorandom sequence

Периодическая последовательность символов, которая генерируется детерминированным образом, однако обладает всеми свойствами, присущими случайным сигналам. Такие последовательности реализуются с помощью сдвиговых регистров с обратными связями.

Детерминаштирилган тарзда генерацияланадиган, бироқ, тасодифий сигналга хос бўлган барча хоссаларга эга, символларнинг даврий кетма-кетлиги. Бундай кетма-кетликлар тескари боғланишли силжиш регистрлари ёрдамида амалга оширилади.

**Псевдослучайный шум**

*uz* – псевдотасодифий шовқин

*en* – pseudo noise (PN)

Признак, указывающий на шумоподобный характер изменения процесса или сигнала, который обладает всеми свойствами, присущими аддитивному «белому» шуму.

Аддитив «оқ» шовқинга хос барча хоссаларга эга, жараён ёки сигналнинг ўзгариши шовқинсимон характердалигини кўрсатувчи аломат.

**Псофометрически взвешенное dBm0 (dBm0p)**

*uz* – псофометрик ўлчанган dBm0 (dBm0p)

*en* – psophometrically weighted dBm0 (dBm0p)

Единица измерения псофометрически взвешенного шума, определяемая в точке с нулевым относительным уровнем.

Нисбий даража́си ноль бўлган нуқтада аниқланадиган, псофометрик ўлчанган шовқиннинг ўлчов бирлиги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Пустая ячейка**

*uz* – бўш ячейка

*en* – blank cell

Полое пространство в ячеистом металлическом или бетонном полу без фабрично установленных фитингов.

Ячейкали металл ёки бетон полдаги, фабрика шароитида ўрнатилмаган фитингларсиз кавак бўшлиқ.

**Пэтч-корд (шнур переключения)**

*uz* – пэтч-корд (қайта улаш шнури)

*en* – patch cord

1. Отрезок кабеля с коннекторами на одном или обоих концах, используемый для соединения телекоммуникационных схем на кроссе. 2. Гибкая кабельная единица или элемент с коннектором (коннекторами), используемая для осуществления соединений на пэтч-панели.

1. Кроссда телекоммуникация схемаларини улаш учун фойдаланиладиган, бир ёки ҳар иккала учида коннекторлари бўлган кабель бўлаги. 2. Пэтч-панелда уланишларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган, эгилувчан кабель бирлиги ёки коннекторли элемент.

**Пэтч-панель (панель переключения)**

*uz* – Пэтч-панель (қайта улаш панели)

*en* – patch panel

1. Кросс-система из сопрягаемых коннекторов, облегчающая администрирование.
2. Кросс, спроектированный для использования пэтч-кордов. Облегчает администрирование при перемещениях и внесении изменений.

1. Бириктирилган коннекторлардан иборат, бошқаришни осонлаштирувчи кросс-тизим.
2. Пэтч-кордлардан фойдаланиш учун лойиҳалаштирилган кросс. Кўчишларда ва ўзгаришлар киритишда бошқарувни осонлаштиради.

## Р

**Равноправно синхронизируемая сеть**

*uz* – тенг (бир хилда) синхронланадиган тармоқ

*en* – democratically synchronized network

Сеть, в которой, опорные генераторы имеют одинаковый статус и в равной степени влияют на рабочую частоту, которая определяется как среднестатистическая от всех неподстраиваемых опорных генераторов сети.

Таянч генераторлар бир хил мақомга эга бўлган ҳамда тармоқнинг барча созланмайдиган таянч генераторларининг ўртача статистик частотаси сифатида белгиланадиган ишчи частотага бир хил таъсир кўрсатадиган тармоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Радиус изгиба кабеля**

*uz* – кабелнинг эгилиш радиуси

*en* – cable bend radius

Радиус изгиба кабеля во время монтажа предполагает, что кабель испытывает нагрузку. Свободный изгиб предполагает меньший допустимый радиус, так как нагрузка отсутствует.

Кабелни монтаж қилиш вақтидаги, унинг нагрузка остидалигини ифодаловчи эгилиш радиуси. Эркин эгилиш нагрузка бўлмаганлиги сабабли, кичик йўл қўйиладиган радиусни тахмин қилади.

**Разветвленное соединение**

*uz* – тармоқланган боғланиш

*en* – furcatuion coupling

Смешивание сигналов от нескольких оптических волокон за счет их пропускания через общий волоконно-оптический тракт таким образом, что общий групповой сигнал содержит все компоненты объединяемых сигналов.

Бир нечта оптик толадан келадиган сигналларни умумий оптик-толали тракт орқали, умумий гуруҳ сигнали бирлаштирилаётган сигналларнинг барча компонентларини ичига оладиган тарзда ўтказиш ҳисобига аралаштириш.

**Разводка кабелей; каблирование**

*uz* – кабелларни тарқатиш; кабеллаш

*en* – cabling

Прокладка кабельной линии и монтаж соответствующего оборудования.

Кабель линиясини ўтказиш ва тегишли ускунани монтаж қилиш.

**Разделяемые среды**

*uz* – ажраладиган муҳитлар

*en* – shared media

Технология, обеспечивающая коллективный доступ пользователей к общей линии связи без использования средств традиционной коммутационной техники. Термин относится к локальным сетям, где общая среда передачи данных заменила большое число индивидуальных линий, соединяющих между собой компьютеры. В последние годы наметилась тенденция отказа от доминирующей роли разделяемых сред, что связано с введением в сети коммутируемых узлов, к которым подключаются индивидуальные линии, или перехода к сетям с коммутацией пакетов (АТМ и др.)

Фойдаланувчиларнинг, анъанавий коммутацион техника воситаларисиз умумий алоқа линиясидан жамоавий фойдаланишини таъминловчи технология. Атама, маълумот-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар узатиш умумий муҳити компьютерларни ўзаро боғловчи кўп сонли алоҳида линияларнинг ўрнини эгаллаган, локал тармоқларга тааллуқли. Сўнгги йилларда ажраладиган муҳитнинг етакчилик ролидан воз кечиш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Бу тармоқда, алоҳида линиялар уланадиган коммутацияланадиган узелларни киритиш ёки пакетлар коммутацияланадиган тармоқларга (АТМ ва бошқа) ўтиш билан боғлиқ.

**Разрушение; искажение (данных)**

*uz* – йўқотиш; бузилиш (маълумотларнинг йўқотилиши, бузилиши)

*en* – corruption

Необратимое изменение содержимого сообщения, передаваемого по линии связи.

Алоқа линияси орқали узатиладиган хабар мазмунининг аслига қайтариб бўлмайдиган тарзда ўзгартирилиши.

**Разъемный оптический соединитель**

*uz* – қисмларга ажраладиган оптик улагич

*en* – split type optical connector

Оптический соединитель, допускающий многократное оптическое соединение.

Кўп карра оптик улаш имконини берадиган оптик улагич.

**Распределенный интерфейс передачи данных по волоконно-оптическим каналам**

*uz* – маълумотларни оптик-толали каналлар орқали узатишнинг тақсимланган интерфейси

*en* – fiber distributed data interface (FDDI)

Сеть стандарта FDDI имеет двухкольцевую структуру и обеспечивает передачу данных со скоростью до 100 Mbit/s. Максимальная протяженность кольца 100 km. При использовании многомодового кабеля в сети может быть размещено до 500 станций на расстоянии до 20 km друг от друга.

FDDI стандарти тармоғи икки ҳалқали структурага эга бўлиб, маълумотларнинг 100 Mbit/s гача тезлик билан узатилишини таъминлайди. Ҳалқанинг максимал узунлиги 100 km. Кўп модали кабелдан фойдаланилганда тармоқда бир-биридан 20 km масофада бўлган 500 дан ортиқ станция жойлаштирилиши мумкин.

**Распределенный интерфейс передачи данных на медном кабеле**

*uz* – мис кабель бўйлаб

Модификация стандарта FDDI для кабельных систем на базе экранированных или неэкранированных витых пар. Данная технология значительно упрощает процесс инсталляции



www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумотлар узатишнинг тақсимланган интерфейси

*en* – copper distributed data interface (CDDI)

кабельной системы и удешевляет ее, однако накладывает ограничение на максимальное расстояние между станциями при использовании витых пар: не должно превышать 100 m.

Кабелли тизимлар учун, экранланган ёки экранланмаган ўралган жуфтлар асосида FDDI стандартининг модификацияси. Ушбу технология кабель тизимини инсталляция қилиш жараёнини анча соддалаштиради ва арзонлаштиради, бироқ, ўралган жуфтлардан фойдаланилганда, станциялар ўртасидаги максимал масофани чеклайди. У 100 m дан ошмаслиги керак.

**Распределитель**

*uz* – тақсимлагич

*en* – coupler

Многопортовое устройство, используемое для распределения оптической мощности.

Оптик қувватни тақсимлашда фойдаланиладиган кўп портли қурилма.

**Распределитель здания**

*uz* – бинодаги тақсимлагич

*en* – building distributor

Распределитель, в котором терминируются магистральные кабели здания, где может быть осуществлено подсоединение к магистральным кабелям кампуса (международное название Промежуточного кросса).

Бинонинг магистраль каналлари уланадиган, кампуснинг магистраль кабелларига уланиш амалга ошириладиган тақсимлагич (Оралиқ кросснинг халқаро номи.)

**Распределитель кампуса**

*uz* – кампус тақсимлагичи

*en* – campus distributor

Распределитель, из которого выходит магистральная кабельная система кампуса (международное название Главного кросса).

Кампуснинг магистраль кабель тизими чиқадиган тақсимлагич (Асосий кросснинг халқаро номи).

**Распределитель этажа**

*uz* – қаватдаги тақсимлагич

*en* – floor distributor

Распределитель, используемый для осуществления связи между горизонтальным кабелем и другими кабельными подсистемами или оборудованием (международное название Горизонтального кросса).

Горизонтал кабель ва бошқа кабелли қуйи тизим ёки ускуна ўртасида алоқани амалга ошириш учун фойдаланиладиган тақсимлагич (Горизонтал кросснинг халқаро номи).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Распределительная панель**

*uz* – тақсимлаш панели

*en* – distribution frame

1. Настенная или напольная вертикальная металлическая рама с протекторами или терминальными блоками (или и тем, и другим), используемая для терминирования кабельных пар. 2. Устройство для терминирования кабельных сегментов таким образом, чтобы можно было легко выполнять межсоединение или кросс-соединение.

1. Кабель жуфтларини улаш учун фойдаланиладиган, протекторлари ёки терминал блоклари (ёки ҳар иккаласи) бўлган, деворга ёки полга ўрнатиладиган вертикал металл рама. 2. Кабель сегментларини ўзаро улаш ёки кросс-улаш осон бажариладиган тарзда улаш учун мўлжалланган қурилма.

**Распределительная ячейка**

*uz* – тақсимлаш ячейкаси

*en* – distribution cell

Канал, размещенный внутри или непосредственно под полом, откуда проводники и кабели выходят на конкретную область этажа.

Пол орасида ёки бевосита пол остида жойлашган канал. Сим ва кабеллар у ердан қаватнинг маълум бир жойига чиқарилади.

**Распределительный канал**

*uz* – тақсимлаш канали

*en* – distribution duct

Канал с прямоугольным поперечным сечением, размещенный в пределах или чуть ниже чистого пола; используется для проводки проводников или кабелей к конкретным рабочим станциям/местам.

Тўғри бурчакли, кўндаланг кесимли, пол сатҳида ёки ундан сал пастда жойлашган канал; симлар ёки кабелларни муайян иш станцияларига/жойларига ўтказиш учун фойдаланилади.

**Распределительный шкаф**

*uz* – тақсимлаш шкафи

*en* – wiring closet

См. «Телекоммуникационный шкаф».

«Телекоммуникация шкафи» га қаранг.

**Рассеяние**

*uz* – сочилиш

*en* – scatter

Изменение направления распространения радиоволн вследствие их отражения от препятствий или при прохождении через неоднородную среду.

Тўсиқлардан қайтиш натижасида ёки бир хил бўлмаган муҳит орқали ўтишда радиотўлқинлар тарқалиш йўналишининг ўзгариши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Растянутый импульс**

*uz* – чўзилган импульс

*en* – stretched pulse

Импульс на входе приемника, длительность которого значительно больше, чем у исходного, что обусловлено возникновением многолучевых искажений сигнала.

Қабул қилгич киришидаги, давомийлиги сигналнинг кўп нурли бузилишлари юзага келиши билан боғлиқ, бошланғич импульс давомийлигидан сезиларли катта бўлган импульс.

**Расширение спектра с помощью линейно-частотно модулированных импульсов**

*uz* – чизиқли-частотавий модуляцияланган импульслар ёрдамида спектрни кенгайтириш

*en* – chirp spread spectrum

Метод помехоустойчивой передачи сигналов, при котором несущая частота линейно изменяется в широкой полосе частот за время, равное длительности одного информационного символа.

Сигналларни халақитга бардошли тарзда узатиш методи бўлиб, бунда элтувчи частота частоталарнинг кенг полосасида, битта ахборот символи давомийлигига тенг вақт ичида чизиқли ўзгаради.

**Расширение спектра; обогащение спектра**

*uz* – спектрнинг кенгайиши (бойиши)

*en* – spectral splatter

Появление в спектре побочных частотных составляющих, которые отсутствовали в исходном сигнале. Расширение спектра обычно происходит за счет нелинейных искажений сигнала в передатчике.

Спектрда, бошланғич сигналда бўлмаган қўшимча частота ташкил этувчиларнинг юзага келиши. Спектрнинг кенгайиши узаткичдаги сигналнинг ночизиқли бузилишлари ҳисобига юз беради.

**Расщепленная пара**

*uz* – толаланган жуфт

*en* – spirited pair

Наиболее трудно обнаруживаемая ошибка при монтаже витой пары, у которой один провод смонтирован правильно, а второй подключен к контакту другой пары.

Битта сими тўғри, иккинчиси бошқа жуфтнинг контактига уланган ўралган жуфтни монтаж қилишда аниқланиши жуда қийин бўлган хато.

**Регенератор**

*uz* – регенератор

*en* – regenerator

Устройство, преобразующее частично искаженный в процессе передачи цифровой сигнал в исходный.

Узатиш жараёнида қисман бузилган рақамли сигнални дастлабки сигналга айлантирувчи қурилма.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Регулировка уровня**

*uz* – даражани ростлаш

*en* – leveling

1. Установление заданного уровня сигнала или выходной мощности путем подачи управляющего сигнала на регулирующий орган. 2. Выравнивание уровня нагрузки в сети с целью избежания ее перегрузки. 3. Сглаживание пульсаций в выпрямленном напряжении.

1. Ростловчи органга бошқарувчи сигнални узатиш йўли билан сигнал ёки чиқиш қувватининг берилган даражасини ўрнатиш. 2. Тармоқнинг ўта юкланишини олдини олиш мақсадида нагрузка даражасини тенглаштириш. 3. Тўғриланган кучланишда пульсацияларни силлиқлаш.

**Режекция спектра**

*uz* – спектр режекцияси

*en* – spectral notching

Метод борьбы с мощными узкополосными помехами, основанный на вырезании из спектра полезного сигнала узких полос частот, в которых сосредоточена основная мощность мешающего сигнала.

Тор полосали кучли халақитлар билан курашиш методи. Фойдали сигнал спектридан, халақит берувчи сигналнинг асосий қуввати тўпланган тор частоталар полосасини чиқариб ташлашга асосланган.

**Режим готовности**

*uz* – тайёрлик режими

*en* – ready mode

Состояние, при котором станция непрерывно «прослушивает» канал связи с целью определения наличия в нем вызывных сигналов. При обнаружении соответствующего сигнала, станция сразу же переводится в режим передачи для ответа на вызов.

Станция алоқа каналини, унда чақирув сигналлари борлигини аниқлаш мақсадида, узлуксиз «эшитадиган» ҳолат. Тегишли сигнал аниқланганда, станция дарҳол чақирувга жавоб бериш учун узатиш режимига ўтказилади.

**Режим синхронной передачи**

*uz* – синхрон узатиш режими

*en* – synchronous transfer mode (STM)

Режим переноса сигналов, предусматривающий периодическое предоставление каждому соединению кодового слова фиксированной длины в многоканальном цикле с временным разделением каналов. Частота следования кодовых слов постоянна и не зависит от скорости передачи полезной информации.

Сигналларни узатиш режими. Каналлари вақт



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйича тақсимланган кўп каналли циклда ҳар бир уланишга белгиланган узунликдаги кодланган сўзнинг даврий равишда тақдим этилишини кўзда тутади. Кодланган сўзларнинг кетма-кетлик частотаси доимий ва фойдали ахборотни узатиш тезлигига боғлиқ бўлмайди.

**Резерв; резервное оборудование**
*uz* – резерв; резерв ускуна
*en* – backup

1. Дополнительное оборудование, служащее для повышения надежности в случае неисправности основного. 2. Запасная копия документа, сообщения или файла, создаваемая для использования в случае повреждения оригинала.

1. Асосий ускуна носоз ҳолатда бўлганда, ишончлиликни ошириш учун хизмат қиладиган қўшимча ускуна. 2. Ҳужжат, хабар ёки файлнинг оригинали шикастланганда фойдаланиш учун яратиладиган захира нусхаси.

**Резервирование**
*uz* – резервлаш
*en* – reservation

Метод повышения надежности за счет введения дополнительных однотипных элементов.

Бир турдаги қўшимча элементларни киритиш ҳисобига ишончлиликни ошириш методи.

**Репитер; повторитель**
*uz* – репитер; такрорлагич
*en* – repeater

Приемопередатчик, который используется для регенерации слабых сигналов с целью увеличения дальности действия кабельной подсистемы или зоны обслуживания базовой станции. С помощью репитера связь может быть обеспечена в условиях сложного рельефа местности, в том числе при наличии туннелей и других препятствий.
Многопортовое устройство, которое способно принимать кадр по одному из своих портов и перенаправлять его во все остальные.

Кабелли қуйи тизим ёки таянч станцияга хизмат кўрсатиш зонаси ҳаракат доирасини ошириш мақсадида, кучсиз сигналларни регенерациялаш учун фойдаланиладиган қабул қилгич-узаткич. Репитер ёрдамида алоқа жойнинг рельеф шароитлари мураккаб, жумладан, туннеллар ва бошқа тўсиқлар бўлганда таъминланиши мумкин.
Кадрни ўз портларининг биридан қабул қилиб, уни қолган портларга ўтказиб юборадиган кўп портли қурилма.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ресинхронизация**

*uz* – ресинхронлаш

*en* – resynchronization

Повторная попытка установления синхронизации после сбоя в работе системы.

Тизим ишидаги узилишдан кейин синхронлашни тиклашга бўлган такрорий уриниш.

**Ретранслятор**

*uz* – ретранслятор

*en* – retranslator

Устройство, обеспечивающее преобразование данных при межинтерфейсном обмене.

Интерфейслараро алмашинишда, маълумотларнинг ўзгартирилишини таъминлайдиган қурилма.

**Ретрансляционная линия**

*uz* – ретрансляцион линия

*en* – backhaul link

Двусторонняя высокоскоростная линия связи между спутниковым ретранслятором и земной станцией-ретранслятором, которая обеспечивает обработку «бортового» трафика на земле.

Йўлдош ретранслятори ва ердаги станция-ретранслятор ўртасидаги икки томонлама юқори тезликли алоқа линияси. Ердаги станция-ретранслятор «борт» трафики қайта ишланишини таъминлайди.

**Розетка**

*uz* – розетка

*en* – female connector

Разъем с проводящими гнездами, в которые вставляется ответная часть соединителя со штыревыми контактами.

Штир контактли улагичнинг жавоб қисми киритиладиган, ўтказувчи уяли ажраткич.

**Рукав**

*uz* – шланг

*en* – sleeve

Круглое отверстие в стене, потолке или полу для прохода кабелей и электропроводки.

Девор, шифт ёки полдаги кабеллар ва электр симли қурилмаларни ўтказиш учун мўлжалланган думалоқ тешик.

## С

**«С двухпроводной на четырехпроводную»**

*uz* – «икки симлидан тўрт симлига»

*en* – 2W/4W (two-wire/four-wire)

Стандартный интерфейс, обеспечивающий переход с двухпроводной телефонной линии, у которой каналы приема и передачи объединены, на четырехпроводную линию с разделенными цепями приема и передачи.

Қабул қилиш ва узатиш каналлари бирлаштирилган икки симли телефон линиясидан қабул қилиш ва узатиш занжирлари ажратилган тўрт симли линияга ўтишни таъминлайдиган стандарт интерфейс.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**«С максимальным усилием»**

*uz* – «максимал куч билан»

*en* – best-effort

Признак в заголовке пакета, указывающий на негарантированный режим обслуживания трафика. При наличии этого признака сетевые ресурсы выделяются «по возможности», т.е. только те, которые в данный момент свободны.

Пакет сарлавҳасидаги, трафикка кафолатланмаган хизмат кўрсатиш режимини акс эттирувчи аломат. Бундай ҳолат юзага келганда, тармоқ ресурслари «имкониятга қараб», яъни, талаб қилинган вақтда бўш бўлганларигина, ажратилади.

**Свернутое кольцо**

*uz* – туташтирилган ҳалқа

*en* – wrapped up loop

Кольцевая сеть, состоящая из двух колец, соединенных друг с другом с помощью перемычек, по которым данные распространяются в противоположных направлениях. Вторичное кольцо является резервным и в нормальном режиме работы не используется. По нему передаются данные, необходимые для контроля целостности сети. В случае отказа, когда первичное кольцо не в состоянии передавать данные (обрыв в кабеле, выход из строя узла связи), активизируется вторичное кольцо, которое дополняет первичное, вновь образуя единое логическое кольцо.

Туташтиргич ёрдамида уланган, маълумотлар қарама-қарши йўналишда тарқаладиган иккита ҳалқадан иборат ҳалқали тармоқ. Иккиламчи ҳалқа резерв ҳисобланади, ундан нормал иш режимида фойдаланилмайди. Иккиламчи ҳалқа орқали тармоқнинг яхлитлигини назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотлар узатилади. Бирламчи ҳалқа маълумотларни узата олмайдиган ҳолларда (кабелдаги узилиш, алоқа узелининг ишдан чиқиши), иккиламчи ҳалқа фаоллашади – у ягона мантиқий ҳалқа ҳосил қилган ҳолда, бирламчи ҳалқани тўлдиради.

**Световод**

*uz* – ёруғлик ўтказгич

*en* – lightguide

Оптический волновод, выполненный в виде тонкого двухслойного стеклянного проводника цилиндрической формы, по которому происходит передача электромагнитного излучения с длиной волны 400-3000 nm (на практике освоен только диапазон 600-1600 nm). Световод с защитным покрытием называется оптическим волокном.

Цилиндр шаклидаги, икки қават ингичка шиша ўтказгич кўринишида ясалган оптик



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўлқин ўтказгич. Унинг бўйлаб тўлқин узунлиги 400-3000 nm (амалда 600-1600 nm диапазон ўзлаштирилган) бўлган электромагнит нурланиш узатилади. Ҳимоя қобиғига эга ёруғлик ўтказгич оптик тола деб аталади.

**Световодный кабель**

*uz* – ёруғлик ўтказадиган кабель

*en* – lightguide cable

Оптическое волокно, несколько волокон или пучок волокон, включая оболочку кабеля и элементы жесткости. Изготавливается в соответствии с требованиями к оптическим, механическим характеристикам и условиям окружающей среды.

Оптик тола, бир нечта тола ёки толалар дастаси, кабель қобиғи ва қаттиқлик элементлари билан бирга. Атроф муҳитнинг оптик, механик характеристикалари ҳамда шароитларига қўйиладиган талабларга мувофиқ тайёрланади.

**Световые волны**

*uz* – ёруғлик тўлқинлари

*en* – lightwaves

Электромагнитные волны в диапазоне оптических частот.

Оптик частоталар диапазонидаги электромагнит тўлқинлар.

**Светодиод**

*uz* – ёруғлик диоди

*en* – light-emitting diode (LED)

Устройство, используемое в передатчике для преобразования информации из электронной формы в оптическую форму. Светодиод обычно имеет большую ширину излучаемого спектра.

Узаткичда ахборотни электрон шаклдан оптик шаклга айлантириш учун фойдаланиладиган қурилма. Одатда, кенг нурланиш спектрига эга бўлади.

**Связка (пучок)**

*uz* – боғлам (даста)

*en* – bundle

1. Несколько отдельных волокон, покрытых общей оболочкой или буферной трубкой. 2. Группа буферизованных волокон, отличающаяся каким-либо образом от другой группы в ядре того же кабеля.

1. Умумий қобиқ ёки буфер трубка билан қопланган бир нечта алоҳида тола. 2. Айнан бир кабелнинг ядросидаги бошқа бир гуруҳдан қандайдир тарзда фарқ қиладиган, буферланган толалар гуруҳи.

**Связь в продольном направлении**

Связь между двумя последовательно соединенными волноводами, в которых электро-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – бўйлама боғланиш

*en* – end-fire coupling

магнитная волна распространяется практически без потерь. Такой способ соединения волноводов энергетически более выгоден, чем параллельное расположение, когда связь между ними осуществляется по электромагнитному полю.

Электромагнит тўлқин амалда йўқотишларсиз тарқаладиган иккита кетма-кет уланган тўлқин ўтказгич ўртасидаги боғланиш. Тўлқин ўтказгичларни бундай улаш энергетик жиҳатдан алоқа электромагнит майдон бўйича амалга ошириладиган параллел улашга қараганда бирмунча қулай.

**Связь по полю**

*uz* – майдон бўйича боғланиш

*en* – evanescent-field coupling

Связь в поперечном направлении между двумя близко расположенными волноводами, параллельными друг другу.

Бир-бирига параллел, яқин жойлашган иккита тўлқин ўтказгич ўртасидаги кўндаланг боғланиш.

**Связь «точка-многоточка»**

*uz* – «нуқта-кўп нуқта» боғланиш

*en* – point—to-multipoint communication (PMP)

Тип связи и сетевого соединения, при котором одна точка, узел и терминал соединяется с несколькими аналогичными точками, узлами или терминалами.

Битта нуқта, узел ёки терминал бир нечта турга ўхшаш нуқта, узел ёки терминал билан уланадиган алоқа ёки тармоқ боғланиш тури.

**Связь; связывание**

*uz* – алоқа; боғланиш

*en* – link

1. Установление взаимодействия между двумя объектами или программными модулями. 2. Линия связи; канал связи; канал передачи данных. Совокупность программно-аппаратных средств, задействованных при установлении связи между двумя соседними узлами или абонентскими станциями.

1. Икки объект ёки дастурий модуллар ўртасида маълумотнинг ўрнатилиши. 2. Алоқа линияси; алоқа канали; маълумотлар узатиш канали. Икки қўшни узел ёки абонент станциялари ўртасида алоқа ўрнатишда ишга солинган дастурий-аппарат воситалар.

**Сглаживающий фильтр**

*uz* – силлиқловчи фильтр

*en* – rolloff filter

Фильтр, частотная характеристика которого монотонно снижается.

Частота характеристикаси бир текис пасаядиган фильтр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Сдвиг фазы, сдвиг по фазе**

*uz* – фаза силжиши; фаза бўйича силжиш

*en* – phase shift

Разность фаз двух сигналов, имеющих одинаковую частоту. Измеряется в градусах, радианах или долях периода гармонического колебания.

Частотаси бир хил бўлган икки сигналнинг фазалари ўртасидаги фарқ. Градус, радианларда ёки гармоник тебраниш даврининг улушларида ўлчанади.

**Секунды с ошибками**

*uz* – хатоли секундлар

*en* – errored sekond (ES)

Интервал времени, равный одной секунде, в течение которого имеют место один или большее количество блоков с ошибками.

Бир секундга тенг вақт интервали, унинг мобайнида битта ёки ундан кўп хатоли блок бўлиши мумкин.

**Секунды с проскальзыванием тактовых импульсов**

*uz* – тактли импульсларнинг ўтиш секунди

*en* – clock slips seconds

Параметр, характеризующий общее число пропусков тактовых импульсов в канале связи с момента начала тестирования.

Тестлаш бошланган вақтдан эътиборан, алоқа каналида ўтган тактли импульслар умумий сонини тавсифловчи параметр.

**Секция**

*uz* – секция

*en* – section

1. Участок кабельной или волоконно-оптической линии связи, расположенный между двумя активными элементами, называемыми регенераторами или повторителями. Несколько секций, расположенных между мультиплексорами с добавлением/выделением каналов, образуют волоконно-оптическую линию связи. 2. Часть программы, представленная в виде, допускающем ее автономное управление: трансляцию, вызов или перемещение.

1. Кабелли ёки оптик-толали алоқа линиясининг регенератор ёки такрорлагич деб номланадиган иккита актив элемент ўртасида жойлашган участкаси. Каналлар қўшиладиган/ажратиладиган мультиплексорлар ўртасида жойлашган бир нечта секция оптик-толали алоқа линиясини ҳосил қилади. 2. Автоном бошқариладиган – трансляция қилинадиган, чақириладиган ёки кўчириладиган дастур тури.

**Сетевой анализатор**

*uz* – тармоқ анализатори

*en* – network analyzer

Диагностическое средство широкого назначения, позволяющее измерять основные характеристики сигналов, оценивать качество каналов связи (в виде процента ошибочных кадров



www.ziyouz.com kutubxonasi

и т.п.), осуществлять функции мониторинга сети и проводить статистический анализ трафика.

Сигналларнинг асосий характеристикаларини ўлчаш, алоқа каналлари сифатини баҳолаш (хато кадрлар проценти ва ш.к. кўринишида), тармоқ мониторинги функциясини амалга ошириш ва трафикнинг статистик таҳлилини ўтказиш имконини берадиган, кенг мақсадлардаги диагностика воситаси.

**Сетевой шнур**

*uz* – тармоқ шнури

*en* – equipment cord

Короткий шнур, предназначенный для подключения коммуникационного оборудования непосредственно к сетевому кабелю.

Коммуникацион ускунани бевосита тармоқ кабелига улаш учун мўлжалланган қисқа шнур.

**Сеть с иерархической синхронизацией**

*uz* – иерархик синхронланган тармоқ

*en* – hierarchically synchronized network

Сеть, в которой опорные генераторы абонентских станций автоматически подстраиваются к суммарной средневзвешенной (по всем опорным генераторам сети) частоте.

Абонент станцияларнинг таянч генераторлари ўртача ўлчанган жами частотага (тармоқнинг барча таянч генераторлари бўйича) автоматик созланадиган тармоқ.

**Сеть с принудительной синхронизацией**

*uz* – мажбуран синхронланадиган тармоқ

*en* – despotically synchronized network

Сеть, в которой синхронизация осуществляется от единого задающего генератора.

Синхронлаш ягона белгиловчи генератор орқали амалга ошириладиган тармоқ.

**Сеть типа «кольцо»**

*uz* – «ҳалқа» туридаги тармоқ

*en* – ring network

Топология сети, в которой терминалы связаны между собой по принципу круговой конфигурации.

Терминаллар ўзаро доиравий конфигурация орқали боғланган тармоқ топологияси.

**Сеть типа «шина»**

*uz* – «шина» туридаги тармоқ

*en* – bus network

Топология сети, при которой все терминалы подсоединены к передающей среде, служащей в качестве шины передачи данных.

Барча терминаллар маълумотлар узатиш


www.ziyouz.com kutubxonasi

шинаси сифатида хизмат қиладиган узатиш муҳитига уланган тармоқ топологияси.

**Сеть управления телекоммуникациями**

*uz* – телекоммуникацияларни бошқариш тармоғи

*en* – telecommunications management network (TMN)

Специальная сеть, обеспечивающая управление сетями телекоммуникаций и их услугами путем организации взаимосвязи с компонентами различных сетей телекоммуникаций, на основе единых интерфейсов и протоколов, стандартизованных Международным союзом электросвязи (МЭС).

Халқаро электр алоқа иттифоқи (ХЭИ) томонидан стандартлаштирилган ягона интерфейслар ва протоколлар асосида, турли телекоммуникация тармоқларининг компонентлари билан ўзаро алоқани ташкил қилиш орқали телекоммуникация тармоқлари ва уларнинг хизматлари бошқарилишини таъминлайдиган махсус тармоқ.

**Сжатие данных**

*uz* – маълумотларни сиқиш

*en* – data compression

Уменьшение объема данных за счет исключения избыточной информации или статистического кодирования.

Ортиқча ахборотни чиқариб ташлаш ёки статистик кодлаш ҳисобига, маълумотлар ҳажмини қисқартириш.

**Сигнал**

*uz* – сигнал

*en* – signal

Изменяющаяся во времени физическая величина, используемая для передачи различных видов информации, а также оповещения о каких-либо событиях или состояниях объектов.

Ҳар хил ахборотни узатиш, шунингдек, қандайдир воқеа ёки объектларнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиш учун фойдаланиладиган, вақтда ўзгарувчи физик катталик.

**Сигнал индикации аварийного состояния**

*uz* – авария ҳолатини индикациялаш сигнали

*en* – alert condition indication signal

Сигнал, возникающий при выходе обслуживаемого параметра за допустимые пределы или нарушении других условий нормального функционирования.

Хизмат кўрсатиладиган параметр йўл қўйилганидан ташқарига чиққанда ёки нормал ишлашнинг бошқа шароитлари бузилганда пайдо бўладиган сигнал.

**Сигнал о подключении линии к АТС**

*uz* – линиянинг АТС га

Контрольный сигнал, посылаемый в канал со стороны абонента или АТС и сигнализирующий о том, что двух проводная линия может



www.ziyouz.com kutubxonasi

уланиши тўғрисидаги сигнал

*en* – loop start

быть использована для предоставления услуг телефонной связи.

Каналга абонент ёки АТС томонидан юбориладиган ва икки симли линиядан телефон алоқа хизматларини тақдим этишда фойдаланилиши мумкинлиги тўғрисида хабар берувчи назорат сигнали.

**Сигнализация**

*uz* – сигнализация

*en* – signaling

Обмен служебной информацией, относящейся к установлению, освобождению и другим действиям по управлению соединениями, а также к управлению сетью телекоммуникаций при автоматическом способе установления соединений.

Уланишларни ўрнатиш, бўшатиш ва бошқариш бўйича бошқа хатти-ҳаракатларга, шунингдек, уланишларни автоматик ўрнатиш усулида телекоммуникация тармоғини бошқаришга тааллуқли хизматга оид ахборот алмашиш.

**Сигнализация линейная E&M**

*uz* – E&M линия сигнализацияси

*en* – linear signalization E&M

Способ передачи сигналов управления и взаимодействия путем передачи потенциала «земли» по выделенному сигнальному проводу.

Ажратилган сигнал сими бўйлаб «ер» потенциалини узатиш орқали бошқариш ва ўзаро ишлаш сигналларини узатиш усули.

**Сила натяжения**

*uz* – таранглаш кучи

*en* – pull strength

Максимальная сила натяжения, которую можно приложить к кабелю или каналу, не повредив его.

Кабель ёки каналга, уни шикастламаган ҳолда қўйилиши мумкин бўлган максимал таранглаш кучи.

**Симметрирующее устройство; согласующий трансформатор**

*uz* – симметрияловчи қурилма; мословчи трансформатор

*en* – balun (balanced-unbalanced)

1. Пассивный преобразователь импедансов, обеспечивающий переход от симметричного кабеля типа «витая пара» к несимметричному коаксиальному кабелю и наоборот. 2. Устройство для согласования входного импеданса антенны с волновым сопротивлением фидерной линии.

1. «Ўралган жуфт» туридаги симметрик кабелдан носимметрик коаксиал кабелга ва аксинча, ўтишни таъминлайдиган, импедансларни пас-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сив ўзгартиргич. 2. Антенна кириш импедансини фидер линиянинг тўлқин қаршилиги билан мослайдиган қурилма.

**Симметричная цифровая абонентская линия**

*uz* – симметрик рақамли абонент линияси

*en* – symmetric digital subscriber line (SDSL)

Высокоскоростная линия абонентского доступа, обеспечивающая дуплексную передачу информации по одной витой паре со скоростью 2,048 Mbit/s в каждом из направлений связи.

Ахборотнинг, ҳар бир алоқа йўналишида битта ўралган жуфт орқали 2,048 Mbit/s тезлик билан дуплекс узатилишини таъминловчи, юқори тезликли абонент фойдаланиш линияси.

**Симметричный (сбалансированный) кабель**

*uz* – симметрик (балансланган) кабель

*en* – balanced cable

Кабель, состоящий из одного или более элементов металлического симметричного кабеля (витые пары или четверки).

Металл симметрик кабелнинг бир ёки бир нечта элементидан иборат кабель (ўралган жуфтлар ёки тўртликлар).

**Симплекс; симплексная передача**

*uz* – симплекс; симплекс узатиш

*en* – simplex

Передача информации по каналу или линии связи только в одном направлении. Данный термин характеризует тип канала связи, режим работы или устройство, способное в каждый момент времени только передавать или только принимать информацию.

Ахборотни алоқа канали ёки линияси бўйлаб фақат битта йўналишда узатиш. Бу атама алоқа канали турини, иш режимини ёки ҳар вақт онида фақат ахборотни узатиш ёки қабул қилиш имконияти бўлган қурилмани тавсифлайди.

**Симплексный кабель**

*uz* – симплекс кабель

*en* – simplex cable

Термин, используемый иногда для определения одноволоконного кабеля.

Бир толали кабелни тавсифлаш учун ишлатиладиган атама.

**Симплексный канал**

*uz* – симплекс канал

*en* – simplex bearer

Тип физического канала, обеспечивающего однонаправленную передачу данных.

Маълумотларнинг бир йўналишда узатилишини таъминлайдиган физик канал тури.

**Синхронизатор**

*uz* – синхронизатор

*en* – framer

Устройство обеспечивающее кадровую или циклическую синхронизацию в системах с временным разделением каналов.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Каналлар вақт бўйича ажратилган тизимларда кадр ёки циклик синхронлашни таъминловчи қурилма.

**Синхронизированные сигналы**

*uz* – синхронланган сигналлар

*en* – clocked signals

Сигналы, между которыми с помощью тактовых импульсов установлено временное соответствие.

Тактли импульслар ёрдамида вақт бўйича мувофиқлик ўрнатилган сигналлар.

**Синхронная оптическая сеть**

*uz* – синхрон оптик тармоқ

*en* – synchronous optical network (SONET)

Технология построения синхронных сетей с временным разделением каналов, разработанная компанией Bellcore в 1985 г. Использует стандарт на оптический интерфейс передачи данных T1.105 (ANSI, США). Поток данных в сети SONET структурирован и разделен на блоки (контейнеры), временное положение которых в кадре жестко зафиксировано. Контейнеры нижних уровней могут объединяться в контейнеры более высоких уровней иерархии, которые, в свою очередь, являются составляющими контейнера самого верхнего уровня. В технологии SONET существует два вида обозначений для скоростей передачи STS-n и OC-n и соответственно два типа модулей. Модуль STS-n используется в сетях с кабельными линиям связи, а OC-n – с волоконно-оптическими. Формат кадров STS-n и OC-n идентичен. В состав сети SONET входят три основные элемента: регенераторы (повторители), промежуточные мультиплексоры ADM (Add-Orop Multiplexer) и оконечные мультиплексоры (TM – Terminal Multiplexer). Регенераторы разделяют всю сеть на секции (участки), длина каждого обычно не превышает 30 km. Несколько секций образуют линию, на концах которой расположены мультиплексоры ADM. Сопряжение с внешними сетями осуществляется с помощью мультиплексоров TM, расположенных на конечных пунктах маршрута.

Каналлар вақт бўйича ажратилган синхрон тармоқларни қуриш технологияси. 1985 йилда Bellcore компанияси томонидан ишлаб чиқилган. T1.105 (ANSI, АҚШ) маълумотлар узатиш оптик интерфейси стандартидан фойдаланилади. Тармоқдаги маълумотлар оқими структураланган ҳамда вақт бўйича



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолати кадрда қатъий қайд этилган блоклар (контейнерлар) га ажратилган. Қуйи сатҳ контейнерлари иерархиянинг бирмунча юқори сатҳдаги контейнерларига бирлаштирилиши мумкин. Улар, ўз навбатида, энг юқори сатҳдаги контейнернинг таркибий қисми ҳисобланади. SONET технологиясида STS-n ҳамда OC-n узатиш тезлиги ва тегишлича иккита модуль тури мавжуд. STS-n модулидан кабелли алоқа линиялари бўлган тармоқларда, OC-n дан эса, оптик-толали тизимларда фойдаланилади. STS-n ва OC-n кадрларининг формати ўхшаш. SONET тармоғи таркибига учта асосий элемент: регенератор (такрорлагичлар), ADM оралиқ мультиплексорлари ва охирги мультиплексорлар (TM – Terminal Multiplexer) киради. Регенератор бутун тармоқни, ҳар бирининг узунлиги одатда 30 km дан ошмайдиган секциялар (участкалар) га бўлади. Бир нечта секция учларида ADM мультиплексорлари жойлашган линияни ҳосил қилади. Ташқи тармоқлар билан бирикиш маршрутнинг охирги импульсларида жойлашган TM мультиплексорлар ёрдамида амалга оширилади.

**Синхронная цифровая иерархия**

*uz* – синхрон рақамли иерархия

*en* – synchronous digital hierarchy (SDH)

Международная форма Sonet. SDH строится из блоков 155.52 Mbit/s; Sonet – 51.84 Mbit/s.

Sonet нинг халқаро шакли. SDH 155.52 Mbit/s, Sonet – 51.84 Mbit/s блоклардан тузилади.

**Синхронный транспортный модуль**

*uz* – синхрон транспорт модули

*en* – synchronous transport module (STM)

Информационная структура, используемая для организации соединений в слое секций СЦИ. Состоит из информационной нагрузки и секционного заголовка (SOH), объединенных в блочную пиковую структуру с периодом повторения 125 мкс. Эта информация соответственно подготовлена для последовательной передачи со скоростью, синхронизированной с сетью. Базовый STM имеет скорость 155520 kbit/s и называется STM-1. Скорости высших STM в n раз выше. Определены n=4 и n=16. Более высокие значения изучаются. STM-1 содержат одну группу административных блоков (AUG) и SOH. STM-n содержит n AUG и SOH. Значения n соответствуют уровням СЦИ.

СРИ секциялари қатламида уланишларни таш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кил қилиш учун ишлатиладиган ахборот структураси. 125 mks такрорланиш даврига эга бўлган блокли чўққи структурага бирлаштирилган (SOH) секция сарлавҳаси ва ахборот нагрузкасидан иборат. Бу ахборот мос равишда тармоқ билан синхронлаштирилган тезликда кетма-кет узатиш учун тайёрланган. Таянч STM 155520 kbit/s тезликка эга ва STM-I деб аталади. Юқори STMларнинг тезлиги n марта ортиқ. n=4 ва n=16 эканлиги аниқланган. Юқорироқ бўлган қийматлар ўрганилмоқда. STM-I бир гуруҳли маъмурий блок (AUG) ва SOHни ўз ичига олади. STM-n ўз ичига n AUG ва SOH ни олади. n қийматлари СРИ даражаларига мос келади.

**Синхронный транспортный сигнал**

*uz* – синхрон транспорт сигнали

*en* – synchronous transport signal (STS)

Обозначение иерархического ряда скоростей передачи, используемого в синхронной сети SONET для передачи информации по витой паре. В общем случае такой ряд записывается в виде STS-n. В нем базовая скорость равна 51,84 Mbit/s (STS-1), а самая высокая скорость, которая в 192 раза превышает базовую, – 9953,28 Mbit/s (STS-192).

SONET синхрон тармоғида ахборотни ўралган жуфт орқали узатиш учун фойдаланиладиган, узатиш тезликлари иерархик қаторининг белгиланиши. Умумий ҳолда бундай қатор STS-n кўринишида ёзилади. Ундаги базавий тезлик 51,84 Mbit/s (STS-1) га тенг, энг юқори тезлик 9953,28 Mbit/s (STS-192) га тенг, яъни базавий тезликдан 192 марта ортиқ.

**Система передачи**

*uz* – узатиш тизими

*en* – transmission system

Комплекс технических средств, обеспечивающих образование линейного тракта, типовых групповых трактов и каналов передачи первичной сети.

*Примечания – 1. В зависимости от вида сигналов, передаваемых в линейном тракте, системе передачи присваивают названия аналоговая или цифровая. 2. В зависимости от среды распространения сигналов электросвязи системе передачи присваивают названия: проводная система передачи и радиосистема передачи.*

Бирламчи тармоқ линия трактлари, намунавий гуруҳ трактлари ва узатиш каналларининг ҳосил қилинишини таъминловчи техник воси-

талар комплекси.

*Изоҳлар – 1. Линия тракти бўйлаб узатилаётган сигналларнинг турига қараб узатиш тизими аналог ёки рақамли деб аталади. 2. Электр алоқа сигналларининг тарқалиш муҳитига қараб, узатиш тизими симли узатиш тизими ва узатиш радиотизими деб аталади.*

**Система питания с эквивалентным заземлением**

*uz* – эквивалент ерга уланган таъминот тизими

*en* – unigrounded power system

Система питания, в которой заземлена только одна точка, обычно это средняя точка трансформатора. Нейтральный проводник может находиться вместе с фазовыми проводниками. При его наличии, он не заземляется на линии.

Фақат бир нуқта, одатда, трансформаторнинг ўрта нуқтаси ерга уланадиган таъминот тизими. Нейтрал ўтказгич фаза ўтказгичлари билан бирга бўлиши мумкин. Фаза ўтказгич мавжуд бўлганда, нейтрал ўтказгич линияда ерга уланмайди.

**Система резервирования первичной сети**

*uz* – бирламчи тармоқни резервлаш тизими

*en* – reservatiin system primary network

Совокупность алгоритмического и программного обеспечения устройств контроля, принятия решений о необходимой перестройке первичной сети или участка первичной сети, устройств переключения резервируемых и резервных трактов и каналов, взаимодействующих по упомянутым алгоритмам с целью повышения показателей надежности различных служб (услуг) телекоммуникаций.

Телекоммуникациялар турли хизматларининг ишончлилик кўрсаткичларини ошириш мақсадида айтиб ўтилган алгоритмлар бўйича ўзаро ишлайдиган бирламчи тармоқ ёки унинг участкасини, резервланадиган ва резерв трактлар ҳамда каналларни қайта улаш қурилмаларини зарурий қайта тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, назорат қурилмаларини алгоритмик ва дастурий таъминлаш тўплами.

**Система сигнализации R1**

*uz* – R1 сигнализация тизими

*en* – signaling system R1

Метод многочастотной сигнализации для двухпроводных линий связи, при котором осуществляется передача сигналов двух видов: линейных – на частоте 2600 Hz и управления – на шести частотах, значения которых лежат в диапазоне 700-1700 Hz. Передача ведется двухчастотным кодом «2 из 6».

Икки симли алоқа линиялари учун мўлжалланган



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўп частотали сигнализация методи. Бунга кўра, икки турдаги сигналларни узатиш амалга оширилади: чизиқли сигналлар 2600 Hz частотада ҳамда қийматлари 700-1700 Hz диапазонда ётадиган олтита частотада бошқариш сигналлари. Узатиш «6 дан 2» икки частотали код билан олиб борилади.

**Система электродов заземления**

*uz* – ерга улаш электродлари тизими

*en* – grounding electrode system

Один или более электродов заземления, связанных вместе для образования единой системы надежного заземления здания или другой подобной структуры.

Бир ёки ундан ортиқ, бино ёки шунга ўхшаш структуранинг ягона ерга улаш тизимини ҳосил қилиш учун биргаликда боғланган ерга улаш электродлари.

**Скалывание**

*uz* – парчалаш

*en* – cleave

Процесс разделения оптического волокна с целью получения среза, который был бы плоским, гладким и располагался перпендикулярно к оси волокна.

Оптик толани ясси, силлиқ ва тола ўқига перпендикуляр жойлашадиган кесим олиш мақсадида ажратиш жараёни.

**Сканер**

*uz* – сканер

*en* – scanner

1. Формирователь сигналов, с помощью которых осуществляется периодический опрос каналов или необслуживаемых датчиков с целью контроля их состояния. 2. Прибор для обнаружения возможных неисправностей в кабельных линиях, таких как обрыв, короткое замыкание, неправильно установленный разъем.

1. Сигналлар шакллантиргич. Улар ёрдамида каналлар ёки хизмат кўрсатилмайдиган датчикларни, уларнинг ҳолатини назорат қилиш мақсадида, даврий сўров амалга оширилади. 2. Кабелли линиялардаги қисқа туташув, узилиш, нотўғри ўрнатилган ажраткич каби носозликларни аниқловчи асбоб.

**Сканирование**

*uz* – сканлаш

*en* – scanning

1. Процесс поэлементного преобразования изображения в электрический сигнал, используемый при обмене видеоданными, в том числе в факсимильной связи. 2. Просмотр рабочих каналов с целью определения свободных в данный момент времени и пригодных для связи.

1. Тасвирни элементма-элемент, видеомаълу-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мотлар алмашишда, шу жумладан, факсимил алоқада фойдаланиладиган электр сигналга айлантириш жараёни. 2. Ишчи каналларни, банд этилмаганлигини ва алоқа учун яроқлилигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқиш.

**Скаттерограмма**
*uz* – скаттерограмма
*en* – scatterogram

Диаграмма направленности излучения от рассеивающего элемента, т.е источника переизлучения радиоволн.

Сочувчи элемент, яъни радиотўлқинларнинг қайта нурланиш манбаи тарқатадиган нурланишнинг йўналганлик диаграммаси.

**Скважность**
*uz* – ўтказишга мойиллик
*en* – off-duty factor

Отношение периода следования импульсов к их длительности.

Импульс сигнал такрорланиш даврининг якка импульс давомийлигига нисбати.

**Сквозной проход**
*uz* – тўғри ўтиш
*en* – poke-thru system

Проход через огнеупорную структуру пола, позволяющий осуществить установку электрических и/или телекоммуникационных кабелей.

Электр ва/ёки телекоммуникация кабелларини ўрнатиш имконини берадиган, полнинг ўтга чидамли структураси орқали ўтган йўл.

**Скользящий рукав**
*uz* – сирпанувчи шланг
*en* – slip sleeve

Кондуит с припуском, который легко перемещается вдоль внутреннего кондуита и закрывает собой отверстия или недостающие части меньшего кондуита.

Ички кондуит бўйлаб эркин силжийдиган, кичик кондуитнинг етишмайдиган қисмлари ёки тирқишларини беркитадиган қўшимча жойи бўлган кондуит.

**Скорость (передачи)**
*uz* – тезлик (узатиш тезлиги)
*en* – rate

Фундаментальное понятие в области связи, определяющее эффективность системы при передаче данных по битам (bit rate) или байтам (byte rate).

Алоқа соҳасидаги, маълумотларни битлар (bit rate) ёки байтлар (byte rate) бўйича узатишда, тизимнинг эффективлигини белгиловчи, фундаментал тушунча.

**Скремблер**
*uz* – скремблер
*en* – scrambler

Преобразователь двоичных данных в кодовую последовательность, в которой символы 1 и 0 распределены по псевдослучайному закону. Такой преобразователь позволяет улучшить ра-



www.ziyouz.com kutubxonasi

боту системы синхронизации за счет исключения в сигнале длинных серий символов одного типа. Кроме того, скремблер выполняет функции простейшего шифрующего устройства, позволяющего увеличить защищенность канала связи от несанкционированного доступа.

Иккилик маълумотларни, 1 ва 0 символлари псевдотасодифий қонунга кўра, тақсимланган кодли кетма-кетликка айлантиргич. Бундай айлантиргич сигналдан бир хил символларнинг узун сериясини чиқариб ташлаш ҳисобига синхронлаш тизими ишини яхшилаш имконини беради. Бундан ташқари, скремблер алоқа каналининг рухсат этилмаган тарзда фойдаланишдан ҳимояланганлигини ошириш имконини берадиган оддий шифрловчи қурилма вазифасини ҳам бажаради.

**Скремблирование**
*uz* – скремблаш
*en* – scrambling

1. Процедура перемешивания потока данных с целью улучшения его синхронизирующих свойств. Метод основан на побитовом сложении по модулю 2 исходного кода и символов результирующего кода, полученных в предыдущих циклах вычислений. Скремблирование также позволяет подавить наиболее сильные спектральные составляющие сигнала, размазывая их по всей широкой полосе частот. 2. Метод засекречивания аналогового сигнала путем перестановки местами и инвертирования участков исходного спектра.

1. Маълумотлар оқимини, синхронловчи хоссаларини яхшилаш мақсадида аралаштириш процедураси. Метод, иккининг модули бўйича бошланғич код ҳамда олдинги ҳисоблашлар циклида олинган натижаловчи код символларини битма-бит қўшишга асосланган. Скремблаш, шунингдек, сигналнинг энг кучли спектрал ташкил этувчиларини, частоталар полосасининг бутун кенглиги бўйича ёйган ҳолда, бостириш имконини беради. 2. Аналог сигнални бошланғич спектр участкалари ўрнини алмаштириш ва инверторлаш орқали махфийлаштириш методи.

**Скремблированный кадр**
*uz* – скрембрланган кадр

Кадр, в котором временные интервалы, выделенные для передачи данных разных абонентов, перемешаны по псевдослучайному закону.

Турли абонентларнинг маълумотларини уза-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – scrambled frame

тиш учун ажратилган вақт интерваллари псевдотасодифий қонунга кўра навбатлаштирилган кадр.

**Слияние**

*uz* – қўшилиш

*en* – fusion

Объединение двух или более потоков данных различных источников информации.

Турли ахборот манбаларининг икки ёки ундан ортиқ маълумотлар оқимини бирлаштириш.

**Слот**

*uz* – слот

*en* – slot

Отверстие (обычно прямоугольное) в стене, полу или потолке для прохода телекоммуникационных кабелей и электропроводки.

Девор, пол ёки шифтдаги, телекоммуникация кабеллари ҳамда электр симларни ўтказиш учун мўлжалланган (одатда, тўғри бурчакли) тирқиш.

**Служебный бит**

*uz* – хизмат бити

*en* – overhead bit

Двоичный цифровой сигнал, который не содержит полезной информации и предназначен для передачи вспомогательных данных (например, заголовка, битов обнаружения ошибок и др.) при транспортировке полезной информации от одного абонентского терминала к другому.

Фойдали ахборотни ичига олмаган ҳамда фойдали ахборотни бир абонент терминалидан бошқасига ташишда ёрдамчи маълумотлар (масалан, сарлавҳа, хатоларни аниқлаш битлари ва б.лар) ни узатиш учун мўлжалланган иккилик рақамли сигнал.

**Служебный канал**

*uz* – хизмат канали

*en* – engineering circuit

Речевой канал или канал передачи данных, используемый для проверки технических характеристик, технического обслуживания или обмена служебной информацией. В линиях спутниковой связи такой канал организуется между земными станциями и центрами управления.

Техник характеристикаларни, техник хизмат кўрсатилишини текшириш ёки хизматга оид ахборотни алмашиш учун фойдаланиладиган товуш ёки маълумотларни узатиш канали. Йўлдошли алоқа линияларида бундай канал ердаги станциялар ва бошқариш марказлари ўртасида ташкил қилинади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Служебный канал; служебная линия**

*uz* – хизмат линияси; хизмат канали

*en* – orderwire

Специально выделенные канал или линия, предназначенные для передачи телесигнализации, команд управления и другой вспомогательной информации, в том числе и для речевого обмена между обслуживающим персоналом разных пунктов связи.

Телесигнализацияни, бошқариш буйруқларини ва бошқа ёрдамчи ахборотни узатиш, шу жумладан, турли алоқа пунктларининг хизмат кўрсатувчи ходимлари ўртасида сўзлашувлар учун мўлжалланган, махсус ажратилган канал ёки линия.

**Смешанная подпольная система**

*uz* – аралаш пол ости тизими

*en* – blended floor system

Комбинация элементов ячеистого пола (с возможностью организации каналов) и других элементов пола (без возможности организации каналов), систематически размещенных в виде модулей.

Модуллар кўринишида мунтазам жойлаштирилган ячейкали пол элементлари (канал ташкил қилиш имконияти бўлган) ҳамда бошқа пол элементлари (канал ташкил қилиш имконияти бўлмаган) йиғиндиси.

**Смещение; сдвиг**

*uz* – силжиш

*en* – offset

1. Отклонение параметра от его номинального значения, например, случайный сдвиг тактовых импульсов относительно эталонной шкалы времени или паразитный уход частоты. 2. Одновременное перемещение всех элементов сигнала без изменения порядка их расположения и с сохранением первоначальных границ.

1. Параметрнинг ўз номинал қийматидан четга чиқиши, масалан, тактли импульсларнинг эталон вақт шкаласига нисбатан тасодифий силжиши ёки частотанинг паразит силжиши. 2. Сигнал барча элементларининг, уларнинг жойлашиш тартиби ўзгармаган ҳамда бошланғич чегараси сақланган ҳолда, бир вақтда кўчиши.

**Собственное поле**

*uz* – хусусий майдон

*en* – eigenfield

Поле электромагнитной волны (моды) при ее распространении в волноводе или световоде, в котором не учитывается влияние других типов волн и отсутствуют потери.

Электромагнит тўлқин (мода) нинг, у бошқа тўлқинларнинг таъсири ҳисобга олинмайдиган ва йўқотишлар бўлмаган тўлқин ўтказгич ёки ёруғлик ўтказгичда тарқалаётгандаги майдони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Совпадающий луч**

*uz* – мос тушувчи нур

*en* – cobeam

Луч, направленный в том же направлении, что и основной луч.

Асосий нур йўналишида йўналтирилган нур.

**Согласование импеданса**

*uz* – импедансни мослаштириш

*en* – impedance matching

Подбор полных волновых сопротивлений (импедансов) смежных элементов цепи таким образом, чтобы мощность, проходящая через точку интерфейса, была максимально возможной для улучшения производительности или для достижения особого эффекта.

Занжир қўшни элементларининг тўла тўлқин қаршиликларини (импедансларини) интерфейс нуқтаси орқали ўтувчи қувват унумдорликни яхшилаш ёки алоҳида самарага эришиш учун максимал даражада мумкин бўладиган тарзда танлаш.

**Согласованный фильтр**

*uz* – мослаштирилган фильтр

*en* – matched filter

Пассивный приемный фильтр, имеющий импульсную характеристику, комплексно сопряженную со сквозной характеристикой передающего тракта. Его параметры инвариантны к задержке по времени, а отклик на выходе имеет максимум в момент завершения передачи информационного символа. Отношение сигнал/шум на выходе согласованного фильтра определяется простым соотношением 2E/No, где E – энергия сигнала, а No – спектральная плотность шума.

Узатувчи трактнинг очиқ характеристикаси билан комплекс қўшилган импульс характеристикали пассив қабул қилувчи фильтр. Унинг параметрлари вақт бўйича кечикишга инвариант, чиқишдаги жавоб эса, ахборот символини узатиш тугаш моментида максимумга эга бўлади. Мослаштирилган фильтрнинг чиқишидаги сигнал/шовқин нисбати 2E/No орқали аниқланади, бу ерда E – сигнал энергияси, No – шовқиннинг спектрал зичлиги.

**Согласующий материал**

*uz* – мослаштирувчи материал

*en* – index-matching material

Материал, используемый в оптическом межсоединении, коэффициент преломления которого близок к коэффициенту преломления ядра волокна и который используется для уменьшения эффекта Френеля.

Оптик ўзаро уланишларда фойдаланиладиган, синиш коэффициенти тола ядросининг синиш



www.ziyouz.com kutubxonasi

коэффициентига яқин бўлган ҳамда Френель эффектини камайтириш учун ишлатиладиган материал.

**Соединение внахлестку**

*uz* – устма-уст улаш

*en* – lapping

Торцевое соединение двух оптических проводников с некоторым перекрытием, т.е. путем вставления одного проводника в другой.

Иккита оптик ўтказгични, уларнинг бирини иккинчисига устма-уст қўйиш йўли билан четки улаш.

**Соединение на «последней миле»**

*uz* – «охирги миля» даги боғланиш

*en* – last-mile connection

Соединение, обеспечивающее подключение удаленного абонента к магистральной линии связи.

Олисдаги абонентнинг магистраль алоқа линиясига уланишини таъминловчи боғланиш.

**Соединитель коммутационный**

*uz* – коммутацион улагич

*en* – switching system connector

Коммутационный прибор связи, имеющий *n* входов и *m* выходов, в котором может быть установлено соединение любого из *n* входов с любым из *m* выходов.

*n* киришга ва *m* чиқишга эга бўлган коммутацион алоқа асбоби. Унда *n* киришлардан исталгани *m* чиқишларнинг исталгани билан уланиши мумкин.

**Соединитель, коннектор; разъем**

*uz* – улагич, коннектор; ажраткич

*en* – connector

Механический элемент, обеспечивающий соединение между двумя различными частями устройства.

Қурилманинг икки турли қисми ўртасида уланишни таъминловчи механик элемент.

**Соединитель/разъем с врезными контактами**

*uz* – ўйиқ контактли улагич/ажраткич

*en* – insulation displacement connector (IDC)

Класс соединителей, предназначенных для использования в ленточных кабелях. В них подключение проводников осуществляется без снятия изоляции, а путем ее смещения во время заделки специальными ножевыми контактами разъема.

Тасмали кабелларда фойдаланиш учун мўлжалланган улагичлар класси. Ўтказгичларни улаш изоляцияни олиб ташламасдан, балки уни улаш ажраткичнинг махсус пичоқ контактлари билан кўчириш орқали амалга оширилади.

**Соединительная кабельная муфта линейного оптического кабеля**

Устройство, обеспечивающее укладку избыточных длин соединяемых методом сварки или склейки оптических волокон различных строительных длин линейного кабеля и самих



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – линия оптик кабелининг уловчи кабелли муфтаси

*en* – connecting cable muff of the linear optical cable

неразъемных соединений, восстановление защитной оболочки кабеля и герметизацию кабельных вводов соединяемых строительных длин оптического кабеля.

Пайвандлаш ёки елимлаш методи билан уланадиган линия кабелларининг турли узунликдаги оптик толалар ва ажралмайдиган уланишларнинг ортиқча узунлиги ётқизилишини, кабелнинг ҳимоя қобиғи тикланишини ҳамда оптик кабелнинг уланадиган қурилиш узунликлари кабелли киришларининг зич ёпилишини таъминловчи қурилма.

**Соединительная линия телефонной сети**

*uz* – телефон тармоғининг боғловчи линияси

*en* – telephone network connecting line

Линия телефонной сети, соединяющая телефонные станции и узлы между собой и подстанцию с опорной станцией местной телефонной сети.

Телефон станциялари ва узелларини ўзаро, шунингдек, подстанцияни маҳаллий телефон тармоғининг таянч станцияси билан боғловчи телефон тармоғи линияси.

**Сонаправленный интерфейс**

*uz* – бирга йўналтирилган интерфейс

*en* – codirectional interface

Тип интерфейса, при котором каждая станция в сети генерирует одновременно информационный сигнал и связанный с ним сигнал собственной тактовой синхронизации. Оба сигнала передаются в одном и том же направлении последовательно от одного узла сети к другому. При таком способе информационного обмена передача в противоположных направлениях может осуществляться с разной скоростью, поскольку опорные генераторы на обоих концах линии автономные.

Интерфейс тури бўлиб, тармоқдаги ҳар бир станция бир вақтнинг ўзида ахборот сигналини ҳамда у билан боғлиқ, хусусий тактли синхронлаш сигналини генерациялайди. Иккала сигнал ҳам айнан бир йўналишда, тармоқнинг бир узелидан иккинчисига изчил узатилади. Бундай усулда ахборот айирбошланганда қарама-қарши йўналишларда узатиш, линиянинг ҳар икки учидаги таянч генераторлари автоном бўлгани сабабли, ҳар хил тезлик билан амалга оширилиши мумкин.

**Сонаправленный ответвитель**

Ответвитель, в котором приходящие и отраженные волны распространяются в одном направлении.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – бирга йўналтирилган тармоқлагич
*en* – codirectional coupler

Келаётган ва қайтарилган тўлқинлар битта йўналишда тарқаладиган тармоқлагич.

**Соседние узлы**
*uz* – қўшни узеллар
*en* – adjacent nodes

Два узла сети, которые соединены друг с другом одной или несколькими линиями связи и не имеют других промежуточных узлов между собой.

Тармоқнинг, ўзаро бир ёки бир нечта алоқа линияси орқали боғланган ҳамда бошқа оралиқ узелларга эга бўлмаган икки узели.

**Состояние исправное**
*uz* – созлик ҳолати
*en* – good state

Состояние объекта, при котором он соответствует всем требованиям нормативной и/или конструкторской документации.

Объектнинг, норматив ва/ёки конструкторлик ҳужжатларнинг барча талабларига мос келадиган ҳолати.

**Состояние работоспособное**
*uz* – ишга яроқлилик ҳолати
*en* – operation state

Состояние объекта, при котором значения всех параметров, характеризующих способность выполнять заданные функции, соответствует требованиям нормативной документации.

Объектнинг, берилган функцияларни бажариш қобилиятини тавсифловчи барча параметрлар қийматларининг норматив ҳужжат талабларига мос келадиган ҳолати.

**Спектр**
*uz* – спектр
*en* – spectrum

Функция, описывающая зависимость изменения амплитуды и фазы сигнала от частоты и однозначно определяющая его характеристики и свойства.

Сигнал амплитудаси ва фазаси ўзгаришининг частотага боғлиқлигини тавсифловчи ҳамда унинг хоссалари ва характеристикаларини қатъий белгиловчи функция.

**Спектр мощности по задержке**
*uz* – кечикиш бўйича қувват спектри
*en* – delay power spectrum

Распределение мощности спектральных составляющих принимаемого сигнала в зависимости от времени.

Қабул қилинадиган сигнал спектрал ташкил этувчилари қувватининг вақтга боғлиқ ҳолда тақсимланиши.

**Спектральная плотность**
*uz* – спектрал зичлик

Плотность распределения средней мощности сигнала в зависимости от частоты. Спектральная плотность определяется в ограниченной



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – spectral density

полосе частот. Квадрат модуля спектральной плотности называют энергетической спектральной плотностью сигнала.

Сигнал ўртача қувватининг, частотага боғлиқ ҳолда тақсимланиш зичлиги. Спектрал зичлик чекланган частоталар полосасида аниқланади. Спектрал зичлик модулининг квадрати сигналнинг энергетик спектрал зичлиги дейилади.

**Спектральная плотность мощности шума**

*uz* – шовқин қувватининг спектрал зичлиги

*en* – noise-power spectral density

Отношение эквивалентной мощности шума к ширине полосы пропускания приемника.

Шовқин эквивалент қувватининг қабул қилгичнинг ўтказиш полосаси кенглигига нисбати.

**Спектральная увствительность**

*uz* – спектрал сезгирлик

*en* – spectral responsivity

Чувствительность оптического прибора, зависящая от воздействия электромагнитных колебаний определенной длины волны.

Оптик асбобнинг, муайян тўлқин узунлигидаги электромагнит тебранишларнинг таъсирига боғлиқ сезгирлиги.

**Спектральная эффективность**

*uz* – спектрал эффективлик

*en* – spectral efficiency

Показатель эффективности передачи цифровой информации при использовании различных методов модуляции, определяемый как максимальное количество данных, переданное в единицу времени в полосе шириной 1 Hz (размерность показателя – bit/s·Hz). Например, для BPSK спектральная эффективность теоретически равна 1 bit/s·Hz, OQPSK – 1,5 bit/s·Hz и для QPSK равна 2 bit/s·Hz.

Турли модуляциялаш методларидан фойдаланишда 1 Hz кенгликдаги полосада вақт бирлигида узатилган маълумотларнинг максимал миқдори сифатида аниқланадиган рақамли ахборотни узатиш эффективлик кўрсаткичи (кўрсаткичнинг ўлчамлилиги – bit/s·Hz). Масалан, BPSK учун спектрал эффективлик назарий жиҳатдан 1 bit/s·Hz га, OQPSK учун 1,5 bit/s·Hz ва QPSK учун 2 bit/s·Hz га тенг.

**Спектрально-селективный разветвитель**

Оптический разветвитель, коэффициенты передачи между оптическими полюсами которо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – спектрал-селектив тармоқлагич

*en* – spectral selective coupler

го зависят от длины волны в заданном диапазоне длин волн оптического излучения.

Оптик қутблар ўртасидаги узатиш коэффициентлари оптик нурланиш тўлқин узунликларининг берилган диапазонидаги тўлқин узунлигига боғлиқ бўлган оптик тармоқлагич.

**Спираль; спиральный излучатель**

*uz* – спираль; спираль нурлатгич

*en* – helix

Излучатель, представляющий собой спиральный провод, один конец которого остается свободным, а второй – подсоединен к внутреннему проводнику коаксиального кабеля. Оплетка кабеля соединена с металлическим или решетчатым экраном (круглым или прямоугольным), который препятствует проникновению тока, текущего по внутренней поверхности оплетки, на ее наружную поверхность.

Бир учи бўш қоладиган, иккинчи учи коаксиал кабелнинг ички ўтказгичига уланган спираль симдан иборат нурлаткич. Кабель ўрами (думалоқ ёки тўғри бурчакли) ўрамнинг ички сирти бўйлаб ташқарига оқувчи токнинг ўтишига халақит берувчи металл ёки панжарали экран билан уланган.

**Спиральная обмотка**

*uz* – спираль ўрам

*en* – spiral wrap

Устройство из двух или более кабелей, любого признанного типа или категории, связанных вместе любым кордом или лентой для формирования единой конструкции.

Ҳар қандай тан олинган тур ёки тоифадаги, яхлит конструкция ҳосил қилиш учун ҳар қандай корд ёки тасма билан бирга боғланган икки ёки ундан ортиқ кабелдан иборат қурилма.

**Сплайс; стык**

*uz* – сплайс; туташиш жойи

*en* – splice

Место сращивания или разветвления кабелей, осуществляемое в тех местах, где впоследствии не потребуется перекоммутация проводников.

Кабель блокларининг уланиш ёки тармоқланиш жойи. Симларнинг (ўтказгичларнинг) қайта коммутацияланиши талаб этилмайдиган жойларда амалга оширилади.

**Сплайс-пластина**

*uz* – сплайс-пластина

*en* – splice plate

Монтажная плата, на которой осуществляется разводка подводящего оптического кабеля и сращивание его волокон с короткими оптическими отводами. С помощью этих отводов обеспечивается подключение оптоволоконно-



www.ziyouz.com kutubxonasi

го кабеля к переходным розеткам оптической распределительной коробки.

Ўтказувчи оптик кабелни тармоқлаш ва унинг толаларини қисқа оптик тармоқлагич билан улаш амалга ошириладиган монтаж платаси. Бу тармоқлагичлар ёрдамида оптик-толали кабелни оптик тақсимлаш қутисининг ўтиш розеткаларига улаш таъминланади.

**Сращивание**
*uz* – толаларни улаш
*en* – splicing

Постоянное соединение концов волокон с идентичными или сходными волокнами без использования коннектора. См. также: «Сращивание методом сплавления»; «Механическое сращивание».

Коннектордан фойдаланмасдан, ўхшаш ёки яқин тола учларини доимий улаш. Шунингдек, «Эритиш методи билан улаш», «Механик улаш» га қаранг.

**Сращивание методом сплавления**
*uz* – эритиш методи билан улаш
*en* – fusion splice

Постоянное соединение, полученное в результате нагрева концов оптических волокон до температуры, достаточной для того, чтобы они расплавились.

Оптик толалар учларини, улар эриши учун етарли бўлган температурагача қиздириш йўли билан доимий улаш.

**Среда**
*uz* – муҳит
*en* – medium

1. Условие, при котором происходит распространение радиоволн или передача оптических сигналов. 2. Совокупность конкретных средств, с помощью которых передается информация, т.е. каналов или линий связи различной физической природы: кабельные, волоконно-оптические, спутниковые, радиорелейные, тропосферные и др.

1. Радиотўлқинларнинг тарқалиши ёки оптик сигналларнинг узатилиши рўй берадиган шароит. 2. Ахборот узатилишида кўмаклашадиган маълум воситалар, яъни турли хусусият касб этувчи – кабелли, оптик-толали, йўлдошли, радиорелели, тропосфера ва б. алоқа каналлари ёки линияларининг жами.

**Стабилизированный источник света**

Светодиод или лазерный диод, излучающие свет с контролируемыми и постоянными – шириной спектра, центральной длиной вол-



www.ziyouz.com kutubxonasi

uz – стабиллаштирилган ёруғлик манбаи

en – stabilized light source

ны и наивысшим значением частоты, относительно времени и температуры.

Ёруғликни назорат қилинадиган ва ўзгармас спектр кенглиги, марказий тўлқин узунлиги ҳамда вақт ва температурага нисбатан частотанинг энг юқори қиймати билан ёруғлик нурлантирувчи диод ёки лазерли диод.

**Стандартная защита**

uz – стандарт ҳимоя

en – standard protection

См. «Первичная защита».

«Бирламчи ҳимоя» га қаранг.

**Станционное оборудование**

uz – станция ускунаси

en – station equipment

См. «Оборудование помещений заказчика».

«Буюртмачи хоналари ускунаси» га қаранг.

**Станционный оптический кабель**

uz – станцион оптик кабель

en – station optical cable

Одноволоконный оптический кабель, соединяющий входные и выходные оптические полюса аппаратуры ЦВОЛТ с линейным кабелем или другими компонентами оптической цепи регенерационного участка.

РОТЛТ аппаратурасининг кириш ва чиқиш оптик қутбларини линия кабели ёки регенерациялаш участкаси оптик занжирининг бошқа компонентлари билан уловчи бир толали оптик кабель.

**Стек протоколов**

uz – протоколлар стеки

en – protocol stack

Иерархически организованный набор протоколов, охватывающий несколько смежных уровней эталонной модели OSI, например, стек протоколов TCP/IP.

OSI эталон модели қўшни сатҳларини қамраб олувчи, иерархик ташкил қилинган протоколлар тўпламн, масалан, TCP/IP протоколлари стеки.

**Стояк**

uz – қувур устун (стояк)

en – riser

Кабельная трасса, проходящая между этажами. Обычно это вертикальная шахта или пространство.

Қаватлар орасидан ўтадиган кабель трассаси. Одатда, вертикал шахта ёки бўшлиқ.

**Стоячая волна**

uz – турғун тўлқин

en – standing wave

Волна, образующаяся при наложении двух волн, распространяющихся в противоположных направлениях, одна из которых является прямой, а вторая отраженной от удаленного



www.ziyouz.com kutubxonasi

концa линии передачи. В стоячей волне напряжение и ток сдвинуты по фазе на 90°, а их амплитуды изменяются вдоль линии связи, достигая в некоторых точках максимума (пучности), а в других – нуля (узлы).

Қарама-қарши йўналишда тарқаладиган, бири тўғри, иккинчиси узатиш линиясининг олисдаги учидан қайтган икки тўлқиннинг қўшилишидан ҳосил бўладиган тўлқин. Турғун тўлқинда кучланиш ва ток фаза бўйича 90° га сурилган, амплитудалари баъзи нуқталарда максимумга (боғламлилик максимумига), баъзиларида эса, нолга (узеллар) етган ҳолда, алоқа линияси бўйлаб ўзгаради.

**Структурированная кабельная система**

Уширение импульса света, вызванное разницей в коэффициентах преломления разных длин волн.

Турли тўлқин узунликларининг синиш коэффициентлари ўртасидаги фарқ туфайли келиб чиқадиган ёруғлик импульсининг кенгайиши.

## Ц

**Цезиевый эталон частоты**

*uz* – цезийли частота эталони

*en* – cesium clock

Международный первичный эталон, в котором секунда определяется как интервал времени, равный 9192631770 периодам энергетических переходов в атоме цезия. Долговременная нестабильность частоты составляет $\pm 2\cdot 10^{12}$. На практике этот эталон используется для получения сетки опорной частоты, из которой синтезируется ряд дискретных стандартных частот 1, 5 или 10 MHz.

Халқаро бирламчи эталон. Унда секунд цезий атомидаги энергетик ўтишларнинг 9192631770 даврига тенг бўлган вақт интервали сифатида белгиланади. Частотанинг узоқ муддатли нобарқарорлиги $\pm 2\cdot 10^{12}$ ни ташкил этади. Амалда бу эталондан 1, 5 ёки 10 MHz дискрет стандарт частоталар қатори синтезланадиган таянч частота турини олишда фойдаланилади.

**Целостность бита**

*uz* – битнинг яхлитлиги

*en* – bit integrity

Сохранение неизменным значения каждого бита во время обработки, накопления или передачи данных по каналу связи.

Маълумотларни қайта ишлаш, тўплаш ёки алоқа канали орқали узатиш вақтида ҳар бит қийматининг ўзгармасдан қолиши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Целостность данных**
*uz* – маълумотларнинг бутлиги
*en* – data integrity

Сохранение заданной структуры и достоверности данных после их обратного преобразования и обработки на приемной стороне.

Қабул қилиш томонда қайта ўзгартирилгандан ва қайта ишлангандан сўнг, маълумотлар берилган структураси ва ишончлилигининг сақланиши.

**Целостность последовательности битов**
*uz* – битлар кетма-кетлигининг яхлитлиги
*en* – bit count integrity

Сохранение неизменным количества битов при приеме/передаче сообщения или количества битов в единицу времени (для передачи в прозрачном режиме).

Хабарни қабул қилиш/узатишда битлар сонининг ўзгармасдан сақланиши ёки вақт бирлигидаги битлар сони (очиқ режимда узатиш учун).

**Централизованное распределение**
*uz* – марказлаштирилган тақсимот
*en* – home-run

Метод распределения, при котором отдельные кабели проходят непосредственно от телекоммуникационного шкафа к каждой телекоммуникационной розетке.

Тақсимлаш методи бўлиб, айрим кабеллар бевосита телекоммуникация шкафидан ҳар бир телекоммуникация розеткасига ўтади.

**Центральная длина волны**
*uz* – марказий тўлқин узунлиги
*en* – center wavelength

Среднее арифметическое двух длин волн, измеренных в точках половины максимальной амплитуды спектра мощности.

Қувват спектри максимал амплитудаси ярим нуқтасида ўлчанган икки тўлқин узунлигининг ўртача арифметик қиймати.

**Центральная длина волны лазера**
*uz* – лазернинг марказий тўлқин узунлиги
*en* – center wavelength (laser)

Номинальное значение центральной действующей длины волны. Длина волны, определяемая по измерению наивысшего значения эффективной оптической мощности.

Амалдаги марказий тўлқин узунлигининг номинал қиймати. Эффектив оптик қувватнинг энг юқори қийматини ўлчаш орқали аниқланадиган тўлқин узунлиги.

**Центральный элемент**
*uz* – марказий элемент
*en* – central member

1. Центральный компонент кабеля. Изготавливается из стали, стекловолокна или стеклопластика. 2. Стабилизирующий элемент для сопротивления возникающим от изменения температуры напряжениям. Может выполнять функции элемента жесткости.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Кабелнинг марказий компоненти. Пўлатдан, шиша тола ёки шиша пластикдан тайёрланади. 2. Температура ўзгаришлари туфайли юзага келадиган кучланишларга қаршилик кўрсатиш учун мўлжалланган стабилловчи элемент. Қаттиқлик элементи вазифасини бажариши мумкин.

**Центратор**

*uz* – центратор

*en* – centralizer

Узел разъемного оптического соединителя, предназначенный для центрирования оптических наконечников или оптического волокна.

Қисмларга ажраладиган оптик улагичнинг оптик учликлар ёки оптик толани марказлаш учун мўлжалланган узели.

**Цепь физическая**

*uz* – физик занжир

*en* – physical circuit

Металлические провода или оптические волокна, образующие направляющую среду для передачи сигналов телекоммуникаций.

Телекоммуникациялар сигналларини узатиш учун йўналтирувчи муҳит ҳосил қилувчи металл симлар ёки оптик толалар.

**Цикл**

*uz* – цикл

*en* – cycle

Циклическая совокупность последовательных тактовых интервалов, в которой может быть определено относительное положение каждого тактового интервала.

Такт интерваллари кетма-кетлигининг циклли тўплами бўлиб, унда ҳар бир такт интервалининг нисбий ҳолати аниқланиши мумкин.

**Циклическая избыточная проверка**

*uz* – циклик ортиқча текшириш

*en* – cyclic redundancy check (CRC)

Алгоритм или схема обнаружения ошибок передачи данных, основанная на использовании циклического избыточного кода.

Алгоритм ёки маълумотларни узатишдаги хатоларни аниқлашнинг даврий ортиқча коддан фойдаланишга асосланган схемаси.

**Циклический избыточный код**

*uz* – циклик ортиқча код

*en* – cyclic redundancy code (CRC)

Циклический код, или алгоритм, используемый для обнаружения ошибок передачи данных; основан на вставке избыточных бит на определенные, рассчитанные при кодировании, позиции.

Маълумотлар узатишдаги хатоларни аниқлаш учун фойдаланиладиган циклик код ёки алгоритм; ортиқча битларни маълум бир, кодлашда ҳисобланган позицияларга киритишга асосланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Цикловая синхронизация**

*uz* – циклик синхронлаш

*en* – frame synchronization

1. Метод синхронизации в системах с временным разделением каналов, основанный на выделении из входного потока данных специальной кодовой комбинации, определяющей начало цикла. 2. Синхронизация в системах с покадровой передачей данных.

1. Каналлар вақт бўйича ажратилган тизимлардаги синхронлаш методи. Кирувчи маълумотлар оқимидан цикл бошланишини аниқловчи махсус кодли комбинацияни ажратишга асосланган. 2. Маълумотлар кадрма-кадр узатиладиган тизимлардаги синхронлаш.

**Цифровая абонентская линия**

*uz* – рақамли абонент линияси

*en* – digital subscriber line (DSL)

Линия связи, предназначенная для подключения абонента к магистрали. В качестве цифровой абонентской линии в настоящее время используются обычные телефонные линии, по которым передаются высокоскоростные потоки информации.

Абонентни магистралга улаш учун мўлжалланган алоқа линияси. Бундай рақамли абонент линияси сифатида ҳозирги вақтда, юқори тезликли ахборот оқимлари узатиладиган, оддий телефон линияларидан фойдаланилмоқда.

**Цифровая абонентская линия *х*-типа**

*uz* – *х* туридаги рақамли абонент линияси

*en* – digital subscriber line (*x*DSL)

Семейство технологий абонентского доступа, обычно включающее 6 типов линий, из которых наибольшее распространение получили две технологии ADSL и VDSL. Литера, заменяющая *х* в названии, указывает на конкретный тип линии. Если раньше этот символ заменял лишь одну букву в названии технологии (А, Н, S, V), то сейчас он используется в виде различных буквенных сочетаний, например, AirDSL, PoDSL (POTS over DSL), VoDSL (Voice over DSL) и др. Общая идеология xDSL ориентирована на использование коротких линий с относительно сложными методами модуляции, что обеспечивает высокоэффективное использование ограниченной полосы частот.

Абонент фойдалана олиш технологиялари туркуми. Олти турдаги линияни ичига олади. ADSL ва VDSL технологиялари кенг тарқалган. Номланишда *х* нинг ўрнини тўлдирадиган литерлар муайян тур линияни кўрсатади. Олдин бу символ технология номидаги битта ҳарфни



www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштирса (A, H, S, V), ҳозирда турли ҳарф бирикмалари, масалан, AirDSL, PoDSL VoDSL каби кўринишларда фойдаланилади. xDSL нинг умумий ғояси нисбатан мураккаб модуляция методларига эга қисқа линиялардан фойдаланишга қаратилган, бу чекланган полосалар частотасидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

**Цифровая апертура**

*uz* – рақамли апертура

*en* – numerical aperture (NA)

Величина, характеризующая точку сбора света в волокне.

Ёруғликнинг толада тўпланиш нуқтасини тавсифловчи қиймат.

**Цифровой кроссируемый сигнал уровня 1**

*uz* – рақамли, кроссланадиган 1-сатҳ сигнали

*en* – digital signal cross-connect leveln (DSXn)

Обозначения цифровых каналов DSn, которые используются для организации информационного обмена внутри зданий. Так, максимальная протяженность соединительных линий для DS1 не превышает 200 m, а для более высокоскоростных потоков еще меньше. Название сигналов DSXn происходит от кроссового оборудования, используемого на неавтоматизированных коммутационных станциях.

Бинолар ичида ахборот алмашинувини ташкил қилиш учун фойдаланиладиган DSn рақамли каналларининг белгиланиши. Жумладан, DS1 учун боғловчи линияларнинг максимал узунлиги 200 m дан ошмайди, янада юқори тезликли оқимлар учун ундан ҳам кам. DSXn сигналларининг номи автоматлаштирилмаган коммутацион станцияларда ишлатиладиган кросс ускунадан келиб чиққан.

## Ч

**Частота**

*uz* – частота

*en* – frequency

Количество полных циклов периодически изменяющегося сигнала в единицу времени (измеряется в герцах).

Даврий ўзгарадиган сигнал тўлиқ циклларининг вақт бирлиги ичидаги миқдори (герцларда ўлчанади).

**Частота появления ошибок в кадре**

*uz* – кадрда хатоларнинг

Отношение количества кадров, принятых с ошибками к общему числу переданных.

Хатолар билан қабул қилинган кадрлар сони-



www.ziyouz.com kutubxonasi

пайдо бўлиш частотаси
*en* – frame error rate

нинг, узатилган кадрларнинг умумий сонига нисбати.

**Частота среза**
*uz* – кесим частотаси
*en* – cutoff frequency

Частота на границе полосы пропускания (задержания), при которой относительное затухание фильтра достигает заданного значения.

Ўтказиш (тутиб қолиш) полосаси чегарасидаги частота. Бу частотада фильтрнинг нисбий сўниши берилган қийматга етади.

**Четверка**
*uz* – тўртлик
*en* – quad

Четыре скрученных вместе изолированных провода или две пары свитых изолированных проводов.

Бирга ўралган изоляцияланган тўртта сим ёки икки жуфт қўшилган, изоляцияланган сим.

**Четверочный кабель**
*uz* – тўрттали к кабель
*en* – quadded cable

Кабель, состоящий из четырех или кратного четырем числа изолированных проводов, скрученных вместе по четыре и находящихся в защитной оболочке.

Тўрт ёки тўртга каррали, изоляцияланган, тўрттадан ўралган ва ҳимоя қобиғига эга бўлган кабель.

**Четвертьволновый симметричный вибратор**
*uz* – чорак тўлқинли симметрик вибратор
*en* – quarter-wave dipole

Линейный симметричный вибратор, электрическая длина которого равна четверти длины волны.

Электр узунлиги тўлқин узунлигининг чорагига тенг бўлган, чизиқли симметрик вибратор.

**Четность**
*uz* – жуфтлик
*en* – parity

Признак, определяющий, является ли число элементов в последовательности четным или нечетным; обычно вычисляется как сумма элементов по модулю два.

Кетма-кетликдаги элементлар сони жуфт ёки тоқ эканлигини белгиловчи аломат; икки модули бўйича элементларнинг йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

**Четырехпроводная линия**
*uz* – тўрт симли линия
*en* – 4W (four wire) circuit

Две двухпроводные линии, по одной из которых сигналы передаются в прямом, а по другой – в обратном направлении связи.

Иккита икки симли линия бўлиб, уларнинг бири орқали сигналлар тўғри йўналишда, бошқаси орқали эса, тескари йўналишда узатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**(Число) битов на дюйм**

*uz* – дюймдаги битлар (сони)

*en* – bits per inch (bpi)

Единица плотности записи данных в битах на единицу длины в дюймах.

Дюймларда ўлчанадиган узунлик бирлигига тўғри келадиган, битларда ифодаланадиган маълумотларни ёзиш зичлигининг бирлиги.

**(Число) битов на пиксель**

*uz* – пикселдаги битлар (сони)

*en* – bits per pixel (bpp)

Единица измерения объема информации, равная числу битов необходимых для представления цвета одного пикселя. Так, 1 бит соответствует представлению черно-белого пикселя, 4 бита отображают гамму из 16-ти цветов, а 8 – комбинацию из 256 цветов.

Ахборот ҳажмини ўлчаш бирлиги. Бир пиксель рангини кўрсатиш учун зарур бўлган битлар сонига тенг. Жумладан, бир бит оқ-қора пиксель узатилишига тўғри келади, 4 бит 16 та рангдан иборат гаммани, 8 бит эса, 256 та рангдан иборат комбинацияни акс эттиради.

**(Число) кадров в секунду, кадр/с**

*uz* – бир секунддаги кадрлар (сони), кадр/с

*en* – frames per second (fps)

Единица измерения скорости передачи кадров стандартного (фиксированного) размера.

Стандарт (қатъий) ўлчамдаги кадрларни узатиш тезлигининг ўлчов бирлиги.

**(Число) чипов в секунду, чип/с**

*uz* – бир секунддагичиплар (сони), чип/с

*en* – chips per second (cps)

Единица измерения скорости передачи сигналов с расширенным спектром.

Кенг спектрли сигналларни узатиш тезлигининг ўлчов бирлиги.

**Чувствительность**

*uz* – сезгирлик

*en* – sensitivity

Для волоконно-оптического приемника – это минимальная оптическая мощность, требуемая для достижения определенного уровня рабочих характеристик.

Оптик-толали қабул қилгич учун – ишчи характеристикаларнинг маълум даражасига эришиш учун талаб қилинадиган минимал оптик қувват.

**Чувствительность приемника**

*uz* – қабул қилгичнинг сезгирлиги

Характеристика, определяющая способность радиоприемника обеспечивать нормальный прием слабых сигналов. Чувствительность приемника обычно измеряется в микровольтах



www.ziyouz.com kutubxonasi

*en* – receiver sensitivity

(mkV) или dBW.

Радио қабул қилгичнинг кучсиз сигналлар нормал қабул қилинишини таъминлаш қобилиятини белгиловчи характеристика. Одатда, қабул қилгичнинг сезгирлиги микровольтлар (mkV) ёки dBW ларда ўлчанади.

## Ш

**Шаг квантования**

*uz* – квантлаш қадами

*en* – quantization step

Разность между двумя соседними уровнями квантования. В пределах того или иного шага квантования производится округление сигнала до уровня, обычно соответствующего верхнему значению сигнала.

Иккита, қўшни квантлаш даражаси ўртасидаги фарқ. У ёки бу квантлаш қадами чегарасида сигнални унинг юқори қийматига мос келадиган даражагача яхлитлаш амалга оширилади.

**Шина**

*uz* – шина

*en* – bus

1. Соединительная линия, к которой может параллельно подключиться большое число станций в режиме разделения общего ресурса и осуществлять обмен информацией. 2. Магистраль; магистральная шина.

1. Умумий ресурснинг тақсимланиш ва ахборот алмашинув режимида бир нечта станция параллел уланиши мумкин бўлган боғловчи линия. 2. Магистраль; магистраль шина.

**Ширина полосы частот**

*uz* – частоталар полосасининг кенглиги

*en* – bandwidth

Разность между максимальной и минимальной частотами, которая обычно определяет ширину спектра, занимаемую полезным сигналом в канале связи. В сетях передачи данных этот термин служит для обозначения пропускной способности канала.

Алоқа каналида фойдали сигнал эгаллайдиган спектр кенглигини белгиловчи максимал ва минимал частоталар ўртасидаги фарқ. Маълумотлар узатиш тармоғида бу атама каналнинг ўтказиш қобилиятини белгилаш учун хизмат қилади.

**Ширина спектра**

*uz* – спектр кенглиги

*en* – spectral bandwidth

Полоса частот, в которой сосредоточена основная энергия излучаемого сигнала и находятся частотные составляющие, имеющие максимальные значения. Ширина спектра обычно из-



www.ziyouz.com kutubxonasi

меряется по уровню 0,5 (3 dB) от максимального значения мощности или по уровню 0,707 от максимальных значений тока или напряжения.

Нурланадиган сигналнинг асосий энергияси тўпланган, максимал қийматга эга частота ташкил этувчилари бўлган частоталар полосаси. Спектр кенглиги қувват максимал қийматининг ярим (3 dB) даражаси бўйича ёки ток ёхуд кучланиш максимал қийматларининг 0,707 даражаси бўйича ўлчанади.

**Широкополосный канал**

*uz* – кенг полосали канал

*en* – broadband channel

Канал, по которому может быть обеспечена одновременная передача данных от большого числа узкополосных источников информации (речь, данные, факс) или от одного или нескольких высокоскоростных источников (видеоизображения, мультимедийные данные). Примерами широкополосных каналов являются линии DSL, кабельные каналы, радиоканалы WCDMA.

Бир вақтнинг ўзида кўплаб тор полосали ахборот манбаларидан (нутқ, маълумотлар, факс), бир ёки бир нечта юқори тезликли манбалардан (видеотасвир, мультимедиа маълумотлари) маълумотлар узатилиши мумкин бўлган канал. DSL линиялари, кабелли каналлар, WCDMA радиоканаллари кенг полосали каналларга мисол бўлади.

**Широкополосный многостанционный доступ с кодовым разделением каналов**

*uz* – каналларни кодли ажратиш билан кенг полосали, кўп станцион фойдалана олиш

*en* – wideband code division multiple access (WCDMA)

1. Технология многостанционного доступа, основанная на использовании сигналов с расширенным спектром и применяемая для высокоскоростной передачи данных и видео. 2. Название проекта системы мобильной связи третоего поколения, предложенного ARIB (Япония) в 1998 г. В такой системе обеспечивается возможность передачи информации в широком диапазоне скоростей от 4,8 kbit/s до 2,048 Mbit/s.

1. Кенг спектрли сигналлардан фойдаланишга асосланган ҳамда маълумотлар ва видеони юқори тезликда узатиш учун қўлланиладиган кўп станцияли фойдалана олиш технологияси. 2. ARIB (Япония) томонидан 1998 йилда таклиф қилинган учинчи авлод мобил алоқа тизими лойиҳасининг номи. Бундай тизимда ахборотни 4,8 kbit/s дан 2,048 Mbit/s гача тезликда узатиш имконияти таъминланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Широкополосный ответвитель**
*uz* – кенг полосали тармоқлагич
*en* – wavelength-insensitive coupler

Ответвитель, коэффициент передачи которого не зависит от длины волны.

Узатиш коэффициенти тўлқин узунлигига боғлиқ бўлмаган тармоқлагич.

**Широкополосный сигнал**
*uz* – кенг полосали сигнал
*en* – broadband signal

Сигнал, который занимает полосу частот значительно более широкую, чем информационный сигнал.

Ахборот сигналига нисбатан бирмунча кенг частоталар полосасини эгаллайдиган сигнал.

**Шкаф**
*uz* – шкаф
*en* – cabinet

Помещение, содержащее коммутационные устройства, точки терминирования, электропроводку или активное оборудование.

Коммутация қурилмалари, уланиш нуқталари, электр ўтказгич ёки актив ускунани ўз ичига оладиган хона.

**Шкаф для оборудования**
*uz* – ускуна учун шкаф
*en* – equipment closet

См. «Телекоммуникационный шкаф».

«Телекоммуникация шкафи» га қаранг.

**Шкаф стояка**
*uz* – стояк (қувур устун) шкафи
*en* – riser closet

См. «Телекоммуникационный шкаф».

«Телекоммуникация шкафи» га қаранг.

**Шлейф**
*uz* – шлейф
*en* – crankback

Замыкание линии связи через ретранслятор с целью контроля работы собственного передатчика.

Тармоқдаги узаткичнинг ишлашини назорат қилиш мақсадида, алоқа линиясини ретранслятор орқали туташтириш.

**Шлейфовый режим; режим свернутого кольца**
*uz* – шлейфли режим; туташтирилган ҳалқа режими
*en* – wrap-up operation

Метод восстановления работоспособности сети с двухкольцевой структурой, при котором участок неисправного первичного кольца (обрыв кабеля или аппаратный отказ) заменяется частью вторичного; при этом оба кольца будут функционировать как единое целое. Операция



www.ziyouz.com kutubxonasi

«свертывания» кольца осуществляется двумя устройствами, находящимися по обе стороны от источника неисправности. После устранения неисправности сеть автоматически переходит в нормальный режим работы с передачей данных только по первичному кольцу.

Икки ҳалқали структурага эга тармоқнинг ишлаш қобилиятини тиклаш методи. Бунга асосан, бирламчи ҳалқанинг носоз қисми (кабелнинг узилган жойи ёки аппаратнинг ишламай қолиши) иккиламчи тармоқнинг бир қисми билан алмаштирилади, иккала ҳалқа яхлит бир бутун сифатида ишлай бошлайди. Ҳалқани «туташтириш» операцияси носозлик манбаининг ҳар икки томонидаги иккита қурилма орқали амалга оширилади. Носозлик бартараф этилгандан сўнг, тармоқ автоматик равишда маълумотларни фақат бирламчи ҳалқа бўйича узатган ҳолда, нормал ишлаш режимига ўтади.

**Шнур**
*uz* – шнур
*en* – cord

Гибкий многожильный кабель относительно небольшой длины.

Унча узун бўлмаган, эгилувчан, кўп симли кабель.

**Шнур активного оборудования**
*uz* – актив ускуна шнури
*en* – equipment cable

Кабель или кабельный узел, используемый для подключения телекоммуникационного оборудования к горизонтальной или магистральной кабельной системе на рабочем месте, в телекоммуникационном шкафу и аппаратной.

Телекоммуникация ускунасини иш жойидаги, телекоммуникация шкафи ва аппаратхонадаги горизонтал ёки магистраль кабель тизимига улаш учун фойдаланиладиган кабель ёки кабель узели.

**Шнуровая коммутация**
*uz* – шнурли коммутация
*en* – patching

Коммутация с помощью соединительных шнуров в ручном коммутаторе.

Қўл коммутаторида уловчи шнурлар ёрдамида коммутациялаш.

**Штормовая карта**
*uz* – шторм харитаси
*en* – isoceraunic map

Географическая карта большой территории с линиями, соединяющими точки с равной штормовой активностью на определенный день. Используется при определении характеристик оптических кабелей при воздушной прокладке.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муайян кунга тузилган, тенг шторм активлигига эга нуқталарни бирлаштирувчи чизиқлардан иборат географик харита. Ҳаво кабелларини ўтказишда оптик кабелларнинг тавсифларини белгилаш учун фойдаланилади.

**Штырь**
*uz* – штирь
*en* – pin

1. Штыревой контакт, который вставляется в ответную часть соединителя с гнездами. 2. Согласующий элемент в виде стержня, установленный в волноводном тракте.

1. Тешикчалари бор улагичнинг орқа қисмига қўйиладиган штирли контакт. 2. Тўлқин ўтказгич трактида ўрнатилган, стержень (ўзак) кўринишидаги мослаштирувчи элемент.

**Шум в свободном канале**
*uz* – бўш (банд этилмаган) каналдаги шовқин
*en* – idle-channel noise

Шум, который присутствует в приемном канале при отсутствии полезного сигнала. Измерение уровня этого шума позволяет радиостанции выбрать такой свободный канал, в котором обеспечиваются наилучшие условия работы.

Қабул қилиш каналида фойдали сигнал йўқлигида бўладиган шовқин. Бу шовқин даражасини ўлчаш радиостанцияга энг яхши ишлаш шароитлари таъминланадиган бўш канални танлаш имконини беради.

**Шум квантования**
*uz* – квантлаш шовқини
*en* – quantization noise

Дополнительный шумовой сигнал, возникающий в процессе квантования и аддитивно складывающийся с восстановленным полезным сигналом. Такой вид искажений принципиально неустраним, но его величина может быть минимизирована путем увеличения числа уровней квантования или уменьшения шага квантования. Кроме случайного шума при квантовании появляется еще ряд специфических искажений сигнала, таких как шум при перегрузке, шум дробления и искажения, возникающие при передаче сигналов с квазипостоянным уровнем.

Квантлаш жараёнида юзага келадиган ҳамда аддитив тарзда тикланган фойдали сигнал билан қўшиладиган қўшимча шовқинли сигнал. Бу хил бузилишларни бартараф этиб бўлмайди, лекин унинг катталигини квантлаш даражалари сонини ошириш ёки квантлаш қадамини кичиклаштириш йўли билан камайтириш мумкин. Квантлашда тасодифий шовқиндан ташқари,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўта юкланишдаги шовқин, парчалаш шовқини каби сигналнинг қатор специфик бузилишлари, шунингдек, квазидоимий даражали сигналларни узатишда вужудга келадиган бузилишлар пайдо бўлади.

**Шум с постоянным спектром**

*uz* – доимий спектрга эга шовқин

*en* – fixed-pattern noise

Шум с известным законом распределения спектральной плотности.

Спектрал зичликнинг маълум бир тақсимлаш қонунига бўйсунувчи шовқин.

**Шум; помеха**

*uz* – шовқин; халақит

*en* – noise

Паразитные электромагнитные колебания, имеющие случайные значения амплитуды, частоты или фазы. По своему происхождению шумы разделяют на внутренние (собственные шумы аппаратуры) и внешние. Основным источником собственных шумов является тепловое движение заряженных частиц в элементах аппаратуры. Внешние шумы или помехи представляют собой общий сигнал (смесь) от многих источников излучения как естественного (космические шумы и т.п.), так и промышленного происхождения.

Амплитуда, частота ёки фазанинг тасодифий қийматларига эга паразит электромагнит тебранишлар. Келиб чиқишига кўра, ички (аппаратуранинг хусусий шовқинлари) ва ташқи шовқинлар ажратилади. Хусусий шовқинларнинг асосий манбаи аппаратура элементларидаги зарядланган зарраларнинг иссиқлик ҳаракати ҳисобланади. Ташқи шовқин ёки халақитлар ҳам табиий (космик шовқинлар ва б.), ҳам саноат нурланиш манбаларидан чиқадиган умумий сигнал (аралашма) ни ўзида ифодалайди.

**Шумовое излучение**

*uz* – шовқин нурланиш

*en* – noise emission

Паразитное излучение, которое обусловлено тепловыми шумами и другими факторами, возникающими в усилителях, умножителях, генераторах, преобразователях частоты и синтезаторах.

Кучайтиргичлар, кўпайтиргичлар, генераторлар, частота ўзгартиргичлар ва синтезаторларда вужудга келадиган, иссиқлик шовқинлари ва бошқа омиллар билан боғлиқ паразит нурланиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Шумовой порог**

*uz* – шовқин чегараси

*en* – noise floor

Порог чувствительности, определяемый уровнем собственных шумов приемника в отсутствии полезного сигнала.

Фойдали сигнал бўлмаганда, қабул қилгич шовқинининг даражаси билан белгиланадиган сезгирлик чегараси.

**Шунтированный отвод**

*uz* – шунтланган тармоқ

*en* – bridged тap ethernet

Многократное появление одной и той же кабельной пары в нескольких точках терминирования. Локальная сеть группового спектра, созданная Xerox и разработанная совместно фирмами Xerox, Digital Equipment и Intel.

Бир кабель жуфтининг бир нечта улаш нуқталарида кўп маротаба учраши. Xerox томонидан яратилган ва Xerox, Digital Equipment ҳамда Intel фирмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган гуруҳли спектр локал тармоғи.

## Э

**Эквивалентная излучаемая мощность**

*uz* – эквивалент нурланадиган қувват

*en* – effective radiated power (ERP)

Характеристика мощности излучения, определяемая как произведение излучаемой мощности на коэффициент усиления полуволнового вибратора.

Нурланиш қувватининг характеристикаси. Нурланадиган қувватнинг ярим тўлқинли вибраторни кучайтириш коэффициентига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

**Экран**

*uz* – экран

*en* – shield (screen)

1. Слой металла, помещенный вокруг проводника или группы проводников для предотвращения электростатического или электромагнитного влияния на заключенные под ним проводники со стороны внешних полей.

*Примечание – Экран может представлять собой металлическую оболочку кабеля или слой металла внутри неметаллической оболочки.*

2. Экран или корпус, существенно уменьшающие проникновение электрического и магнитного полей или предотвращающие случайный контакт объектов или людей с элементами или компонентами схемы, функционирующими при опасном напряжении.

1. Ўтказгич ёки ўтказгичлар атрофида, уларнинг остидан ўтказилган ўтказгичларга ташқи



www.ziyouz.com kutubxonasi

майдонлар томонидан кўрсатиладиган электростатик ёки электромагнит таъсирни бартараф этиш учун жойлаштирилган металл қатлами.

*Изоҳ – Экран кабелнинг металл қобиғи ёки нометалл қобиқнинг ичидаги металл қатлами бўлиши мумкин.*

2. Электр ва магнит майдонлар ўтишини сезиларли камайтирувчи ёки объектлар ёхуд одамларнинг хавфли кучланиш остида ишлаётган схема компонентлари ёки элементларига тасодифан тегиб кетишининг олдини олувчи экран ёки корпус.

**Экранирование**
*uz* – экранлаш
*en* – shielding

Метод защиты узлов, блоков и других элементов оборудования с помощью специальных металлических экранов.

Узеллар, блоклар ва ускунанинг бошқа элементларини махсус металл экранлар ёрдамида ҳимоялаш методи.

**Экранированная витая пара**
*uz* – экранланган ўралган жуфт
*en* – screened twisted pair (ScTP)\

Кабельная среда с одной или более парами витых изолированных медных проводников, окруженных металлической оплеткой или фольгой и заключенных в единую пластиковую оболочку.

Металл тўр ёки фольга айлантирилган, яхлит пластик қобиққа солинган, изоляция қилинган мис ўтказгичларнинг бир ёки ундан ортиқ ўралган жуфтидан иборат кабелли муҳит.

**Экранированный кабель**
*uz* – экранланган кабель
*en* – shielded cable

Кабель, центральная жила которого находится в экранирующей оплетке.

Марказий (ўртадаги) сими экранловчи тўқимада бўлган кабель.

**Электромагнитная индукция**
*uz* – электромагнит индукция
*en* – electromagnetic induction

Ток, проходящий в телекоммуникационных проводниках, вызванный внешними магнитными полями (например, током в линиях электропередач или другими кабельными парами).

Телекоммуникация ўтказгичларида ўтувчи, ташқи магнит майдонлари (масалан, электр узатиш линияларида ток ёки бошқа кабель жуфтлари) келтириб чиқарган ток.

**Электромагнитная совместимость**

Условия, при которых возможно совместное использование различных средств радиосвя-



www.ziyouz.com kutubxonasi

*uz* – электромагнит мослашув

*en* – electromagnetic compatibility (EMC)

зи и гарантируется, что их взаимное влияние не приведет к снижению качества связи ниже установленных норм.

Турли радиоалоқа воситаларидан биргаликда фойдаланиш мумкин бўлган ҳамда уларнинг ўзаро таъсири алоқа сифатининг белгиланган нормалардан пасайишига олиб келмаслигини кафолатлайдиган шароит.

**Электромагнитная среда**

*uz* – электромагнит муҳит

*en* – electromagnetic environment

Электромагнитное поле (поля) и/или сигналы, существующие в передающей среде.

Узатувчи муҳитда мавжуд бўлган электромагнит майдон (лар) ва/ёки сигналлар.

**Электромагнитные помехи**

*uz* – электромагнит халақитлар

*en* – electromagnetic interference (EMI)

Помехи передаче или приему сигнала, возникающие в результате влияния электрических, электромагнитных и магнитных полей.

Сигнални узатиш ёки қабул қилишда, электр, электромагнит ва магнит майдонлар таъсирида вужудга келадиган халақитлар.

**Электрооптический коммутационный прибор**

*uz* – электрооптик коммутацион асбоб

*en* – electro-optic switch apparatus

Оптический коммутационный прибор, в котором оптическая коммутация осуществляется за счет электрооптического эффекта в его элементах.

Оптик коммутация элементларида кузатиладиган электрооптик эффект ҳисобига амалга ошириладиган оптик коммутацион асбоб.

**Электростатическая индукция**

*uz* – электростатик индукция

*en* – electrostatic induction

Электростатическое излучение, вызывающее в телекоммуникационных проводниках токи. Результат влияния электрических полей от ближайшей линии электропередач.

Телекоммуникация ўтказгичларида ток келтириб чиқарадиган электростатик нурланиш. Яқин масофада жойлашган электр узатиш линиялари электр майдонларининг таъсири натижаси.

**Элемент жесткости**

*uz* – қаттиқлик элементи

*en* – strength member

Элемент волоконно-оптического кабеля, состоящий из арамидных волокон, стальных прутов или стекловолокон, увеличивающих прочность кабеля.

Оптик-толали кабелнинг, унинг мустаҳкамлигини



www.ziyouz.com kutubxonasi

оширувчи арамид толалардан, пўлат симлар ёки шиша толалардан иборат элементи.

**Эллиптическая поляризация**

*uz* – эллиптик қутбланиш

*en* – elliptical polarization

Поляризация, при которой две гармонические составляющие электрического поля не равны по величине и сдвинуты по фазе на угол $\varphi$ ($0<\varphi<90°$), при этом конец вектора электрического поля описывает эллипс. Частными случаями эллиптической поляризации являются линейная ($\varphi=0°$) и круговая ($\varphi=90°$).

Электр майдоннинг иккита гармоник ташкил этувчиси миқдор жиҳатдан тенг бўлмаган, фаза бўйича $\varphi$ ($0<\varphi<90°$) бурчакка сурилган, электр майдон вектори эллипс чизадиган қутбланиш. Чизиқли ($\varphi=0°$) ва доиравий қутбланиш ($\varphi=90°$) эллиптик қутбланишнинг хусусий ҳолларидир.

**Эллиптически поляризованная волна**

*uz* – эллиптик қутбланган тўлқин

*en* – eltiptically polarized wave

Электромагнитная волна, поляризованная таким образом, что конец вектора напряженности электрического поля описывает эллипс.

Электр майдон кучланганлик векторининг учи эллипс чизадиган тарзда қутбланган электромагнит тўлқин.

**Эмиссия**

*uz* – эмиссия

*en* – emissions

Явление, в результате которого из источника исходит электромагнитная энергия. Эмиссия может быть либо излучаемой, либо передаваемой по проводнику.

Манбадан электромагнит энергия чиқиши натижасида кузатиладиган ҳодиса. Эмиссия нурланадиган ёки ўтказгич орқали узатиладиган бўлиши мумкин.

**Энергетический спектр**

*uz* – энергетик спектр

*en* – energy spectrum

Функция, описывающая распределение энергии сигнала в зависимости от частоты. Энергетический или амплитудный спектр может быть получен путем усреднения по большому числу конкретных реализаций сигнала, т.е. в нем не учитывается фазовое распределение (спектр фаз).

Сигнал энергиясининг частотага боғлиқ равишда тақсимланишини тавсифловчи функция. Энергетик ёки амплитуда спектри сигналнинг аниқ бир кўринишларини ўртачалаштириш йўли билан олиниши мумкин, яъни унда фазавий тақсимланиш (фазалар спектри) ҳисобга олинмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Этажный шкаф**
*uz* – қаватда ўрнатилган шкаф
*en* – floor closet

См. «Телекоммуникационный шкаф».
«Телекоммуникация шкафи» га қаранг.

**Эфир**
*uz* – эфир
*en* – ether

Обобщенное название электромагнитной среды, в которой распространяются радиоволны. В технологии Ethernet данным термином обозначаются различные среды передачи (коаксиальный кабель, витая пара, оптоволоконный кабель).

Радиотўлқинлар тарқаладиган электромагнит муҳитнинг умумлаштирилган номи. Ethernet технологиясида бу атама билан турли узатиш муҳитлари (коаксиал кабель, ўралган жуфт, оптик-толали кабель) белгиланади.

**Эффект Деллинджера**
*uz* – Деллинжер эффекти
*en* – Dellinger effect

Кратковременное замирание сигналов (на частотах от 2 до 30 MHz), возникающее при внезапном ионосферном возмущении (при солнечных вспышках). Наиболее глубокое замирание возникает на тех трассах, значительная часть которых находится в освещенном полушарии.

Сигналларнинг (2 дан 30 MHz гача частоталарда) тўсатдан бўладиган ионосфера ғалаёнланиш (Қуёш чақнашлари) пайтида вужудга келадиган қисқа муддатли тиниши. Энг чуқур тиниш катта қисми ёритилган ярим шарда бўлган трассаларда вужудга келади.

**Эффективность инжектирования**
*uz* – инжектирлаш эффективлиги
*en* – coupling efficiency

Эффективность передачи оптической мощности между двумя компонентами.

Оптик қувватни икки компонент ўртасида узатиш эффективлиги.

**Эхосигнал от ближнего конца линии**
*uz* – линиянинг яқин учидан келадиган акс садо сигнали
*en* – near-end echo

Сигнал от передатчика, который вследствие рассогласования тракта поступает непосредственно на вход собственного приемника.

Узаткичдан, трактнинг мос келмаслиги оқибатида бевосита ўзининг қабул қилгичи киришига келадиган сигнал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ядро**
*uz* – ядро
*en* – core

Центральная часть оптического волокна, через которую проходит свет.

Оптик толанинг, ёруғлик ўтадиган марказий қисми.

**Ячеистый пол**
*uz* – ячейкасимон пол
*en* – cellular floor method

Распределительная подпольная система, при которой кабели проходят в ячейках пола, сделанных из стали или бетона, и формируется канал для распределения кабелей питания и телекоммуникационных кабелей.

Пол ости тақсимлаш тизими, бунда кабеллар пўлат ёки бетондан қилинган пол катакларидан ўтади, таъминот ҳамда телекоммуникация кабелларини тақсимлаш учун канал ташкил этилади.

**Ячейка АТМ**
*uz* – АТМ ячейкаси
*en* – cell

Ячейка АТМ состоит из 53 байтов или «октетов», 5 из которых составляют заголовок, оставшиеся 48 – полезная нагрузка.

АТМ ячейкаси 53 та байт ёки «октет» дан иборат. Улардан 5 таси сарлавҳани, қолган 48 таси фойдали нагрузкани ташкил қилади.

**dBmO**
*uz* – dBmO
*en* – dBmO

Единица измерения мощности, определяемая относительно 1 милливатта в точке с нулевым относительным уровнем.

Нисбий даражаси ноль бўлган нуқтада 1 милливаттга нисбатан аниқланадиган қувват ўлчов бирлиги.

**dBr**
*uz* – dBr
*en* – dBm

Относительная единица измерения мощности сигнала, определяемая как разность между мощностью в какой-либо точке передающего тракта по отношению к нулевому контрольному уровню (выражается в децибелах).

Сигнал қувватининг нисбий ўлчов бирлиги. Узатувчи тракт қандайдир нуқтасидаги қувватнинг ноль назорат даражасига нисбати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (децибелларда ифодаланади).

**D-канал**
*uz* – D-канал
*en* – D-channel

Канал сигнализации, используемый для установления соединений и передачи вызывных сигналов со скоростью 16 или 64 kbit/s.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғланишларни ўрнатиш ҳамда чақирув сигналларини 16 ёки 64 kbit/s тезлик билан узатиш учун фойдаланиладиган сигнализация канали.

**ITU-T G.xxx**
*uz* – ITU-T G.xxx
*en* – ITU-T G.xxx

Рекомендации серии G.xxx, в которых определены требования к каналам и системам передачи данных, включая: характеристики среды передачи (С.6хх), уплотнение и кодирование информации (G.7хх), вопросы проектирования цифровых сетей (G.8xx), цифровые линии для систем связи (G.9xx).

G.xxx серияси тавсиялари. Бу тавсияларда маълумотлар узатиш каналлари ва тизимларига қўйиладиган талаблар белгиланган, жумладан, узатиш муҳитининг характеристикалари (С.6хх), ахборотни зичлаш ва кодлаш (G.7xx), рақамли тармоқларни лойиҳалаш масалалари (G.8xx), алоқа тизимлари учун рақамли линиялар (G.9xx).

**Lxx**
*uz* – Lxx
*en* – Lxx

Обозначение серии рекомендаций ITU-T, в которых определены требования к конструкции линейных сооружений, прокладке и защите кабельных и волоконно-оптических линий связи от внешних воздействий.

Линия иншоотлари конструкциясига, кабелли ва оптик-толали алоқа линияларини ўтказишга ҳамда уларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга бўлган талаблар кўрсатилган ITU-T тавсиялари сериясининг белгиланиши.

**PIN-диод**
*uz* – PIN-диод
*en* – PIN-diode

Полупроводниковый детектор, используемый в приемнике для преобразования оптических сигналов в электрические.

Қабул қилгичда оптик сигналларни электр сигналларига айлантириш учун фойдаланиладиган яримўтказгичли детектор.

**SDH-корректирование**
*uz* – SDH-тузатиш
*en* – SDH aligning

Процедура, посредством которой в компонентный блок или административный блок вводится информация об отступе этого цикла от эталонной точки отсчета цикла обслуживающего слоя.

Процедура бўлиб, унинг ёрдамида компонент блок ёки маъмурий блокка циклнинг хизмат



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатувчи қатлам циклининг эталон саноқ боши нуқтасидан четланиши тўғрисидаги ахборот киритилади.

**SDH-мультиплексирование**
*uz* – SDH-мультиплексорлаш
*en* – SDH multiplexing

Процедура адаптирования нескольких сигналов слоя трактов нижнего ранга к тракту верхнего ранга или нескольких сигналов слоя трактов верхнего ранга к мультиплексной секции.

Қуйи ранг трактлари қатламининг бир нечта сигналини юқори ранг трактига ёки юқори ранг трактлари қатламининг бир нечта сигналини мультиплекс секцияга мослаштириш процедураси.

**SDH-размещение**
*uz* – SDH-жойлашув
*en* – SDH mapping

Процедура адаптирования сигналов нагрузки к виртуальным контейнерам в границах сети SDH.

SDH тармоғи чегараларида нагрузка сигналларини виртуал контейнерларга мослаштириш процедураси.

**$\mu$-закон**
*uz* – $\mu$-қонуни
*en* – $\mu$-law

Закон сжатия динамического диапазона речевого сигнала, позволяющий улучшить отношение сигнал/шум в PCM и ADPCM речевых кодерах. Отличительная особенность данного закона компандирования от A-law состоит в использовании квазилинейной характеристики сигнала в области малых амплитуд и квазилогарифмической – в области больших. На практике часто применяется компандирование с коэффициентом сжатия $\mu$=250.

Товуш сигнали динамик диапазонини сиқиш қонуни. Товуш кодерлари PCM ва ADPCM да сигнал/шовқин нисбатини яхшилаш имконини беради. Ушбу компандирлаш қонунининг A-қонунидан фарқ қиладиган жиҳати сигналнинг квазичизиқли характеристикасидан кичик амплитудалар соҳасида, квазилогарифмик характеристикасидан катта амплитудалар соҳасида фойдаланишдан иборат. Амалда сиқиш коэффициенти $\mu$=250 бўлган компандирлаш қўлланилади.

**8B/6T**
*uz* – 8B/6T
*en* – 8B/6T

Самосинхронизирующийся блочный код, применяемый для передачи данных в технологии 100 BaseT4 (Fast Ethernet). В нем 8 входных бит преобразуются в 6 троичных символов. Из



www.ziyouz.com kutubxonasi

полученных в результате 729 кодовых слов отбираются лишь 256.

Маълумотлар узатиш учун, 100 BaseT4 (Fast Ethernet) технологиясида қўлланиладиган, ўз-ўзидан синхронланувчи блокли код. Унда 8 та кириш бити 6 та учлик символга айлантирилади. Олинган 729 та кодли сўздан фақатгина 256 таси танланади.

**8B/10B**
*uz* – 8B/10B
*en* – 8B/10B

Блочный код, применяемый для передачи данных по технологии Gigabit Ethernet. В нем 8 исходных бит преобразуются в 10 выходных. Из полученных в результате 1024 кодовых слов отбирается лишь 256. Признак отбора – наличие в слове не более четырех нулей или единиц подряд, а остальные кодовые комбинации считаются запрещенными. Кроме данных по линии передаются и служебные символы – в них допускаются последовательности из 5 нулей или единиц.

Gigabit Ethernet технологияси бўйича маълумотлар узатишда қўлланиладиган блокли код. Унда дастлабки 8 та бит 10 та чиқиш битига айлантирилади. Олинган 1024 та кодли сўздан фақатгина 256 таси танланади. Танлаш сўзда кетма-кет тўртта ноль ёки бир мавжудлиги асосида амалга оширилади, қолган кодли комбинациялар тақиқланади. Маълумотлардан ташқари, линия бўйлаб хизмат белгилари ҳам узатилади. Уларда бешта ноль ёки бирдан иборат кетма-кетликларга йўл қўйилади.

**16QAM**
*uz* – 16QAM
*en* – 16QAM

16-уровневая квадратурная амплитудная модуляция. Одна из широко распространенных версий метода квадратурной модуляции, в которой входная комбинация из четырех двоичных символов (один квадбит) отображается в 16 дискретных состояний сигнала, передаваемых с использованием 12 значений фазы и трех уровней амплитуды.

16 та даражали квадратура амплитудавий модуляция. Квадратура модуляция методининг кенг тарқалган версияларидан бири бўлиб, бунда тўртта иккилик символдан (битта квадбит) иборат кириш комбинацияси фазанинг 12 та қийматидан ва амплитуданинг учта да-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ражасидан фойдаланган ҳолда узатиладиган сигналнинг 16 та дискрет ҳолатида акс эттирилади.

**30B+D**
*uz* – 30B+D
*en* – 30B+D

Обозначение интерфейса первичного доступа сети ISDN, обеспечивающего скорость передачи 2,048 Mbit/s. Включает 30 каналов трафика и один сигнализации (во всех скорость 64 kbit/s).

ISDN бирламчи кира олиш тармоғининг, 2,048 Mbit/s га тенг узатиш тезлигини таъминловчи интерфейсининг белгиланиши. Ўз ичига 30 та трафик ва битта сигнализация каналини олади (барчасида тезлик 64 kbit/s).

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1 *Л.М.Невдяев*. Телекоммуникационные технологии. Англо-русский толковый словарь – справочник. Москва, 2002.

2. *В.А.Докучаев*. Толковый словарь терминов по системам, средствам и услугам связи. Издательство «Радио и связь». Москва, 2000.

3. *Н.Н.Слепов*. Англо-русский толковый словарь сокращений в области связи, компьютерных и информационных технологий. Издательство «Радио и связь». Москва, 2005.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СОДЕРЖАНИЕ

# МУНДАРИЖА


Введение ..... 3
Кириш ..... 5
А ..... 7
Б ..... 16
В ..... 22
Г ..... 39
Д ..... 46
Е ..... 55
Ж ..... 56
З ..... 56
И ..... 62
К .....
Л .....
М ..... 1[illegible]
Н ..... 11[illegible]
О ..... 123
П ..... 137
Р ..... 173
С ..... [illegible]
Т .....
У .....
Ф .....
Х ..... 2[illegible]
Ц ..... 23
Ч ..... 235
Ш ..... 239
Э ..... 244
Я ..... 249
Список использованных источников ..... 254




www.ziyouz.com kutubxonasi

# РУССКО-УЗБЕКСКИЙ ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ ТЕРМИНОВ ПО ЛИНИЯМ СВЯЗИ И СИСТЕМАМ ПЕРЕДАЧИ

# АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ВА УЗАТИШ ТИЗИМЛАРИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ


| | |
|---|---|
| Муҳаррир | *Ш. Туляганов* |
| Техник муҳаррир | *А. Салихов* |
| Бадиий муҳаррир | *Ж. Гурова* |
| Саҳифаловчи | *К. Голдобина* |

Босишга рухсат этилди 27.05.08. Бичими 60х90$^1/_{16}$.
«Arial» гарнитураси. Офсет босма. Шартли б.т. 16,0.
Нашр б.т. 16,2. Адади 500. 165-сонли буюртма.

«Arnaprint» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100182, Тошкент, Ҳусайн Бойқаро кўч., 41.


www.ziyouz.com kutubxonasi